

Акмал МИРАВАЗ ЎҒЛИ

МЕН ҲАМ  
ТАФАККУР  
ҚИЛАМАН



“Shamsuddinxon  
Boboxonov”  
NMIU

Тошкент  
2020

УЎК: 28:316  
КБК: 86.38  
А 42

*Ушбу китоб Қуръон оятларини ўқиб, тафаккур қилиш натижасида пайдо бўлган. Қуръони каримни тафаккур қилиш давомида ҳосил бўлган хулосалар ўз мазмунига кўра, мавзуларга бўлиб чиқилган. Бугунги кун учун зарур бўлган мавзулар алоҳида кўрсатиб ўтилган.*

### **Мираваз ўғли Акмал**

Мен ҳам тафаккур қиламан [Матн] : диний – ижтимоий / Акмал Мираваз ўғли. – Тошкент : «Шамсуддинхон Бобохонов» нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – 224 б.

**КБК: 86.38**

*Масъул муҳаррир:*  
**Адхам ИБРОҲИМ ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 09 декабрдаги  
6198-сонли хулосаси асосида нашрга тайёрланди.*

**ISBN 978-9943-12-639-8**

© Акмал Мираваз ўғли.  
© «Шамсуддинхон Бобохонов» НМИУ, 2020.

# ҚУРЪОНДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

Ақида

Таълим

Руҳият

Инсон

Коинот

Дунё

*ва бошқалар ҳақида*



## МУҚАДДИМА

### Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим

Ўзининг охирги ва абадий китоби бўлмиш Қуръони каримни бутун оламларни ҳидоят қилиш учун нозил этган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин.

Қуръони карим оятларини ўз умматларига бенуқсон етказиб, унга қандай амал қилишни кўрсатган, оятларини шарҳлаб, тафаккур қилиб, улардан икки дунё саодатини таъминлайдиган хулосалар олишни ўргатган Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга мукаммал салавоту дурудлар бўлсин.

Ҳозирги вақтда биз, ўз назаримизда, алғовдалғов, бениҳоят чексиз туюлувчи, лекин Аллоҳ учун ғоят осон бўлган сир-синоатлар ва ахборотлар уммони ичида яшамоқдамиз. Ҳолатимиз борадиган манзилени жуда ҳам аниқ билмаган, бироқ унга томон тинимсиз ва шошиб кетаётган мусофирнинг ҳолини эслатади. Ҳамма нарсени шошилиб ва йўл-йўлакай бажаришга, ҳамма нарсага улгуришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ҳаётимиз учун муҳим бўлган маълумотларнинг барча-барчаси Қуръони карим ва Пайғамбаримиз суннатларида батафсил баён қилинганига қарамай, уларни кўпинча тез ва тўғри топа олмаймиз. Чунки бу ҳукм ҳамда маълумотлар маълум сабабу ҳикматларга кўра, Муқаддас Каломнинг турли оятларига сингдирилган. Маълум мавзу бир неча



ўринларда келиши ҳам, битта оят мазмуни бир қанча мавзуни муолажа қилиши ҳам, биргина оятда кўплаб мавзулар ҳақида хабар берилган бўлиши ҳам мумкин.

Ушбу китоб Қуръон оятларини ўқиб, тафаккур қилиш натижасида пайдо бўлди. Қуръони каримни тафаккур қилиш давомида ҳосил бўлган хулосалар ўз мазмунига кўра, мавзуларга бўлиб чиқилди. Албатта, бу мавзулар Қуръон ичига олган мавзулардан бир томчи, холос. Шундай бўлса-да, бугунги кун учун зарур бўлган мавзулар алоҳида кўрсатиб ўтилди. Бир хулоса фақатгина бир мавзуга киритилди. Шунингдек, мазмунан такрорланувчи хулосалардан воз кечилди. Шубҳасиз, мавзулар ичидан яна бошқа мавзуларни чиқариб олиш, баён қилинган мавзуларни янги хулосалар билан бойитиш мумкин.

Зеро, Қуръон зиёсидан фойдаланишга уриниш фақат уламоларнинг эмас, балки ҳар бир мўминнинг ҳам ишидир.

Хулосалар билан танишар экансиз, уларнинг инсон ақли самараси эканини, мукамалликка, беҳатоликка даъво қилолмаслигини, қайсидир жой ёки вақт таъсирида юзага келганини унутмаслигини илтимос қиламиз. Ният холис, лекин банда ожиз...

Ушбу ожизона тақдим этилаётган сатрларни Қуръон хазиналаридан фойдаланиш, уни ўқиб-ўрганувчи солиҳ бандалар сафига дохил бўлишга уриниш сифатида кўргайсизлар.

Аллоҳ барчамизга мададкор бўлсин!

Алҳамду лиллаҳи Раббил ʼаламин!



**“Аъзу биллаҳи мин-аш шайтонир рожим”** жумласининг маъносига диққат қилинса, барча куч Аллоҳдан эканлиги, шайтон ёмонлигидан ёлғиз Аллоҳнинг ёрдами билангина қутулиш мумкинлиги аён бўлади.

**“Бисмиллаҳир роҳманир роҳим”** жумласидан эса Аллоҳ ва бандалари ўртасини У Зотнинг чексиз раҳмати боғлаб тургани тушунилади.

## АЛЛОҲ

**1/2** Мақтовнинг ҳақиқий эгаси оламларнинг тарбиячиси Аллоҳдир.

**2/117** Аллоҳ бир ишни хоҳласа, “Бўл!” дейди ва у бўлади.

**2/196** Аллоҳ иқоби шиддатли Зотдир.

**2/247** Аллоҳ Ўз мулкани истаган бандасига беради.

**2/253** Аллоҳ нимани ирода қилса, шуни қилади.

**3/128** Ҳукм чиқариш ва ҳаёт қоидаларини белгилаш Аллоҳнинг ишидир.

**3/141** Аллоҳ мўминларни поклайди ва кофирларни ҳалок этади.

**3/191** Аллоҳ ҳеч ишни бекордан-бекорга қилмайди.

**4/47** Аллоҳ баъзан аҳли китобларга алоҳида мурожаат қилади.

**4/47** Аллоҳнинг иши амалга ошгусидир.

**4/139** Азизлик, куч-қувватнинг барчаси Аллоҳ ҳузуридадир.

**5/1** Аллоҳ нимани хоҳласа, шуни ҳукм қилади.

**6/6** Бирор қавм Аллоҳнинг уларга юклаган омонатини адо қила олмаса, Аллоҳ улар ўрнига бошқасини олиб келади.



**6/18** Ҳар бир нарсадан хабардорлик Аллоҳга хос.

**6/51** Аллоҳдан ўзга шафоатчи йўқ.

**6/53** Аллоҳ инсонларнинг баъзиларини баъзилари билан синайди.

**6/59** Ғайбнинг калитлари Аллоҳдадир.

**6/165** Аллоҳ инсонларни синаш учун уларнинг даражаларини турлича қилиб қўйган.

**9/118** Аллоҳ тавба эшигини очсагина, банда тавба қила олади.

**12/100** Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишни сездирмай амалга оширгувчидир.

**15/23** Аллоҳнинг Ўзи барча нарсага ворисдир.

**16/3** Аллоҳ ширкдан юксак турувчи Зотдир.

**16/74** Аллоҳ барча нарсани билур, банда ҳеч нарсани билмас.

**18/109** Аллоҳнинг сўзлари тугамайди.

**19/18** Аллоҳгина паноҳ бера олур.

**19/21** Барча ишлар Аллоҳга осондир.

**20/50** Аллоҳ барча нарсаларни маълум шаклда яратган.

**20/50** Аллоҳ барча нарсани йўлга солиб қўйган.

**21/16** Аллоҳ ҳеч бир нарсани беҳуда яратмайди.

**21/23** Аллоҳ Ўзи қиладиган бирор иш ҳақида ҳеч кимга ҳисобот бермас.

**21/69** Нарсаларга турли хусусиятлар бериш Аллоҳнинг қўлида.

**22/14** Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишни қилур.

**22/18** Аллоҳ хор қилганни азиз қилувчи йўқ.

**24/35** Аллоҳ осмонлар ва Ернинг нуридир.

**24/42** Осмонлар ва Ернинг подшоҳлиги Аллоҳникидир.

**24/45** Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани яратади.

**26/9** Аллоҳ кофирлар устидан ғолиб Зот.

**27/78** Ҳукм қилиш Аллоҳга хос.





**30/19** Аллоҳ ўликдан тирикни, тирикдан ўликни чиқаради.

**33/17** Аллоҳ бандага яхшиликни раво кўрса, уни тўсувчи, ёмонликни раво кўрса, ундан асровчи бирон-бир куч йўқ.

**35/10** Ким куч-қудрат истайдиган бўлса, барча куч-қудрат Аллоҳникидир.

**35/41** Аллоҳ осмон ва Ерни қулаб тушишдан асраб туради.

**39/7** Аллоҳ Ўз бандаларининг кофир бўлишига рози эмас.

**41/13** Чақмоқ ҳам Аллоҳнинг қўшинларидан биридир.

**42/8** Агар Аллоҳ хоҳлаганида барча инсонларни бир динда жам қилган бўлар эди.

**42/8** Аллоҳ хоҳлаган кишини Ўз раҳматига кирилади.

**42/11** Аллоҳга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир.

**50/28** Аллоҳнинг ҳузурида талашиб-тортишилмас.

**55/7** Аллоҳ осмонни кўтарди – баланд қилиб қўйди.

**67/16** Аллоҳ илмидан ҳеч нарса махфий қололмас.

**91/15** Аллоҳ Ўз ишларининг оқибатидан қўрқмас ва ишлари хусусида ҳеч кимнинг олдида ҳисоб-китоб бермайди. Аксинча, бутун борлиқ Унга ҳисоб-китоб беради.

**114/3** Парвардигор, Подшоҳ ва Илоҳ сўзлари уч хил маънони англатувчи уч турли сўзлардир. Инсонларни яратган Аллоҳгина уларнинг Парвардигори, чин маънодаги эгаси – Подшоҳи ва ҳукм чиқаришга лойиқ Ҳакам – Илоҳ бўла олади.



## ҚОНУНИЯТЛАР

**2/35** Аллоҳ барча нарсани жуфт қилиб яратди.

**2/60** Аллоҳ ер юзидаги ҳодисаларни сабабларга боғлагандир.

**2/249** Танланганлар ичидан яна танланганлар ажратилиши мумкин.

**2/249** Гап миқдорда эмас, сифатда.

**2/253** Танланганларнинг ҳам баъзилари баъзиларидан ортиқдир.

**4/12** Аввал зарар эшиги ёпилади, сўнгра фойда эшиги очилади.

**4/24** Энг яхшиси топилмаса, ўрта даражадаги яхшиси танланади.

**5/5** Асоснинг емирилиши барча нарсанинг қулашидир.

**6/2** Ҳар бир нарсанинг белгиланган муддати бор.

**6/92** Ҳар бир нарсанинг ичида асосийси энг каттаси бўлади.

**6/133** Ҳар бир нарса ўртасида боғлиқлик бор.

**7/12** Сабабсиз оқибат бўлмайди.

**7/34** Ҳар бир нарсанинг ўз вақти бор.

**8/52** Барча кофирлар бир хил йўлдан юрадилар.

**9/1** Зарур нарсалар эълон қилиб қўйилиши керак.

**9/8** Инсоннинг сўзига эмас, амалига қараш зарур.

**9/52** Вақт – олий ҳакам.

**9/55** Аллоҳ бир нарсани истаса, унинг сабабларини ҳозирлайди.

**9/99** Мақсадга восита билан эришилади.

**10/64** Аллоҳнинг қонунлари ўзгармас.

**11/6** Ҳар бир нарсанинг турар жойлари ҳам, борар жойлари ҳам Аллоҳга аён ва ҳамма нарса Китобда очиқ-равшан ҳолда бордир.

- 13/3 Ҳар нарса жуфт яратилган.
- 13/8 Ҳар бир нарса ўлчовлидир.
- 13/16 Кўр билан кўрувчи, зулмат билан нур тенг эмас.
- 13/38 Ҳар бир вақт учун муносиб ҳукм, йўл-йўриқ бор.
- 14/19 Еру осмонлар ўзгармас қонун билан яратилган.
- 16/70 Ҳар бир нарса ўзининг бошланғич нуқтасига қайтади.
- 17/51 Келаётган ҳар бир нарса яқиндир.
- 18/28 Яхши инсон яхшилар ичида бўлишга интилиши керак.
- 18/86 Ҳар қуёшнинг ботиши бор.
- 21/33 Ҳар бир жисмнинг ўз фаолият доираси, ҳаракатланиш ҳудуди бор.
- 22/40 Аллоҳ Ўз динига ёрдам берадиганларни ғолиб қилур.
- 23/30 Имтиҳон қилиш илоҳий қонундир.
- 24/43 Натижа чиқиши учун бирлашиш керак.
- 24/47 Сўзга эмас, амалга қараш керак.
- 25/2 Барча нарса аниқ ўлчаб қўйилган.
- 25/53 Аллоҳ истамаса, бир жойдаги бир-бирига зид икки нарса бир-бирига аралашмайди.
- 26/155 Тегирмон навбати билан.
- 26/207 Ҳар бир ишнинг охири эътиборлидир.
- 29/3 Имтиҳон қилиш – Аллоҳнинг азалий қонуни.
- 30/30 Аллоҳ яратганини ўзгартириб бўлмас.
- 30/54 Заифликдан кучга, кучдан заифликка борилади.
- 31/34 Бирор киши эртага нима бўлишини била олмас.
- 33/62 Аллоҳнинг қонуниятлари ўзгармас.

**35/21** Зулмат билан нур, тирик билан ўлик тенг бўлмас.

**41/34** Яхшилик ва ёмонлик баробар бўлмас.

**54/3** Ҳар бир иш ўз жойини топгувчидир.

**67/19** Учиш учун қанотларни ёйиб-йиғиб туриш керак.

**72/28** Коинотдаги ҳар бир нарсанинг саноғи бор.

**74/37** Инсон ё илгарилайди, ё чекинади.

**93/3** Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, қолган ўн беши ёруғ.

**94/6** Ҳар бир оғирлик, машаққат билан бирга бир енгиллик ҳам бор.



## КОИНОТ

**1/2** Борлиқ оламлардан иборат. «Олам» сўзи эса «аломат» сўздан олинган.

**1/4** Ҳар бир нарсанинг сўнги бор, дунёнинг ҳам.

**2/145** Ҳар бир оламнинг ўз юзланадиган тарафи – қибласи бор.

**3/83** Истаса-истамаса, осмонлару ердаги барча жонзотлар Аллоҳга бўйсуниб туради.

**4/82** Аллоҳдан бошқанинг ишларида кўп чал-кашликлар бўлади.

**6/38** Ҳамма нарса Лавҳул Маҳфузда ёзиб қўйилган.

**7/11** Аввал яратилади, сўнгра шакл берилади.

**7/40** Осмоннинг ҳам эшиклари бор.

**7/143** Аллоҳ баъзи махлуқотларга бу дунёда ҳам тажаллий қилиши мумкин.

**10/5** Қуёш зиё, ой нурдир.

**15/22** Шамол урчитгувчидир.

**16/10** Барча жонлининг сувга эҳтиёжи бор.

**16/16** Юлдуз билан йўл топилади.

**16/48** Ўзи эгила олмайдиган нарсаларнинг сояси эгилиб сажда қилади.

**17/50** Қаттиқ жисмларда ҳам ҳаёт бор.

**17/59** Мўъжиза бандани огоҳлантириш учундир.

**18/89** Ҳаракат йўналиши ғарбдан шарққа.

**23/17** Осмон етти қават.

**25/25** Осмон ҳам ёрилади.

**25/48** Шамол – ёмғирдан даракчи.

**25/48** Ёмғир тоза, пок сувдир.

**27/75** Осмон ва заминдаги ҳар бир сир Лавҳул Маҳфузда мавжуддир.

**27/88** Тоғлар ҳам ҳаракатдалар.

**33/9** Шамол ҳам Аллоҳнинг қўшинларидан.



**34/2** Ерга кирадиган ва ундан чиқадиган, шунингдек, осмондан тушадиган ва унга томон кўтариладиган нарсалар бор.

**34/12** Мис куч манбаларидандир.

**35/27** Тоғлар ранги ҳам хилма-хил.

**38/27** Осмону Ер беҳуда яратилган эмас.

**39/63** Осмонлар ва Ернинг калитлари Аллоҳникидир.

**40/57** Осмонлару Ерни яратиш инсонларни яратишдан улуғроқ.

**41/11** Осмон аввал тутун ҳолида эди.

**41/12** Энг қуйи осмон юлдузлар билан безатилди ва кўриқланди.

**44/3** Муборак ишлар муборак кечаларда юз беради.

**45/5** Шамолни Аллоҳ йўналтиради.

**50/6** Осмоннинг бирор тешигу ёриғи йўқ.

**51/42** Устидан ўтган нарсасини чириб-битган суяклар каби қилиб кетадиган бўрон-шамоллар бор.

**52/35** Барча нарса ўз-ўзидан яралган, деган фикр энг аҳмоқ фикрдир.

**57/25** Темирда куч-қувват ва одамлар учун манфаат бор.

**65/3** Ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар Аллоҳ белгилаган вақтда ва ўлчовда рўй беради.

**65/12** Осмон ва Ер етти қаватдир.

**67/3** Аллоҳнинг яратикларида бирор нуқсон кўрмаймиз.

**67/5** Юлдузлар ҳам чироқ, ҳам шайтонларга отиладиган тош вазифасини ўтайдилар.

**78/7** Тоғлар Ернинг қозикларидир.

**78/13** Қуёш Ернинг чироғидир.

## ФАРИШТАЛАР

**3/124** Мўминнинг кўринмас дўстлари фаришталардир.

**7/206** Аллоҳ ҳузуридаги дўстлар фаришталардир.

**13/11** Инсонни ўраб турувчи фаришталар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрини бажарадилар.

**19/17** Фаришта одам сифатига кира олади.

**21/27** Фаришталар Аллоҳнинг амри-фармони билангина иш тутадилар.

**35/1** Фаришталар икки, уч, тўрт қанотли бўладилар.

**37/8** Энг юксак мавжудотлар фаришталардир.

**37/164** Ҳар бир фаришта учун осмонларда аниқ-маълум бир ўрин бор.

**39/75** Арш атрофини ўраб олган фаришталар Аллоҳга ҳамд айтадилар.

**40/7** Аршни кўтариб турувчи фаришталар Аллоҳга ҳамду сано айтадилар.

**40/7** Фаришталар Аллоҳдан мўминларни мағфират қилишни сўраб турадилар.

**41/31** Фаришталар қиёмат ва охиратда мўминнинг дўстларидир.

**50/17** Инсоннинг ўнг ва чап томонида икки фаришта ўтириб, унинг яхши-ёмон амалларини ёзиб боради.

**53/27** Фаришталарни аёллар номи билан аташ куфр.

**69/17** Қиёмат куни Аршни саккиз фаришта кўтариб туради.

**70/4** Қиёмат куни барча фаришталар Аллоҳ ҳузурига тўпланишади.

**81/21** Осмондаги фаришталарга Жаброил алайҳиссалом бошлиқ қилинди.



## АЛЛОҲ ВА ИНСОН

**1/5** Аввал ибодат қилинади, сўнгра ёрдам сўралади.

**2/30** Инсон Аллоҳнинг ердаги ўринбосари ва унга маълум масъулиятлар юкланган.

**2/45** Аллоҳдан ёрдам сабр ва намоз билан сўралади.

**7/27** Аллоҳ инсонга шайтонни кўрсатмаган бўлсада, бироқ унга нажот йўлини кўрсатди.

**10/62** Аллоҳнинг дўстларига хавф йўқ.

**10/63** Аллоҳнинг дўстлари имон келтирган ва тақво қилганлардир.

**24/40** Кимга Аллоҳ нур бермаса, унинг ҳеч нури бўлмас.

**35/15** Инсон Аллоҳга муҳтож, Аллоҳ эса ҳеч кимга муҳтож бўлмаган Зот.

**39/36** Бандани бало-қазодан асраш учун Аллоҳнинг Ўзи етарлидир.

**42/51** Аллоҳ ва инсон уч хил йўл билан сўзлашиши мумкин:

1. Ваҳий (илҳом, туш).
2. Парда-тўсиқ ортидан.
3. Элчи-фаришталар орқали.

**43/32** Аллоҳ инсонлар бир-бирларига хизмат қилишлари учун уларни турли даража-мартабаларга бўлиб қўйган.

**49/13** Аллоҳ наздидаги энг ҳурматли инсон бошқалардан тақводорроқ инсондир.

**50/16** Аллоҳ инсонга жон томиридан ҳам яқинроқдир.

**65/3** Ким Аллоҳга таваккул қилса, Аллоҳнинг Ўзи унга етарли.





**79/18** Аллоҳ қуфр иллатидан покланишни хоҳловчиларни поклайди.

**80/21** Бошқа ҳайвонларнинг ўлиги ер бетида қолади, аммо инсон жасади кўмилади. Бу ҳам унга кўрсатилган ҳурмат.

**84/6** Инсон меҳнат-машаққат чекиб, барибир Парвардигорига боргувчидир.

## ДУНЁ

**2/16** Умр бир тижоратдир.

**2/35** Дунё рухсат берилган ва тақиқланган нарсалардан иборат.

**2/78** Ҳар бир қавмнинг ичида нима қилаётганини яхши биладиган, шунингдек, китобдан беҳабар, хом-хаёл омилар ҳам бор. Улар фақат гумон қиладилар, холос.

**2/125** Дунёдаги энг тинч жой Макка ва Масжидул Ҳаромдир.

**2/154** Дунёда биз сезмайдиган нарсалар кўп.

**2/251** Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб туради. Шундагина Ер юзи фасодга учрамайди.

**3/40** Дунё ишлари сабабларга боғланган бўлса-да, сабаблар ҳам Аллоҳ иродасига бўйсунадилар.

**3/145** Ким дунёни хоҳласа, унга дунё, ким охиратни хоҳласа, унга дунё ва охират ато этилгусидир.

**3/185** Дунё ҳаёти алдагувчи матодир.

**5/48** Ҳаммининг ўз йўли бор.

**5/48** Дунё – синов.

**6/32** Дунё ҳаёти ўйин-кулгидан ўзга нарса эмас.

**10/24** Дунё ҳаётининг мисоли осмондан туширилган сувга ўхшайди...



**11/15** Кофирга дунёвий ишларининг самараси шу дунёда берилади, охиратда эса унинг учун ҳеч вақо йўқ.

**11/7** Аллоҳ инсонларни улар қандай амал қилишларини синаш учун яратган.

**11/117** Аҳолиси яхшиликка чақирувчи бўлган шаҳар ҳалок бўлмас.

**12/21** Аллоҳ хоҳласа, банда кудуқдан чиқиб, қасрга жойлашиши ҳам ҳеч гап эмас.

**13/17** Сел беқўпик бўлмас, гуруч курмаксиз.

**16/120** Ҳақ йўлдаги бир киши ҳам бутун бир умматдир.

**16/97** Покиза ҳаёт имон келтириб, яхши амал қилганларгадир.

**17/1** Бир кечада анчагина ишлар бўлиб ўтиши мумкин.

**18/7** Ер устидаги бор нарса синовдир.

**18/71** Бир қарашда ёмон кўринган ишларнинг натижаси гўзал бўлиши ҳам мумкин.

**18/82** Қуруқ лойдан бўлган девор остида олтин хазина бўлиши мумкин.

**21/35** Банда ёмонлик ва яхшилик билан имтиҳон қилинади, синалади.

**23/53** Ҳар бир гуруҳ ўзини ҳақ деб ҳисоблайди.

**24/40** Баъзи жойларда нур устига нур бўлса, баъзи жойларда зулмат устига зулмат бўлади.

**28/5** Бугунги гадо эртага шоҳ бўлиши мумкин.

**28/57** Барча нарсанинг меваси, яъни ҳосили Маккага йиғилади.

**28/59** Макка барча шаҳарларнинг Маркази – Она-сидир.

**29/56** Мўмин учун Ер кенг ва каттадир.

**29/64** Дунё фақат бир нафаслик ўйин-кулгидир.

**30/7** Дунёнинг зоҳири бўлганидек, ботини ҳам бор, дунёнинг ботинини билувчиларга саломлар бўлсин!

**34/18** Шом ери баракотлидир.

**49/13** Инсонлар бир-бирлари билан яхшиликда ҳамкорлик қилишлари учун турли халқ ва қабилаларга ажратиб қўйилганлар.

**55/26** Ер юзидаги барча жонзот фоний.

**56/73** Олов – мусофир-йўловчи учун энг зарур нарсалардан.

**57/20** Дунё холи униб чиқиб, кўкарган ва охирида сарғайиб, қуруқ чўпга айланиб қолган ўсимликка ўхшар.

**64/15** Мол-мулк ва бола-чақа имтиҳондир, холос.

**77/26** Ер – тириклар ҳам, ўликлар ҳам йиғиладиган жой.

**95/3** Макка тинч, осойишта шаҳардир.

## ҚУРЪОНИ КАРИМ

**2/151** Оят аввал тиловат қилинади ва бу билан инсонни поклайди. Сўнгра шарҳланади.

**12/2** Қуръон – ақл булоғи.

**12/111** Қуръон барча нарсаларнинг тафсилотини ўз ичига олган.

**13/43** Қуръон илмидан хабардор киши алоҳида мақомдадир.

**14/1** Қуръон зулматдан нурга чиқиш йўл-йўриғидир.

**16/24** Кофир Қуръон қиссаларини ўтмиш афсоналари деб атайди.

**17/45** Қуръон ва кофирлар ўртасида кўринмас парда бор.

**18/82** Улуғлар илоҳий кўрсатма билангина иш кўрадилар.

**19/97** Қуръон инсон тилига осон қилингандир.

**20/123** Қуръонга эргашган бахтсиз бўлмас.

**20/2** Қуръон қийналиб жафо чекиш учун эмас, бахт улашиш учун нозил қилинган.

**21/48** Илоҳий китоблар ҳақ ва ботилни ажратувчидир.

**25/52** Дин хусуматчилари билан мужодала Қуръон ёрдами билан бўлади.

**27/76** Қуръон барча нарсага ойдинлик киритувчидир.

**29/49** Қуръон илм ато этилган зотларнинг кўнгилларидаги аниқ-равшан оятлардир.

**32/3** Қуръон ҳақдир.

**34/50** Қуръон ҳидоятга сабабчи.

**35/32** Қуръон ворисларига Тубо бўлсин!

**38/29** Қуръон оятлари тафаккур қилиниши лозим.

**39/23** Қуръонни ўқиганда, тинглаганда терилари жимирлаб кетадиганлар Аллоҳдан қўрққан мўминлардир.

**41/53** Аллоҳ инсонларга Қуръоннинг илоҳий Сўз эканини уларга уфқдаги ва ўз вужудларидаги мўъжизаларни кўрсатиши билан исботлаб-маълум қилиб боради.

**42/24** Аллоҳ Ўз сўзлари билан ботил-ноҳақ гапларни йўқ қилур.

**42/52** Қуръон – Рух, яъни диннинг руҳи, қалбларни жонлантирувчи руҳ.

**43/36** Аллоҳ Қуръондан юз ўгирган кофирга шайтонни ҳамроҳ қилиб қўяди.

**46/29** Қуръонни тинглаш ҳидоятга сабаб бўлади.

**54/17** Қуръон эслатма олиш учун осон қилиб қўйилди.



54/5 Қуръон – етук ҳикмат.

56/79 Қуръонни фақат покланганларгина ушлайдилар.

64/8 Қуръон – Нур.

72/1 Қуръон тиловати ўта жозибали ва мафтункор.

73/4 Қуръон дона-дона қилиб ўқилади.

73/5 Қуръон – салмоқли сўз.

75/31 Қуръонни тасдиқламаган одам намоз ҳам ўқимайди.

86/13 Қуръон ҳақ билан ботилни ажратувчи сўздир.

97/1 Қуръон Қадр кечасида нозил қилинди.

## ПАЙҒАМБАРЛАР

2/130 Иброҳим алайҳиссалом бу дунёда танлаб олинган инсондирлар.

3/31 Аллоҳни яхши кўрган Унинг пайғамбарларига эргашади.

3/33–34 Аллоҳ Одамни, Нуҳни, Иброҳим оиласини, Имрон оиласини оламлар ичидан танлаб олди. Улар бир-бирларига зурриётдирлар.

3/84 Барча пайғамбарларнинг динлари Ислом бўлиб, улар бир занжирнинг ҳалқаларидир.

6/89 Аллоҳ Ўз пайғамбарларига дастак бўлувчилар гуруҳини тайёрлаб қўйган.

6/112 Пайғамбарларнинг душманлари инсон ва жинлардан иборат.

14/4 Пайғамбар ўз қавми тилида сўзлайди.

16/36 Пайғамбар одамларга Аллоҳга ибодат қилинлар ва шайтондан узоқ бўлинлар, деб марҳамат қилади.

25/31 Ҳар бир пайғамбарнинг жинойтчи душманлари бор.



**26/127** Пайғамбарлар ҳам ажр-мукофот оладилар, лекин фақатгина Аллоҳдан.

**27/17** Сулаймон алайҳиссаломга инсу жиндан бўлган аскарлар берилган.

**33/6** Пайғамбар мўминларга уларнинг ўзларидан ҳам ҳақлироқдир.

**33/21** Мўмин учун гўзал намуна Аллоҳнинг Пайғамбаридир.

**33/46** Пайғамбар алайҳиссалом ҳақ йўлни кўрсатувчи нурли чироқдир.

**36/6** Арабларга Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан аввал бирор пайғамбар келган эмас.

**36/69** Пайғамбарнинг шоир бўлиши дуруст эмас.

**40/15** Аллоҳ Ўз пайғамбарларини Ўзи танлайди.

**40/26** Фиръавн Мусони ўлдирмоқчи, суиқасд қилмоқчи бўлди.

**43/59** Исо алайҳиссаломнинг отасиз туғилишлари Аллоҳ қудратини намойиш қиладиган бир мисол, холос.

**48/27** Пайғамбарнинг туши – ваҳий.

**48/29** Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг пайғамбаридир.

**49/2** Пайғамбар (ва у зотнинг ўринбосарлари)га дағал сўз айтиш мумкин эмас.

**51/52** Пайғамбарларни сеҳргар ёки жинни дейиш кофирларнинг эски одатларидир.

**61/6** Исо алайҳиссалом Тавротни тасдиқловчи ва ўзларидан кейин Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг келишлари хушхабарини етказувчи бандадир.

**62/2** Аллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламини омиларга пайғамбар қилиб юборди.

**79/45** Қиёмат қачон бўлишини айтиб бериш пайғамбарнинг вазифаси эмас.

## ИСЛОМ

**5/3** Ислом – мукаммал дин.

**5/15** Ислом зулматдан нурга элтар.

**6/1** Зулматлар кўпдир, нур эса биттадир.

**17/81** Ҳақ келганда ботил йўқолади.

**21/25** Диннинг асосий шиори: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Унгагина ибодат қилинади.

**21/92** Барча пайғамбарларнинг дини Исломдир.

**22/78** Динда ҳеч танглик (чорасиз ҳолат) йўқ.

**27/63** Аллоҳнинг йўли зулматларни ёритувчи нурдир.

**30/32** Динни бўлакларга бўлиб, унинг бир бўлагини тутиб олиш мумкин эмас.

**48/28** Ислом барча динларга ғолиб-устун бўлиш учун юборилган.

**61/8** Кофирлар Исломни Аллоҳнинг нурини оғизлари, яъни беҳуда гаплари билан ўчирмоқчи бўлсалар-да, Аллоҳ Ўз нурини ҳар томонга ёяверади.

**61/9** Аллоҳ, мушриклар истамаса-да, Ўз дини – Исломни ғолиб қилади.

**87/8** Ислом дини осон – енгил диндир.

## ИМОН

**2/216** Имон ва куфр орасидаги кураш давомийдир.

**2/256** Ҳақ ва ботил ажраб бўлган.

**4/170** Имон келтириш банданинг ўзи учун яхши.

**6/48** Имон келтириб, солиҳ амал қилган инсонга хавфу хатар йўқ.

**8/29** Аллоҳ такводорга ҳақдан ноҳақни ажратувчи аломат берди.



**10/72** Мусулмон бўлиш ҳам Аллоҳнинг изни билан бўлади.

**19/60** Ёмонликнинг каффорати тавба, имон ва яхши амалдир.

**25/70** Имон ва тавба гуноҳларнинг савобларга айлантирилишига сабаб бўлади.

**26/4** Имон-ишонч ноиложликдан эмас, балки қалб қаноати билан ихтиёрий бўлиши лозим.

**30/47** Имонлиларни ғолиб қилиш Аллоҳ зиммасидаги ҳақдир.

**43/67** Тақводор зотларгина мангу дўст бўла оладилар.

**48/4** Сокинлик имоннинг ортишига сабаб бўлади.

**49/14** Имон келтириш бошқа, мажбуран бўйсунуш бошқа.

**49/7** Бандага имонни чиройли қилиб, итоатсизликни ёмон қилиб кўрсатган Аллоҳдир.

**51/42** Аллоҳга имон келтиришга шошилиш керак.

## КУН ВА ТУН

**2/189** Ой – ҳилол вақт ўлчовидир.

**7/54** Кеча кундуздан олдин келади.

**9/36** Ойларнинг ҳисобини Аллоҳ азалдан ўн икки ой қилиб белгилаган.

**10/67** Тун дам олиш учун, кундуз эса ишлаш учундир.

**17/1** Тунги сайрда кўпроқ нарса кўзга ташланади.

**17/12** Кеча ва кундуз Аллоҳнинг улкан мўъжизаларидир.

**25/62** Кеча ва кундуз бир-бирининг ўрнини эгалловчидир.

**27/49** Шум ниятларни амалга ошириш учун кўпроқ тун танланади.



27/86 Тун ором олиш учундир.

39/42 Ҳар янги кун инсон учун янги ҳаёт демақдир.

41/12 Етти осмон икки кунда яратилди.

41/9 Ер икки кунда яратилган.

73/20 Кеча ва кундуз соатларини Аллоҳ белгилар, уларнинг аниқ ҳисобини инсон била олмайди.

78/11 Кундуз тирикчилик учун белгиланган вақтдир.

89/2 Зулҳижжа ойининг аввалги ўн кунда астойдил ибодат қилиш мустаҳабдир.

97/3 Қадр кечасида қилинган ибодат минг ойда қилинган ибодатдан яхшироқдир.

## ИНСОН

1/7 Инсонлар учга бўлинади:

А) Аллоҳ неъматлантирганлар;

Б) ғазабга дучор бўлганлар;

В) адашганлар.

2/5 Инсонлар иккига бўлинади: А) нажот топувчилар; Б) нажот топмаганлар.

2/124 Неъматларни зурриётларга илиниб туриш аввалдан бор.

2/272 Инсоннинг қилган яхшилиги ўзига тўлалигича қайтарилади.

3/14 Одамларга аёллар, болалар, отлар, чорвалар ва экинлар чиройли қилиб қўйилган.

3/66 Одамлар бир-бирлари билан ўзлари мутлақо беҳабар бўлган нарсалар хусусида ҳам тортишаверадилар.

4/1 Инсоният бир жондан яратилган.

4/28 Инсон заиф яратилгандир.

4/49 Инсон ўзини пок қилиб кўрсатишга интилади.



**4/77** Баъзи кишилар баъзи одамлардан Аллоҳдан кўрққандек ёки ундан ҳам қаттиқроқ кўрқишади.

**4/97** Инсон баҳона топишга мойилдир.

**6/116** Одамларнинг кўплари гумон ва тахминларга эргашадилар.

**8/26** Инсон ўтган кунини эсдан чиқармаслиги керак.

**15/26** Инсоннинг асли қора балчиқдан.

**17/11** Инсон шошқалоқдир.

**17/13** Инсоннинг амали унга доимий ҳамроҳдир.

**17/67** Инсон куфрони неъмат қилгувчидир.

**17/70** Инсон муқаррамдир.

**17/70** Инсон жуда кўп жонзотлардан устун қилинган.

**17/100** Инсон зоти ҳасидир.

**18/48** Яланғоч туғилган инсон Раббиси олдига ҳам яланғоч боради.

**20/120** Инсонда абадий қолишга ва молу мулкка мойиллик кучли. Шайтон ҳам айна мана шу йўл билан ҳужум қилади.

**21/1** Ҳисоб-китоб доим яқиндир, инсон эса ғафлатда.

**25/21** Инсон бир кун келиб қайта кўришадиган кишиси билан ўйлаб муомалада бўлади.

**30/22** Инсоният тилининг ва рангининг хилма-хиллиги илоҳий ҳикмат натижасидир.

**36/71** Инсон Аллоҳ бериб қўйган нарсаларга вақтинча эгадир.

**37/170** Инсон ўзида йўқ нарсани орзу қилади, қўлга киритгач эса, қадрига етмайди.

**38/75** Одам алайҳиссаломни Аллоҳ Ўз қўли билан яратди.

**39/49** Инсон ўзига етган неъматларга ўз билимдонлиги сабабли деб билади.



**40/67** Инсон умри асосан уч қисмга бўлинади:

1. Чақалоқлик.
2. Камолга етиш.
3. Қарилик.

**40/83** Инсонга берилган илм жуда оздир.

**46/15** Инсон қирқ ёшда камолга етади.

**49/13** Инсонлар битта ота-онанинг фарзандлари ва бир-бирларини яхшироқ таниб, ҳамкорлик қилишлари учун халқларга бўлиб қўйилганлар, шунингдек, улар ичидаги энг хурматлиси уларнинг тақводорроғидир.

**51/21** Инсон вужуди-бадани Аллоҳнинг қудратига далолат қилувчи макондир.

**53/24** Инсон орзу қилган нарсалар бўлавермайди.

**53/46** Инсон отилиб чиқувчи нутфадан яралади.

**56/88–94** Инсонлар уч тоифадирлар:

1. Исломда пешқадамлар.
2. Исломда ўртаҳоллар.
3. Дўзахийлар.

**64/2** Инсонлар икки синфга: мўминлар ва кофирларга бўлинадилар.

**76/30** Инсон Аллоҳ хоҳласагина хоҳлайди.

**84/19** Инсоннинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши доимийдир.

**86/7** Инсон эркакнинг бели ва аёлнинг кўкрак қафаси ўртасидан отилиб чиқувчи сувдан яралади.

**90/4** Инсон меҳнат-машаққат учун яратилган.

**90/10** Инсон икки довон: яхшилик ва ёмонликка йўлланиб, жазо ё мукофот унинг танловига қараб берилади.

**95/4** Инсон энг гўзал шаклда яратилган.

**96/6–7** Инсон ўзини бой-беҳожат кўрса, ҳаддидан ошади.



**103/3** Инсон зиён кўрмаслиги учун қуйидагилар керак:

1. Имон келтириш.
2. Яхши амаллар қилиш.
3. Бир-бирини ҳақ йўлга чақириш.
4. Бир-бирини сабрга чақириш.

## ЖИНЛАР

**6/100** Жинларни Аллоҳга шерик қилувчилар ҳам бор.

**6/128** Жинлар жуда кўп инсонларни адашти-радилар.

**15/27** Жиннинг асли оловдан.

**26/222** Жинлар гуноҳкор-уйдирмачилар билан алоқа қиладилар.

**27/40** Китобдан илми бор шахс паҳлавон жиндан ҳам кучли.

**34/14** Жинлар ғайбни билмайдилар.

**37/7** Осмон жинлардан ҳимояланган.

**37/65** Жин-шайтонларнинг калласи жуда хунук бўлади.

**72/11** Жинларнинг ҳам мўмин ва кофирлари бор.

**72/6** Баъзи инсонлар жинлардан паноҳ сўраб турадилар ва бу билан уларни яна ҳаддиларидан оширадилар.

## ШАЙТОН

**2/168** Шайтон инсоннинг очиқ душманидир.

**2/169** Шайтоннинг энг катта душманлиги инсонга Аллоҳга қарши билмаган нарсалари ҳақида гапиришга буюришидир.

**2/268** Шайтон инсонга фақирликни ваъда қилгани ҳолда, уни кўплаб исрофгарчиликларга буюради, лекин мажбур қилолмайди.

**3/155** Шайтон инсонни гуноҳлари сабабли йўлдан оздиради.

**4/38** Баъзи кишиларнинг яқин дўстлари шайтондир.

**4/76** Шайтоннинг ҳийласи заиф. Шунинг учун у бир лаҳзада барбод бўлиши мумкин.

**4/118** Шайтон инсонлардан ўз насибасини олади.

**4/119** Шайтон инсонни хомхаёлларга солади, Аллоҳнинг яратганини ўзгартиришга буюради ва қуруқ ваъдалар беради.

**6/121** Шайтон ўз дўстларини мўминлар билан тортишишга гижгижлайди.

**7/12** Ўзини устун қўйиш шайтонга хос.

**7/17** Шайтон инсоннинг ортидан, олдидан ва ўнгу сўлидан келади.

**7/20** Шайтоннинг биринчи иши аврат очиш бўлди.

**8/48** Шайтон фаришталарни кўра олади. У кофирларнинг ҳомийсидир.

**14/22** Шайтон фақат таклиф қилади, лекин мажбурламайди.

**14/22** Шайтон ёлғон ваъдалар бериб алдайди.

**15/39** Шайтоннинг мақсади – барчани йўлдан оздириш.



**17/64** Шайтон кўпгина инсонлар билан мол-дунё ва бола-чақада шерик бўлиб яшайди.

**18/50** Шайтоннинг асли жиндир.

**18/51** Шайтон Еру осмонларнинг қандай яратилгани тугул ўзининг ҳам қандай яратилганини билмайди.

**22/3** Одамлар орасида ҳар қандай итоатсиз шайтонга эргашиб кетаверадиганлари ҳам бор.

**22/4** Шайтонга уни дўст тутганларни адаштириш ҳукм қилинган.

**24/21** Шайтон ўз издошларини ёмонлик ва бузуқликка буюради.

**35/6** Шайтон – инсонга аниқ душман.

**36/60** Шайтоннинг сўзига кириш унга ибодат қилишдир.

**47/25** Шайтон ўзига эргашганларнинг пуч орзуларини узун қилиб қўяди.

## МЎМИНЛАР

**2/107** Мусулмонларга Аллоҳдан ўзга дўст йўқ.

**2/150** Мусулмон ўзига қарши ҳужжат пайдо бўлмаслигига интилиши лозим.

**3/118** Мўминга мўминдан бошқа сирдош йўқ.

**3/200** Мўмин доим шай ва хушёрдир.

**3/28** Мўмин мўминнигина дўст тутиши керак.

**4/65** Мўмин Аллоҳ буйруғига хурсанд бўлиб бўйсуннади.

**4/83** Мўмин имонда Аллоҳнинг фазли билангина собит тура олади.

**4/92** Мўмин мўминни ўлдирмас.

**5/54** Мўмин мўминга хокисор, кофирга эса қаттиққўл, шунингдек, маломатчининг маломатидан қўрқмас бўлиши лозим.

**5/56** Мўминнинг дўсти Аллоҳ, пайғамбар ва мўминлардир. Булар Аллоҳнинг гуруҳидир.

**6/108** Мўмин олдинни кўра билувчи бўлиши керак.

**8/1** Мўминлар ўз ораларини тузатишлари керак.

**8/2** Аллоҳ зикр қилинса, қалбнинг титраши мўминлик аломатидир.

**8/73** Мўмин мўмингагина дўст бўлмоғи лозим.

**9/13** Мўмин кўрқоқ бўлмайди.

**9/71** Мўмина аёллар мўминларнинг туғишганларидир.

**9/105** Мўминлар Аллоҳнинг ердаги гувоҳларидир.

**10/86** Кофирлардан ва уларнинг фитналаридан узоқда бўлиш мўминнинг орзусидир.

**12/101** Мусулмон ҳолда дунёдан кетиш ҳар бир мусулмоннинг орзусидир.

**17/110** Мўминнинг иши ўта ошқора ҳам эмас, ўта махфий ҳам эмас, балки ўртачадир.

**19/58** Мўмин Аллоҳнинг оятлари тиловат қилинса, сажда қилган ҳолида йиғлаб йиқилади.

**21/20** Мўмин сусткаш бўлмайди.

**22/78** Мўмин дин хизмати учун Аллоҳ тарафидан сайланган зотдир.

**22/78** Мусулмон (бўйсунувчи) деган номни Аллоҳнинг Ўзи танлаган.

**24/30** Мўмин кўзи ва авратини ҳаромдан сақлайди.

**24/37** Мўмин дунё ишларини деб охиратдан ғафлатда қолмайди.

**24/51** Мўмин Аллоҳнинг ҳукмига доимо «эшитдим» ва «бўйсундим» деб жавоб беради.

**25/68** Мўминнинг илоҳи ягона Аллоҳдир.

**25/73** Мўмин онгли бандадир.

**38/44** Мўмин тадбирли ва ўта зукко бўлади.

**39/53** Мўмин Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмас.

**42/37** Мўмин ўзини катта гуноҳлардан четга олиши керак.

**49/9** Мўминлардан бўлган икки гуруҳ ўзаро урушиб қолсалар, дарҳол уларни яраштириб қўйиш шарт. Агар улардан бири иккинчисига тажовузкорлик қилса, тажовузкорнинг адабини бериб қўйиш лозим.

**49/10** Мўминлар оға-инилардир.

**52/48** Мўмин доим Аллоҳнинг кўз ўнгидадир.

**58/22** Мўмин асло Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарининг душманлари билан, улар ким бўлса ҳам, дўстлашмайди. Бундай бандалар Аллоҳ гуруҳи бўлиб, Аллоҳ улардан, улар эса Аллоҳдан розидирлар.

**63/9** Мўминни мол-дунё ҳам, бола-чақа ҳам Аллоҳ зикридан чалғитмаслиги керак.

**70/32** Мўмин берган аҳдига риоя қилади.

**76/24** Мўмин Аллоҳнинг ҳукмига сабр қилади.

**98/7** Мўминлар яралмиш жонзотларнинг энг яхшисидирлар.

## КОФИРЛАР

**2/6–9** Нажот топмайдиганларга барча эслатмалар бир пул. Бироқ улар баъзи дунёвий манфаат учун ўзларини «мўмин» қилиб кўрсатишлари ва қилаётган ишларини турлича йўллар билан оқлашлари мумкин. Улар ўта ақлсиз бўлганликлари учун Аллоҳни ҳам алдамоқчи бўладилар. Лекин сезмасдан фақат ўзларинигина алдайдилар. Улар ўзларини ақлли деб биладилар. Лекин ўзлари билмасалар-да, ақллари жуда паст бўлади.





**2/162** Кофирга бериладиган оғир жазолардан бири қиёмат куни унга назар ҳам солинмаслигидир.

**2/165** Одамлар ичида Аллоҳдан ўзгани Аллоҳдек севадиганлар бор.

**2/166** Ёмонлик пешволари вақти келиб ўзларига эргашганлардан тонарлар.

**2/171** Кофирнинг асосий нуқсонларидан бири ақл ишлатмаслиги ва эшита билмаслигидир.

**2/212** Кофирга дунё ҳаёти зийнатли қилинган.

**2/221** Кофирлар дўзахга чорлар.

**3/116** Кофир азобдан қутулиш учун молини ва бо-ласини ишга солади, лекин фойдаси бўлмайди.

**3/151** Аллоҳ кофирнинг қалбига қўрқув солган.

**3/176** Қуфрга ошиқаётганлар мўминни хафа қил-масин, Аллоҳ уларга охиратда насиба қолдир-масликни хоҳлайди.

**3/188** Кофир қилмаган ишига ҳам мақтов олишни хоҳлайди.

**4/60** Кофир ҳукми Аллоҳдан эмас, балки ўзи каби бирор нафс қулидан сўрайди.

**4/78** Кофирлар ҳеч гап англамаслар.

**4/89** Кофир бошқаларнинг ҳам кофир бўлишини истайди.

**4/168** Аллоҳ кофирларни ҳидоят қилмайди.

**5/37** Кофир азобдан қутулишга ҳаракат қилади, аммо бефойда.

**5/49** Ҳидоятдан юз ўгирганларнинг ўзига қийин.

**5/61** Қуфр ила динга кирганлар қуфр билан чиқади.

**5/68** Кофир қавм учун ачинмаслик керак.

**5/103** Кофирларнинг аксари ақлсиздирлар.

**6/7** Кофир ҳеч қандай далилни тан олмай-ди.

**6/20** Кофир аслида ҳақиқатни билиб туради.

**6/106** Мушриклардан юз ўгиринг!



**6/124** Кофир ўзини пайғамбар билан тенг деб билади.

**6/130** Кофир қиёматда ўз кофирлигини тан олади.

**6/138** Кофир Аллоҳга ҳам тухмат қилади.

**6/148** Кофир ўз куфри учун Аллоҳни айблашга уринади.

**7/38** Кофирлар охир-оқибат бир-бирларига душман бўладилар.

**7/95** Турли хомхаёллар билан ўзларини овутиб юриш – кофирларга хос сифат.

**7/99** Аллоҳнинг макридан фақат зиён кўргувчиларгина хотиржам бўлади.

**7/132** Кофир турли баҳоналар билан ўз куфрини оқламоқчи бўлади.

**7/134** Кофир ваъда бераверади, бераверади...

**7/148** Кофир ўзида Аллоҳдан бошқа нимагадир сиғиниб туришга эҳтиёж сезади.

**8/32** Кофир бирор хужжатнинг тасдиғи учун ҳидоят эмас, азоб сўрайди.

**8/73** Кофирлар бир-бирларига дўстдирлар.

**9/17** Кофирнинг амали беҳуда.

**9/37** Кофирнинг ишида тутуриқ йўқ.

**9/49** Кофир оғирнинг устидан, енгилнинг тагидан ўтишга ҳаракат қилади.

**9/56** Қўрқоқлик – кофирнинг хусусияти.

**9/58** Олса – рози, олмаса – норози бўлишлик кофирга хос.

**9/126** Кофир ҳар йили камида бир ёки икки марта балога учраб туради.

**10/7** Кофир дунё ҳаётидан рози ва у билан хотиржамдир.

**10/18** Кофир Аллоҳга ҳам ақл ўргатмоқчи бўлади.

**11/7** Кофир ўз ақли етмаган нарсани сеҳр-жоду деб ўйлайди.

**12/105** Кофирнинг яна бир сифати бепарволикдир.

**14/10** Кофир ўта тақлидчи бўлади.

**15/12** Мўминлар устидан кулиш кофирнинг дилига мухрланган.

**15/72** Кофир доимо залолат ичра маст бўлади.

**17/73** Кофирнинг йўриғига юрган унга дўстдир.

**17/93** Кофир имонга киришни ўзи учун эмас, балки пайғамбарнинг кўнглини чўктирмаслик учун қилинадиган иш деб билади.

**17/99** Золим фақат куфргагина рози бўлур.

**19/44** Кофир шайтонга ибодат-қуллик қилур.

**20/96** Кофирнинг қалби ғаройиб нарсаларни илоҳ деб билишга мойил бўлади.

**21/36** Кофир ўзининг катта-катта айблари туриб, бировларнинг кичик-кичик айбларини кўрувчи бўлади.

**21/5** Кофир ўзи тўқиётган эртақларни ҳақиқат, бошқалар айтаётган ҳақиқатларни эса эртақ, деб атайди.

**22/53** Кофирлар доимий ихтилофдадирлар.

**22/72** Кофирнинг юзи Қуръон ўқилганда бужмайиб кетади ва ўқиётган киши юзига чанг солгиси келади.

**23/25** Кофир мўминни жинни, деб ҳам ҳақоратлайди.

**23/67** Кофирнинг тунги беҳуда суҳбати кўп.

**23/70** Кофир ҳақни, ҳақиқатни ёмон кўради.

**23/75** Кофир қийинчилик туфайли йўлидан бироз тўхтаसा ҳам, имкон туғилиши билан дарҳол ўз йўлига қайтади.

**24/39** Кофирнинг амали бамисоли саҳродаги сароб кабидир.



**25/44** Кофирлар гап англамасликда чорва ҳайвонлари кабидир, балки ундан-да баттарроқдир.

**25/55** Кофир Парвардигорга қарши, шайтонга ёрдамчидир.

**25/60** Кофир Аллоҳнинг исмларидан беҳабар кимсадир.

**26/71** Кофирлар узоқни кўра олмаганлари учун яқиндаги бутларга сиғинадилар.

**26/203** Кофир доимо муҳлат сўрайди.

**27/4** Кофирга ўз амаллари чиройли қилиб кўрсатиб қўйилди, шунинг учун ҳам у адашиб-улоқиб юраверади.

**27/46** Кофир яхшиликдан кўра ёмонликка ошиқади.

**30/45** Аллоҳ кофирни суймас.

**36/48** Азобга, дўзахга ишқибоз бўладиган инсонлар ҳам бор.

**37/30** Кофир куфрни ўз ихтиёри билан, бировнинг мажбурлашисиз танлаган.

**39/36** Кофирлар мўминларни сохта илоҳлар билан қўрқитмоқчи бўладилар.

**39/45** Кофирнинг қалби Аллоҳ зикр қилинганида сиқилиб, У Зотдан ўзгалар зикр қилинганида тўсатдан шодланиб кетади.

**39/50** Кофирга тўпланган нарсаси асқотмайди.

**41/4** Кофир Қуръонни тафаккур қилишдан юз ўгирган кимсадир.

**41/17** Аллоҳ кофирни ҳидоятга чақирса ҳам, у барибир куфр йўлига ошиқади.

**43/16–17** Кофир ўзи Аллоҳга раво кўрган нарсасини (қиз фарзандни) ўзига раво кўрмайди.

**43/53** Кофирнинг ўлчови фақат тилла-кумуш ёки кучдир.

**46/22** Аллоҳнинг азобига ишқибозлар ҳам талайгина.

**46/7** Кофир инсон ўзи билмаган нарсани инкор этишга ўч бўлади.

**47/11** Кофирларнинг ҳеч қандай ҳомийси йўқдир.

**47/12** Кофир чорва ҳайвонларидек еб-ичади.

**53/30** Кофирнинг «илм»и дунё матоларини ишташ, холос.

**57/20** Дунё кофир учун фақат ўйин-кулги, зебзийнат, ўзаро мақтаниш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни кўпайтириш, холос.

**60/2** Кофирлар мусулмонлардан устун бўлишлари биланоқ қўллари ва тиллари билан очиқ ёмонлик қилишга ўтадилар.

**60/2** Кофирлар мусулмонлар ҳам ўзларидек кофир бўлишларини истайдилар.

**60/13** Кофирнинг охиратдан умиди узилгандир.

**70/37** Кофир мўминга томон югуриб қолса, бирор манфаат учун чопаётган бўлади.

**74/18** Кофирнинг куфри ўйланган ва режали ишдир.

**74/51** Кофир Қуръондан ёввойи эшак шердан қочганидек қочади.

**74/52** Кофир ўзига алоҳида ваҳий келишини истайди.

**75/20** Кофир нақдни яхши кўради.

**78/1–5** Кофирлар учун энг чигал мавзу – қайта тирилиш мавзуси.

**102/1–2** Кофир инсон ўлгунича мол-дунё тўплаб, кўпайтириш билан банд бўлади.

**104/2–3** Кофир нажот мол-дунёда деб ўйлаб, фақат мол тўплайди ва ўша мол-дунёсини савобли жойларга сарфлаш ўрнига, тез-тез ҳисоб-китоб қилиб туради.

## МУНОФИҚЛАР

**2/206** Мунофиққа Аллоҳдан кўрққин дейилса, уни кибру ҳаво тутади. Жаҳаннам унга етарлидир.

**3/167** Мунофиқ тили билан дилида йўқ нарсани айтади.

**4/81** Хуфёна тил бириктириш мунофиқлар ода-тидир.

**4/141** Мунофиқ икки томонлама ўйин қилади.

**4/142** Мунофиқ Аллоҳни камдан-кам ёдга олади.

**9/64** Мунофиқ сирининг очилиб қолишидан кўр-қиб яшайди.

**9/67** Мунофиқ аёлдан эҳтиёт бўлиш керак.

**9/74** Гапидан тониш мунофиққа хос.

**9/74** Яхшиликка ёмонлик мунофиққа хос.

**9/93** Қодир бўлатуриб, динга ёрдам кўрсатмаслик ёки ўта зарур вақтда баҳона билан қутулишга ҳаракат қилиш мунофиққа хос.

**24/49** Мунофиқ доимо фойда чиққан тарафда бў-лади.

**24/53** Мунофиқ ўта қасамхўр бўлади.

**47/30** Мунофиқнинг белгиларидан бири унинг сўз оҳанг-услубидир.

**58/10** Мунофиқларнинг шивирлашувлари гуноҳ иш қилиш тўғрисида бўлади. Бу шайтон томонидан бўлиб, мўминларга бирон зиён етказа олгучи эмас.

**58/14** Мунофиқлар алоҳида тоифа ҳисобла-надилар.

**59/11** Мунофиқлар фақат тиллари билан юра-дилар, уларда бирор жиддий амал йўқ. Улар ўта ёлғончидирлар.

**59/13** Мунофиқ Аллоҳдан кўра мўминдан кўпроқ кўрқади.



**63/2** Мунофиқ ўзининг ёлғон мусулмончилигини қалқон қилиб олиб, одамларни Аллоҳ йўлидан тўсишга интилади.

**63/3** Мунофиқ имон ҳақиқатини англай олмас.

**63/4** Мунофиқнинг жисми, кўриниши ва кийими гўзал, сўзлари оҳангдор, фасоҳатли бўлиши мумкин.

**63/4** Мунофиқ қуёнюраклиги боис ҳар бир овозни ўз устига тушаётган бало-офат деб ўйлайди.

**63/5** Мунофиқ кибру ҳаволи бўлади.

## **МУШРИКЛАР**

**12/106** Кўпчилик мушрик бўлган ҳолидагина Аллоҳга имон келтиради, бало-офатлар ҳам шуларгадир.

**39/65** Мушрикнинг амали беҳуда кетади.

**43/15** Фаришталар Аллоҳнинг бир бўлагидир, деювчилар мушриклардир.



## ИБОДАТЛАР

**2/3–4** Тақводорлик:

А) ғайбга ишониш;

Б) намозни тўқис ўқиш;

В) нафақа қилиш;

Г) китобларга ишониш;

Д) охиратга ишониш.

**2/152** Шукр куфрнинг зиддидир.

**2/153** Мадад сабр ва намоз билан сўралади.

**2/185** Аллоҳ бандаларига енгилликни хоҳлайди.

**2/197** Энг яхши озуқа тақводир.

**2/271** Садақа гуноҳни ювади.

**2/274** Молини инфоқ қилувчиларга хавф-хатар

йўқ.

**3/79** Художўй бўлиш Китобни ўргатиш ва ўрганиш билан бўлади.

**3/102** Фақат мусулмон ҳолда бу дунёдан ўтмоқ керак.

**4/31** Гуноҳларнинг катталаридан кўпроқ сақла-ниш керак.

**4/48** Аллоҳ ширкни кечирмайди.

**4/117** Аллоҳдан бошқага ибодат қилувчилар санамларга ёки бебош шайтонга ибодат қилаётган бўладилар.

**5/23** Аллоҳ буйруғини бажаришнинг ўзи ғалаба-дир.

**5/48** Инсонларнинг хоҳишларига эргашиши тўғри йўлдан адаштиради.

**5/48** Яхшиликка шошилиш керак.

**6/163** Банда буюрилганини бажариши керак.

**9/5** Намози йўқ кишининг тавбаси йўқ.

**9/17** Масжидни фақатгина мўмин обод эта олади.



**9/72** Энг улуғ неъмат, ютуқ Аллоҳнинг розилигидир.

**11/114** Яхши амаллар ёмонлик – гуноҳларни кетказади.

**13/15** Бўйсунуш – сажда қилишдир.

**14/6** Неъмат ҳам синовдир.

**14/7** Шукр неъматни зиёда қилади.

**15/94** Барча ўзига буюрилган ишни қилиб, бошқа нарсаларга чалғимаслиги керак.

**16/6** Кечки пайт ва тонгдан ўзгача файз олиш мумкин.

**16/99** Имонли ва Раббига таваккал қилувчи бандаларга шайтоннинг тиши ўтмайди.

**16/121** Шукр мақоми инсонни икки дунё саодатига эриштиради.

**17/29** Хайр-эҳсонда ўртачалик яхши.

**17/32** Ёмон ишни қилиш у ёқда турсин, унга яқинлашмасликка буюрилганмиз.

**19/31** Намоз ва закотни адо этиш кишини хайру баракотли қилиб қўяди.

**20/14** Намоз Аллоҳнинг зикри учун ўқилади.

**20/14** Намоз Аллоҳнинг Мусо алайҳиссалом билан роз айтишганда ҳам кўтарилган бош масаладир.

**21/90** Яхши ишларга шошилиш керак.

**22/32** Аллоҳ шиорларини улуғлаш тақводорликдир.

**22/34** Қурбонлик – энг аввалги ибодатлардан.

**23/2–6** Нажот топганликнинг биринчи белгиси – намоздаги хушу, иккинчи белгиси – фойдасиз сўз ва амаллардан юз ўгириш, учинчи белгиси – закот, тўртинчи белгиси – авратни сақламоқ, бешинчи белгиси эса аҳдга риоя қилишдир.

**23/61** Яхши ишларда бошқалардан ўзиб кетса бўлади.



**23/111** Сабр нажот сабабларидандир.

**24/32** Яхши инсонларнинг уйланиши ва турмушга чиқишларига ёрдам бериш керак.

**25/64** Мўмин кечалардан унумли фойдаланади.

**25/67** Мўътадиллик мўмин шиоридир.

**28/7** Аллоҳ буйруғини бажараётган одам қўрқмаслиги ва қайғурмаслиги керак.

**28/83** Оқибат тақводорларникидир.

**29/45** Намоз бузуклик ва ёмонликдан қайтаради.

**31/12** Ҳикматнинг боши – шукр.

**33/56** Аллоҳ ҳам, фаришталар ҳам Пайғамбар алайҳиссаломга дуо-салавот айтарлар, бу хайрли ишдан мўминлар ҳам четда қолмасликлари керак.

**34/13** Шукр амал билан бўлур.

**35/10** Юксак сўзлар ва амаллар юксакка кетар.

**35/30** Ибодат касод бўлмайдиган тижоратдир.

**37/107** Қурбонлик қилиш – банданинг Аллоҳ йўлида барча нарсани қурбон қилишга ҳозирлиги рамзи.

**38/33** Аллоҳни унуттирган нарсани Аллоҳ йўлида қурбон қилган яхши.

**38/42** Аллоҳнинг амрларини суриштирмай бажаришга киришган бандани охир-оқибат яхшилик кутади.

**41/38** Ибодат малолланмайдиган даражада бажарилади.

**42/20** Ҳар қандай яхши амал фақат охиратдаги мукофотни кўзлаб қилиниши керак.

**47/17** Тўғри йўлдаги зотларнинг ҳидоятини Аллоҳ янада зиёда этади ва тақво ҳаромдан парҳез қилиш йўлларини кўрсатади.

**48/26** Тақво калимаси – “Лаа илаҳа иллаллоҳ”.

**50/40** Намоздан кейин Аллоҳга тасбеҳ айтилади.

**51/56** Аллоҳ жин ва инсонларни фақат Ўзига ибодат қилишлари учун яратган.

**58/13** Нафл ибодатларни уддалай олмаётган банда фарз ибодатларига астойдил киришиши керак.

**59/7** Пайғамбар нимани берса – олмоқ, нимадан қайтарса – қайтмоқ лозим.

**62/9** Катта тижорат (намоз) учун кичик тижорат (савдо-сотик) тарк этилади.

**64/16** Мўмин кучи етганича Аллоҳдан қўрқиши керак.

**69/34** Мискин-бечорага таом бериш – энг савобли ибодатлардан.

**72/18** Масжидлар Аллоҳникидир.

**73/6** Кечки ибодат хотиржамликда кечгани учун мақсадга жуда мувофиқдир.

**83/26** Мусобақалашаётганлар яхши амалларда мусобақалашмоқлари лозим.

**87/15** Парвардигорнинг номини ёд этиб, намоз ўқиган одам нажот топади.

**89/17** Етим иззат-икром қилинади.

**93/6** Етимга бошпана берилади.

**96/19** Сажда қилиш Аллоҳга яқин бўлишдир.

**108/2** Намоз ўқийдиган одам қурбонлик сўйишга қодир бўлиш учун ҳам ҳаракат қилиши керак.



## ЗИКР

**4/103** Ҳар қандай ҳолда ҳам Аллоҳни эслаш керак.

**7/180** Аллоҳнинг исмларини маҳкам ушлаш керак.

**7/200** Шайтон васвасаси пайтида инсон Аллоҳни кўпроқ эслаши керак.

**7/205** Зикрнинг махфийси яхши.

**13/28** Аллоҳнинг зикри билан қалблар ором олади.

**15/98** Тасбеҳ айтиш ва сажда қилиш дилдаги ғамни кетказади.

**29/45** Аллоҳни эслаш барча нарсадан улуғ.

**34/10** Тоғлар ҳам қушлар каби тасбеҳ айтурлар.

**55/78** Аллоҳнинг номи баракотли – муборақдир.

**59/19** Ким Аллоҳни унутса, Аллоҳ ҳам унга Ўзини унуттириб қўяди.

**62/9** Аллоҳнинг зикрига чорланганда тезда бориш керак.

## ТАВБА

**3/17** Саҳар пайтидаги истиғфорда гап кўп.

**5/74** Аллоҳ тавба ва истиғфорни севади.

**7/23** Тавба, истиғфор – нажот йўли.

44 **8/33** Яхши инсон бор ерга, истиғфор бор ерга азоб келмайди.

**11/3** Олдин истиғфор, сўнгра тавба.

**11/52** Истиғфор ва тавба барака келтиради ҳамда кучга куч қўшади.

**41/43** Мағфирати бор Зотнинг азоби ҳам бор.

**46/15** Қирқ ёшга етган кишига ибодат, тавба, дуога астойдил бел боғлашгина ярашади.

**51/18** Саҳарларда сўралган мағфират мустажобдир.

**110/3** Хурсандчилик ҳамда ғолиблик келганда Аллоҳга ҳамд айтиш ва У Зотдан мағфират сўраш керак.

## ДУО

**1/6** Истакка эришиш учун сўраш керак.

**2/201** Мўмин Аллоҳдан икки дунё яхшилигини ва дўзах оловидан паноҳ беришини сўраши керак.

**2/250** Сўзда – дуода гап кўп.

**3/36** Норасида фарзанд учун дуони ота-она қилади.

**9/98** Кофирларни дуоибад қилиш мумкин.

**9/103** Дуо сакинатга сабабдир.

**9/113** Дўзахий экани аниқ кимсаларга мўминлар истиғфор айтиши мумкин эмас.

**12/33** Ниятни яхши қилиб, Аллоҳдан яхши нарсаларни сўраш керак.

**13/14** Кофирнинг дуоси бефойдадир.

**14/15** Дуо мўминнинг қуролидир.

**14/37** Ота-она фарзандлари ҳақиқага дуо қилиб туришлари керак.

**19/4** Улуғлар дуосини Аллоҳ ижобатсиз қўймайди.

**19/8** Инсон баъзан ўзи сўраган нарсаларининг ижобат бўлишидан ҳам таажжубга тушади.

**20/25–27** Банда Аллоҳдан:

1) қалб кенглигини;

2) ишнинг осонлашувини;

3) нутқ равон бўлишини сўраши керак.

**20/114** Банда: «Раббим, илмимни янада зиёда қил!» деб дуо қилиши керак.

**21/82** Аллоҳнинг ягона илоҳлигини восита қилиш, ўз хатосини эътироф этиш Юнус алайҳиссаломни балиқ қорнидан чиқарди.

**25/74** Жуфти ҳалолнинг, зурриётнинг шод-хуррамликка сабабчи бўлишлари улкан бахтдир. Аллоҳдан шуни сўраш керак.



**25/74** Аллоҳдан оддий тақводорликни эмас, балки пешво тақводор бўлишни сўраш керак.

**25/77** Дуо-илтижосиз банда ҳеч қандай қийматга эга бўлмас.

**37/100** Солиҳ фарзанд сўраб дуо қилиш мумкин.

**40/60** Дуони фақатгина Аллоҳ мустажоб қила олади, холос.

**41/49** Кофир инсон ўзи учун мулку давлат, бахт-саодат тилашдан ҳеч зерикмайди.

**59/10** Мўминларнинг барчаси битта гуруҳ. Шунинг учун улар бир-бирлари ҳақларига дуода бўлишлари керак.

**59/10** Мўмин ўз биродарига нисбатан қалбида ҳасад-кин пайдо бўлиб қолишидан Аллоҳга дуо қилиб паноҳ сўраши лозим.

**113/2** Аллоҳга У яратган жамики нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилиш керак.

## ГУНОҲЛАР

**4/32** Ҳасад тақиқланган, бунинг ўрнига Аллоҳнинг фазл-марҳаматини кўпроқ сўраш керак.

**4/140** Аллоҳнинг оятларини масхара қилаётганлар билан бирга ўтириш мумкин эмас.

**5/3** Фол очиш – ҳаром.

**5/90** Қимор ва фол очиш бир хил даражадаги гуноҳ ишлардир.

**6/6** Ҳалокат гуноҳ туфайлидир.

**6/123** Ҳар бир жойнинг ўз жинойтчи гуруҳлари ва катталари мавжуд. Улар фақат ўзларини алдайдилар, холос.

**6/141** Исроф мумкин эмас.

**7/86** Уюшган жинойтчилик (яъни, рэкет) тақиқланади.

**9/25** Гуноҳ сабабли кенг ер ҳам баъзан торлик қилиб қолади.

**9/65** Диний ҳукмлар юзасидан ҳазил-мазах қилинмайди.

**10/77** Сехргарлар нажот топмаслар.

**12/24** Аллоҳ сақламаса, банда гуноҳдан тийила олмайди.

**12/53** Нафс, агар Аллоҳ раҳм қилмаса, ёмонликка ундовчидир.

**12/87** Ноумидлик – ҳаром.

**15/39** Гуноҳ ишлар чиройли кўрсатиб қўйилган, уларнинг ҳақиқатини баъзи инсонларгина англайдилар, холос.

**18/57** Инсон ўзи қилиб ўтган гуноҳларни унутиб қўймаслиги керак.

**19/59** Киши шаҳватларга берилишидан олдин на-мозини зое қилган бўлади.



**20/66** Сеҳр аслида йўқ нарсани бор қилиб кўрсатади.

**20/69** Сеҳргар зафар топмас.

**22/30** Ёлғон гапириш – ҳаром.

**22/38** Аллоҳ хоинни севмас.

**23/62** Кимнингдир яхшилигини яшириш, ёмонлигини ошириш зулмдир.

**24/21** Гуноҳ қилмаслик фақатгина Аллоҳнинг марҳамати билангина бўлади.

**25/43** Дунёда ҳавойи нафсини илоҳ қилиб олганлар ҳам бор.

**26/49** Фиръавн кишиларнинг дилларига ҳам хўжайинлик қилмоқчи бўлган.

**28/4** Халқни бўлиб-бўлиб ташлаш бузғунчилар, золим раҳбарлар ишидир.

**28/17** Жиноятчиларга ёрдамчи бўлманг!

**28/76** Аллоҳ ҳовлиққанни суймас.

**29/12** «Фалон ишни қилавер, гуноҳи менинг бўйнимга», деган гап фақатгина кофирдан чиқади.

**29/29** Йўлтўсарлик-қароқчилик – ҳаром.

**31/6** Бехуда сўзларни сотиб олувчилар ҳам бор.

**33/60** Миш-миш тарқатиш – ҳаром.

**40/19** Кўзлар ҳам хиёнат қилиши мумкин.

**40/56** Хужжат-далилсиз тортишаётган кишининг дилида кибрдан бошқа нарса йўқ.

**49/11** Масхаралаш мумкин эмас, зеро масхара қилинган одам масхара қилинаётгандан яхшироқ бўлиши мумкин.

**49/11** Мўминларнинг бир-бирларини мазах қилишлари – ҳаром.

**49/11** Мўминлар бир-бирларига лақаб қўйишлари – ҳаром.

**49/12** Ўзганинг айблари ортидан жосуслик қилиш тақиқланади.





**49/12** Айрим гумонлар – гуноҳ.

**49/12** Ғийбат ўлган биродарининг гўштини ейиш билан баробар.

**61/3** Мўмин қилмайдиган ишини қиламан, демаслиги керак.

**62/5** Аллоҳнинг айтганларига риоя қилмаслик уларни ёлғонга чиқаришдир.

**72/4** Аллоҳ ҳақида нотўғри сўз айтмоқ аҳмоқлик ва гумроҳликдир.

**74/43–47** Намоз ўқимаслик дўзахга тушишга сабаб бўлади.

**77/46** Кофирлар жиноятчилардир.

**91/10** Нафсни фисқу фуҷур билан кўмиб ташлаган одам ноумид бўлади.

**107/2–3** Етимнинг ҳақидан қўрқмайдиган, бечораларнинг бошини силамайдиган одам охиратни инкор қилувчиларнинг ишини қилган бўлади.

**107/7** Бирор кишига фойдаси тегмайдиган одамнинг ҳолига вой.

## МУСИБАТЛАР

**2/156** Мусибат етганда уни етказувчи ва кетказишга қодир бўлган Зотга қаттиқ боғланиш лозим.

**6/42** Бало инсонни тўғри йўлга солиш учун ҳам юборилади.

**6/44** Бир муддат ўз ҳолига ташлаб қўйиб, бирдан азоблаш ҳам бир услуб.

**6/65** Азоб тепадан ёки оёқ остидан келади.

**7/4** Азоб уйқу пайтида ҳам келади.

**7/98** Азоб ўйин-кулги авжига чиққанида ҳам келади.

**8/25** Азоб фитнага қарши курашмай турганларга ҳам келади.



**8/52** Банда балони ўзи тилаб олади.

**10/22** Синовлар инсонга Раббисини танишга кўмаклашади.

**10/51** Азоб келгач, қайтарилмайди.

**11/81** Бало келганларга термулмаслик ва ачин-маслик керак.

**12/19** Киши ўзини балодан қутқариш учун озгина имкониятдан ҳам фойдаланиши керак.

**18/80** Фарзанднинг ҳаддидан ошиши ва куфр йўлига кириши ота-онани азоблайди.

**20/97** Яккаланиб яшаш ҳам бир азобдир.

**22/2** Азоб кишини маст-аластга ўхшатиб қўяди.

**22/2** Азобни кўриш инсонга атрофни унуттириб қўяди.

**22/10** Азоб сабаби – гуноҳлар.

**24/63** Пайғамбарнинг чин вориси бўлган олимлар сўзига хилоф йўл тутувчиларга фитна, кулфат ва аламли азоб етар.

**26/202** Азоб тўсатдан келади.

**28/8** Аллоҳ истаса, банда балонинг олдига ўз оёғи ва ўз ихтиёри билан боради.

**29/65** Қийин аҳволда қолсагина, Аллоҳга ихлос билан ибодат қилувчи бандалар ҳам бор.

**30/41** Офат-балолар одамларнинг қилмишлари сабабидандир.

**57/22** Бандага Аллоҳдан беизн ҳеч бир мусибат етмас, етган мусибат эса аввалдан Лавҳул Маҳфудда ёзилган бўлади.

## ЎЛИМ

**3/145** Ҳеч бир жон Аллоҳнинг изнисиз ўлмас.

**4/78** Ўлим инсонни излаб топгувчидир.

**6/60** Уйқу кичик ўлимдир.

**7/25** Ҳаёт қаерда бўлса, ўлим ҳам ўша ерда.

**15/99** Ибодат ўлим келгуничадир.

**22/66** Икки ҳаёт ўртасида бир ўлим бор.

**23/100** Кофир ўлим пайтида яна дунёга қайтиб, яхши амаллар қилишни истаб қолади.

**26/14** Киши ўлим хавфини иложи борича бартараф этиши керак.

**29/57** Ҳар бир жон ўлим шарбатини тотгувчидир.

**33/19** Ўлим ўраб олган кишининг кўзлари олакула бўлиб қолади.

**35/22** Кофирнинг бадани қалби учун қабрдир.

**37/80** Кишининг ўзидан кейин қандай ном қолдириши унинг чиройли амалига боғлиқ.

**41/30** Аллоҳ мўминни ўлим пайтида ҳам фаришталарнинг чиройли сўзлари билан қўллаб-қувватлаб туради.

**47/27** Фаришталар кофирларнинг юзлари ва кетларига уриб жонларини оладилар.

**47/34** Кофир ҳолида ўлганларга мағфират йўқ.

**63/11** Ажали етган банда вафот этмай қолмайди.

**67/2** Ўлим ва ҳаёт инсонларни имтиҳон қилиш учун яратилган.

**75/27** Жони чиқаётган одамга дам солувчи излаб қолинади.

**75/29** Жон чиқар пайти болдир-болдирга чалкашиб қолади.

**79/1** Фаришталар кофирнинг жонини баданининг ич-ичидан қаттиқ суғуриб оладилар.



**79/2** Фаришталар мўминнинг жонини баданидан хамирдан қил суғургандек осон ва тез тортиб оладилар.

## ҚИЁМАТ

**5/119** Ростгўйларга ростгўйликлари манфаат берадиган кун бор.

**7/44** Мўминлар ва кофирлар ўртасидаги мулоқот у дунёда ҳам давом этади.

**7/128** Оқибат тақводорларникидир.

**7/187** Қиёмат осмонлару Ер учун оғир иш ва у тўсатдан келади.

**9/82** Кофир ҳар қанча кулмасин, охиратда абадий йиғлайди.

**11/38** Вақти келиб мўмин ҳам кофирнинг устидан кулади.

**15/2** Қиёмат куни кофир мусулмон бўлишни истаб қолади.

**15/25** Ҳамма бир жойга тўпланадиган кун бор.

**15/25** Инсонларни Аллоҳ бир жойга тўпламаса, бошқа ҳеч ким тўплай олмас.

**17/72** Кимки будунёда кўр-гумроҳ экан, у охиратда ҳам кўр ва гумроҳдир.

**18/48** Инсонлар қиёмат кунинда Аллоҳга саф тортган ҳолларида рўбарў қилинадилар.

**19/68** Қиёматда кофир уни йўлдан оздирган шайтондан бўлган ҳамроҳи билан бирга олиб келинади.

**19/80** Барча Аллоҳ ҳузурига ёлғиз боради.

**20/102** Қиёматда кофирнинг кўзи кўкариб кетади.

**20/124** Кофир кўр ҳолида тирилтирилади.

**21/28** Қиёмат куни фақат Аллоҳ рози бўлган кишиларгина шафоат қилинадилар.

**21/40** Қиёмат тўсатдан келади.

**21/103** Мўминни буюк даҳшат – қиёмат ҳам маҳзун қилмайди.

**22/1** Қиёмат олдидан даҳшатли зилзила бўлади.

**23/101** Қиёмат куни кишилар ўртасида насл-насаб қолмас.

**23/101** Қиёмат куни ҳеч ким бир-бири билан савол-жавоб қила олмай қолади.

**23/102** Кимнинг яхшилиги тарозуда оғир келса, ўша нажот топгувчидир.

**24/24** Қиёмат куни тиллар, қўллар ва оёқлар ҳам гувоҳлик берадилар.

**30/12** Қиёмат куни кофирлар бутунлай ноумид бўлади.

**30/14** Қиёмат куни мўминлар билан кофирлар бир-бирларидан ажралурлар.

**33/63** Қиёматнинг қачон бўлишини фақат Аллоҳ билади, балки у яқин келиб қолгандир.

**36/65** Қиёматда кофирнинг оғзи мухрланиб, қўллари ва оёқлари гувоҳлик беради.

**37/18** Кофир хор-зор бўлган ҳолда тирилади.

**39/71** Кофирлар жаҳаннамга гуруҳ-гуруҳ қилиб хайдаб борилади.

**39/71** Кофирлар дўзахга етиб келганларидан сўнггина эшикларнинг очилиши улар кўраётган хорликларнинг навбатдагисидир.

**40/51** Аллоҳ мўминларга қиёмат куни ҳам ёрдам беради.

**40/84** Қиёмат куни кофирлар Аллоҳга имон келтириб, ўз бутларига куфр келтирадилар.

**41/20** Қиёмат куни кофирнинг қулоқлари, кўзлари ва терилари ўзига қарши гувоҳлик беради, чунки уларни ҳам Аллоҳ сўзлатиб юборади.

**41/40** Мўмин қиёмат куни хотиржам ҳолда келади.



**42/10** Бу дунёда ечими топилмаган кўпгина саволларга у дунёда жавоб берилади.

**43/61** Исо алайҳиссалом қиёмат аломатидир.

**47/18** Қиёматнинг аломатлари келди.

**50/44** Қиёмат куни Ер ёрилади ва қабрдагилар ундан чиқиб келадилар.

**51/13** Қиёмат кофирлар дўзахда тобланадиган – ёндириладиган кунда бўлади.

**52/9** Қиёмат куни осмон титраб чайқалади.

**53/42** Охирги чегара Аллоҳнинг ҳузурига бормоқликдир.

**54/1** Ойнинг бўлиниши – қиёмат аломатларидан.

**55/37** Қиёмат куни осмон ёрилиб, доғланган ёғ каби қизариб қолади.

**57/19** Мўминлар қиёмат куни махсус нур эгаси бўладилар.

**60/3** Қиёмат куни қариндошлар, бола-чақа ва оналар ўртаси ажратиб қўйилади.

**66/7** Қиёмат куни узр айтиш бефойда.

**66/8** Қиёмат куни Аллоҳ мўминларни шарманда қилмас.

**69/19** Қиёмат куни мўмин номаи аъмоли – китобини ўнг қўлидан олади.

**75/9** Қиёмат куни Ой ва Қуёш бирлашиб кетади.

**77/8** Қиёмат куни юлдузларнинг нури сўнади.

**77/10** Қиёмат куни тоғлар сочилиб кетади.

**77/13** Қиёмат куни ҳақ билан ботил ажрайди.

**77/36** Қиёмат куни ҳеч кимга узр айтишга рухсат берилмайди.

**80/36** Қиёмат куни барча ўз ташвиши билан машғул бўлиб, бир-биридан қочади.

**80/39** Қиёмат куни мўминнинг юзи ёруғ, лаби табассумли ва хурсанд бўлади.

**81/1** Қиёмат куни Қуёш нурсизланиб қолади.

**81/5** Қиёмат куни ваҳший ҳайвонлар бир ерга тўпланиб қоладилар.

**81/6** Қиёмат куни денгизлар ёнади.

**81/11** Қиёмат куни Осмон Ернингустидан сидириб олинади.

**82/2** Қиёмат куни юлдузлар сочилиб кетади.

**83/34** Қиёмат куни мўминлар сўриларда ўтириб, кофирларнинг устиларидан куладилар.

**84/8** Кимнинг китоби ўнг томонидан берилса, унинг ҳисоб-китоби осон бўлади.

**99/5** Қиёмат куни Ер ҳам одамларнинг қилиб ўтган ишлари ҳақида гувоҳлик беради.

**101/4** Қиёмат куни одамлар тўзиб кетган капалакка ўхшаб қоладилар.

**101/6** Амаллар тарозидан тортилади.



## ЖАННАТ

**9/21** Неъматнинг лаззати унинг доимий-лигидадир.

**9/111** Аллоҳ мўминлардан уларнинг жонлари ва молларини жаннат эвазига сотиб олган.

**10/10** Мўминларнинг бир-бирларига салом беришлари жаннатда ҳам давом этади.

**10/25** Жаннат – тинчлик диёри.

**13/35** Соя-салқинлик – жаннатнинг неъматларидан.

**15/46** Тинчлик ва саломатлик – жаннат неъматларидан.

**15/48** Чарчамаслик жаннатда бўлади.

**16/31** Хоҳлаган нарсага эришиш жаннатда бўлади.

**21/102** Хузур-ҳаловат тўлиқ бўлиши учун ёмонликнинг шарпаси ҳам бўлмаслиги керак.

**25/75** Жаннат турли даражалардан иборат.

**36/57** Жаннатда банда истаган нарса ҳозир у нозир бўлади.

**36/58** Жаннатдаги энг катта неъмат жаннатдагиларга Аллоҳ томонидан салом айтилишидир.

**37/55** Жаннат аҳли истасалар, дўзахдагиларнинг ҳолидан хабардор бўла оладилар.

**38/54** Жаннат неъматлари тугамас.

**39/20** Жаннатдаги хоналар устма-уст қурилгандир.

**41/32** Жаннат – Аллоҳнинг зиёфатхонаси.

**43/71** Жаннат кўнгиллар тилайдиган, кўзлар лаззатланадиган нарсалар еридир.

**50/31** Жаннат ҳам ҳаракатланади.

**51/22** Жаннат осмонда.





**52/24** Покиза ва хушсурат ғилмонларнинг хизматга шай бўлиб туришлари ҳам неъматдир.

**52/26** Жаннат аҳли жаннатда ўзларининг бу дунёдаги аҳволлари ҳақида гаплашиб турадилар.

**55/46** Раббиси ҳузуридаги савол-жавобдан кўрққан одам учун икки жаннат бор.

**57/13** Жаннат ва дўзах ўртасини дарвозали девор ажратиб туради.

**57/21** Жаннатнинг кенглиги осмон ва ернинг кенглиги кабидир.

**57/21** Яхши амалларга шошилиш жаннатга шошилишдир.

**74/41** Жаннатдагилар ва дўзахдагилар орасида савол-жавоб бўлиб туради.

**75/23** Мўминлар жаннатда Аллоҳга боқадилар.

**76/13** Жаннатда қуёш бўлмайди.

**87/17** Дунёдан кўра охират яхшироқ ва боқийроқдир.

**89/29** Солиҳ бандалар қаторига кириш жаннатга кириш демақдир.



## ДЎЗАХ

**9/95** Инсон қилган ёмон ишлари сабабли жаҳаннамга киради.

**16/88** Кофирга азоб устига азоб зиёда қилинади.

**20/74** Кофир жаҳаннамда на ўлади ва на яшайди.

**26/96** Кофирлар дўзахда ҳам ўзаро тортишадилар.

**32/13** Жаҳаннам кофир жинлар ва кофир одамлар билан тўлдирилур.

**37/64** Дўзахда ҳам дарахт ўсади.

**55/44** Кофир дўзахда ўт билан қайноқ сув ўртасида айланади.

**66/6** Дўзахнинг ўтини одамлар ва тошлардир.

**67/7** Дўзах ўкириб, фарёд билан овоз чиқаради.

**67/8** Дўзахнинг қўриқчилари бор, ҳар бир жазо муассасасининг ҳам қўриқчилари бўлганидек.

**74/30** “Сақар” номли дўзахни ўн тўққизта фаришта қўриқлайди.

## ТАСАВВУР

**6/122** Мўмин ўз амалини қандай чиройли деб ўйласа, кофир ҳам ўз амалини шундай чиройли деб ўйлайди.

**8/72** Мақсади бир, саъй-ҳаракати бир инсонларгина дўст бўла оладилар.

**11/27** Кофир ўзини доимо мўминлардан ортиқ деб ўйлайди.

**11/43** Кофир майда-чуйда сабаблар ҳалокатдан сақлайди, деб ўйлайди.

**12/41** Туш таъбирида эҳтиёткор бўлиш керак.

**8/36** Бу дунёда яхши яшаётган кофир охиратда ҳам шундай бўлади, деб ўйлайди.

**19/20** Барча ўзининг билгани билан ҳукм чиқаради.

**19/67** Кофир чала тасаввурлидир.

**23/83** Кофир ҳақиқатни афсона деб билади.

**24/11** Биз ёмон деб ўйлаган нарсада кўп яхшилик бўлиши мумкин.

**28/38** Фиръавн ҳам Аллоҳни юқори осмондан изламоқчи бўлган.

**28/78** Кофир мол-давлатни ўзимдаги билим сабабидан топганман, деб ўйлайди.

**38/5** Кофирлар дунёни худолар бошқаради, деб ўйлайдилар.

**89/15** Кофир ўзидаги бойликни Аллоҳнинг унга кўрсатган ҳурмати деб ўйлайди.



## РУҲИЯТ

**2/170** Ақлсиз одам тақлидчи бўлади.

**2/225** Қалбдан ўтган нарсаларга огоҳ бўлиш керак.

**2/267** Кўзнинг очиқлиги одамни хушёр қилади.

**3/7** Қалбида касали борлар доимо аниқ ишлар туриб, ноаниқ ишларга интиладилар.

**3/119** Бармоқ тишлаш – аччиқланиш белгиси.

**3/159** Мулойим бўлинг! Қўпол ва қалби қаттиқлардан одамлар қочадилар.

**4/19** Банда ёқтирмаган нарсаларда унинг учун кўпгина яхшиликлар бўлиши мумкин.

**4/47** Куфрнинг касофати юзга уради.

**4/128** Нафс қизғанчиқликка ўта мойил қилиб яратилган.

**5/30** Инсонни бошқарувчи (ҳаракатлантирувчи) кучлардан бири нафсдир.

**5/41** Хафа бўлиш инсонни руҳан заифлаштиради, шунинг учун ундан сақланишга ҳаракат қилиш керак.

**6/33** Кишининг нимадандир хафа бўлиб туриши – инсоний хусусият.

**6/81** Мўмин хотиржам бўлишга лойиқроқ.

**6/82** Хотиржамлик – мўмин учунгина тайёрланган совға.

**6/125** Осмонга кўтарилиш торлик ва тангликни келтириб чиқаради. Кофирнинг кўнгли доимо шу ҳолатда.

**7/20** Инсон ўзини камситилган деб ўйлаган пайтда гуноҳга қўл уради.

**7/50** Душманнинг аянчли ҳолатини кўриш кишига сурур бағишлайди.



**7/82** Ифлос қавм покиза инсонларни ёқтиравермайди.

**7/108** Нурни кўриш учун кўз очиқ бўлиши керак.

**7/128** Руҳан тушкун инсонлар машаққат билан ёруғ кунга эришишдан кўра зулмда яшайверишни афзал биладилар. Улар ўта шошқалоқ бўладилар.

**7/150** Ғазаб келганда ақл кетади.

**8/5** Ҳақ баъзи мўминларга эртароқ аён бўлса, баъзиларига кечроқ аён бўлади.

**8/46** Талашиб-тортишиш куч-қувватни кетказади. Бунинг давоси сабрдир.

**8/57** Ёнингдаги кишига юргизаётган сиёсатинг унинг атрофидагиларга ҳам таъсир кўрсатади.

**8/75** Бирор қавм изидан юрган одамлар ҳам ўшалардандир.

**9/26** Хотиржамлик – туман бойлик, ғалаба гаровидир.

**9/40** Аллоҳ билан бирга бўлган кимса ғамгин бўлмас.

**9/46** Бир нарсани чин дилдан истаган одам ўша иш учун тайёргарлигини кўриб қўяди.

**10/26** Инсоннинг бахтиёрлиги юзидан билинади.

**10/45** Ҳаяжонли дамларда вақт тез ўтади.

**11/74** Севинчли хабарлар кўрқувни кетказади.

**11/120** Кишига қувват берадиган қиссаларни тинглаб туриш керак.

**12/13** Киши бошқанинг ҳолини тўла ҳис этиши учун ўзини унинг ўрнига қўйиб кўриши керак.

**12/31** Инсон гўзаллик олдида ақлидан айрилиши мумкин.

**12/78** Мақтов бандани юмшатади.

**12/94** Кишиларни ҳидлар ҳам боғлайди.

**14/37** Руҳият моддиятдан устун.

**14/37** Дилнинг мойиллиги Аллоҳ қўлида.



**16/22** Муаммонинг асоси кибрли қалбдир.

**16/42** Аллоҳга суянган инсонгина сабр-тоқат қила олади.

**17/85** Рух ёлғиз Аллоҳ биладиган ишдир.

**18/18** Одатда инсондаҳшатли ҳолатларни кўрганда қоча бошлайди.

**18/61** Ҳаяжон баъзи нарсаларни унуттириб қўяди.

**18/68** Инсоннинг ўзи билмаган нарсаларига сабр қилиши қийин.

**20/68** Кўрқаётган кишига далда бериб туриш керак.

**23/52** Кўрқув ҳисси яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам хизмат қиладиган сифатдир.

**25/27** Бармоқ тишлаш – пушаймонлик аломати.

**26/3** Мўмин ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз ички қувватини сақлаб қола билиши керак.

**26/13** Нохуш ишдан дил сиқилади, тил тутилади.

**27/10** Ҳақиқат билан юзланиш инсонни ҳаяжонга солади.

**27/43** Муҳит таъсир этувчидир.

**28/21** Кўрқув – инсонга хос сифат.

**29/5** Умидвор одам ҳаракатдан тўхтамаслиги керак.

**30/36** Инсоннинг табиати шу: Аллоҳдан бирор марҳамат келса, қувониб кетади, ўз гуноҳи сабабли жазо келса, ноумидликка тушади.

**33/4** Ҳеч кимда иккита қалб йўқ.

**35/32** Бандаларнинг характерлари ва мижозлари турлича.

**38/6** Муҳит одамга таъсир қилади.

**39/18** Бандалар ўзлари хоҳлаган сўзнигина эшитурлар.

**45/28** Инсон даҳшат ва изтироб ила тиз чўкиб қолади.

**53/43** Аллоҳ кулдиради, Аллоҳ йиғлатади.

**59/21** Айрим инсонларнинг қалби тоғнинг тошидан ҳам қаттиқроқ.

**68/51** Кўз инсонни йиқитади.

**73/1** Ҳаяжон ёки ғам-ташвишдаги одамнинг ўралиб ётгиси келади.

**75/1** Нафс уч хил:

1. Аммора (ёмонликка буюрувчи);

2. Лаввома (маломат қилувчи);

3. Мутмаинна (хотиржам-сокин).

**75/22** Хурсандликдан юзлар яшнаб кетади.

**76/1** Ҳар бир инсонда эсга олинишга – тилга олинишга эҳтиёж бор.

**76/11** Юздаги жилва-нур – дилдаги хурсандчиликдан аломат.

**83/14** Кофирнинг дилини ўз гуноҳлари қоплаб олган.

**94/1** Қалб имон ва Қуръон билан кенг, мунаввар бўлади.

**94/2-3** Ўй-фикр елкани оғир юк каби эзиб туради.

**114/5** Васвасанинг кирадиган жойи қалбдир.

## ЎЗЛИК

**2/256** Динга мажбур қилиш йўқ. Танлов инсоннинг ўзида.

**2/286** Ҳар кимнинг қилган яхши амали ўзи учундир ва ёмон амали ҳам ўзининг зиммасигадир.

**3/165** Кўргуликларингиз ўзингиздандир.

**3/168** Бировни қутқармоқчи бўлган аввало ўзини қутқариб олсин.

**4/79** Яхшилик Аллоҳдан, ёмонлик эса нафсимиздан.

**4/84** Барча ўзи учун жавобгар.



**5/25** Инсон фақат ўзига эгадир.

**5/105** Ўзлигини топган одамга ўзгалар зарар етказа олмас.

**6/94** Барча Аллоҳ олдига якка-якка боради.

**6/164** Барча ўз юкини ўзи кўтаради.

**7/197** Ўзига ёрдам бера олмайдиган бировга ҳам ёрдам бера олмайди.

**10/108** Инсоннинг қилган яхшилиги ва ёмонлиги фақат ўзи учун.

**12/38** Киши ўз аждодларини билиши фазилатдир.

**14/22** Барча ўзини маломат қилсин.

**15/65** Киши мақсаддан чалғимаслиги лозим.

**15/67** Ҳамма ўзини ўзи хафа қилади ва ўзини ўзи хурсанд қилади.

**17/15** Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам инсоннинг ўзига.

**29/6** Яхши амаллар кишиларнинг ўзи учун, зеро Аллоҳ барчадан беҳожатдир.

**45/15** Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам кишининг ўзи учун.

**53/39** Инсонга ўз амалидан бошқаси берилмас.

**59/18** Ҳар бир банда эртанги кун учун нима ҳозирлаётганига эътибор қаратсин.

**66/11** Ўзлари ҳақиқий имонда бўлсалар, яқинларининг кофир бўлиши мўминга зиён етказолмайди.

**76/9** Инсон яхшиликни ўзи учун қилади, шунинг учун бунга бошқалардан мукофот ёки миннатдорчилик кутмаслиги керак.



## ҚАРОР

**3/159** Қарор қабул қилингандан кейин энди бу ёғига таваккал қил!

**3/193** Вазият таклиф қилади, бироқ мажбурлай олмайди.

**4/3** Ҳар бир ҳолатнинг ўз ҳукми бор, эҳтиёт шарт.

**4/35** Ишлар ниятга қараб ўзгаради.

**4/43** Нима гапираётганини билмайдиган инсон намозга яқин келмасин. Яъни, киши нима қилаётганини аниқ билиб, кейин қилсин.

**4/77** Зарур ишни ортга суриш – қўрқоқнинг иши.

**5/21** Бирор хайрли ишга киришгач, асло ортга қайтмаслик керак, акс ҳолда инсон зиён кўради.

**5/95** Ҳар киши ўз қилмишининг ёмон оқибатини ўз кўзи билан кўриши керак.

**16/9** Мақсадга етказадиган ва етказмайдиган йўллар бор.

**17/107** Танлов инсоннинг ўзида.

**18/86** Раҳбарлик қўл остидагилар ҳақида қарор қабул қилишдир. Бу қарор шароитга қараб азоблаш ёки мукофотлаш тарзида бўлади.

**21/81** Бўронли шамолдан ҳам йўлини қилиб инсон манфаати йўлида фойдаланиш мумкин.

**37/102** Ҳамма ўзига тегишли қарорни ўзи қабул қилиши керак.

**48/15** Ўз ўрнида рад жавоби беришни билиш керак.

**50/29** Қарор қабул қилингач, ҳеч иккиланмай ижрога ўтиш керак.

**91/7-8** Аллоҳ нафсни мукамал қилиб яратди ва унга фисқу фужурни ҳам, тақвони ҳам ўргатиб, танловни ўзига қолдирди.



## ТАЪЛИМ

**2/31** Аллоҳ Одамга илм ўргатганидан кейингина фаришталарга рўбарў қилди.

**2/32** Одамнинг фаришталардан улуғлиги илм биландир.

**2/34** Фаришталарнинг Одамга саждаси, билмаганнинг билувчига кўрсатган таъзимидир. Бунинг акси кибр ҳисобланиб, жазога лойиқдир.

**2/71** Бир нарсага ўта чуқур кириб кетиш сира яхшилик келтирмайди. Эҳтиёжни қондириш билан чегараланган яхши.

**2/108** Ноўрин саволдан сақланиш лозим.

**2/164** Ақл эгаси қадрлидир.

**2/231** Айтилганларни эсда тутиш, ёддан чиқармаслик лозим.

**2/258** Нарсанинг хусусияти унияхшироқ танитади.

**2/260** Билимнинг ортиши қалбни хотиржам қилади.

**2/260** Ўтказилаётган тажриба ёки ўтилаётган дарсда ўқувчининг бевосита иштироки бўлиши ва дарснинг амалий томонига кўпроқ эътибор қаратилиши лозим.

**2/282** Аллоҳга тақво қилинг, Аллоҳ сизга илм беради.

**3/3** Доимо бир ҳақиқат иккинчи ҳақиқатни тасдиқлайди.

**3/39** Бўладиган ишлар аввалдан Лавҳда ёзилган.

**3/41** Ҳар бир нарсанинг ўз белгиси бор.

**3/137** Ўтмишдан хулоса чиқариш керак.

**4/83** Ишни ўз мутахассисига топшириш керак.

**4/163** Баъзи нарсалар алоҳида ажратиб кўрсатилади.

**4/164** Баъзи нозарур нарсаларнинг айтилмай қолгани яхши.

**4/176** Зарур ишда фатво бериш аҳли илмнинг ва-зифасидир.

**5/7** Эслаш – энг зарур амаллардан.

**5/59** Устоз шогирдига йўл кўрсатиши лозим.

**5/63** Йўлга солиш – илмлилар иши.

**5/82** Илм бор жойда ҳақиқат ёки ҳақиқатга яқинлик бўлади.

**5/109** Билмаган нарсасини билмайман, дейиш – пайғамбарларга хос хислат.

**5/113** Билимнинг юқори даражаси кўз билан кўришдир.

**6/12** Ўзи савол бериб, ўзи жавоб бериши ҳам – таълим услуби.

**6/14** Огоҳлантириш ҳам – таълим услуби.

**6/36** Тинглай оладиганларгина қабул қила оладилар.

**6/54** Қизиқтириш – йўналтириш асоси.

**6/76** Изланиш – яхши.

**6/78** Ўз вақтида хулоса чиқарган маъқул.

**6/120** Ҳар бир нарсанинг ҳам ичи, ҳам ташига эътибор қаратиш керак.

**7/101** Қисқа ва лўндалик – мукамаллик белгиси.

**7/143** Баъзи нарсаларни баъзи нарсалар учун белги, далил қилиб олиш мумкин.

**7/145** Зарур нарсаларни ёзиб бериш керак.

**8/43** Қизиқтиришнинг усулларида бири қилинмоқчи бўлинган ишни осон ва оз қилиб кўрсатишдир.

**9/6** Эшитилган нарсаларни таҳлил қилиш учун тинч жой керак.

**9/97** Билимсизнинг куфр ва нифоқи бошқалар-никидан кучлироқ бўлади.



**9/122** Илм олиш уруш пайтида ҳам тўхтамаслиги шарт.

**10/33** Киши ўзи билмаган нарсасини ёлғонга чиқаришга мойил бўлади.

**10/33** Масаланинг моҳиятига тушунгандан кейингина фикр билдириш керак.

**12/38** Сўровчининг саволини шароитга қараб керакли ўзанга буриш лозим ва унга зарурроқ бўлган маълумотни тақдим этган маъқул.

**12/76** Ҳар бир илм соҳибининг устида ундан-да устунроғи бор.

**12/87** Излаган топади.

**14/36** Сабаблар ҳам сабабчилар ўрнида ишлатилиши мумкин.

**15/9** Асл нусха бузилмай сақланиши керак.

**15/29** Бир иш охирига етказилгачгина, кейингисини бошлаш керак.

**15/87** Такрорлаш ва такрорланиш билан билим мустаҳкамланади.

**16/43** Билмаган нарсасини билувчилардан сўраш лозим.

**16/69** Йўлнинг осон ва қулайидан юриш керак.

**17/1** Узоқларга қилинган саёҳатлардан инсон кўпроқ нарсга ўрганади.

**17/1** Саёҳатдаги одам эшитувчи ва кўрувчи бўлиши керак.

**17/36** Ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма!

**17/85** Инсонга жуда оз илм берилган.

**17/106** Муҳим нарсалар аста-секин, бўлак-бўлак қилиб ўқилиши лозим.

**18/19** Инсон ўзи ҳаракат қилиб била олмаган илмни Аллоҳга ҳавола қилиши керак.

**18/60** Ташқи ва ички билимларнинг бирлашуви икки денгизнинг бир-бирига туташувига ўхшайди.



**18/60** Илм талаб қилишнинг муддати мақсадга эришгунчадир.

**18/62** Илм сафари машаққатлидир.

**18/64** Толиби илм муносиб устоз топиши учун барча оғирликларни кўтариши лозим.

**18/66** Илм олиш учун аввало устознинг розилиги олинади.

**18/66** Илм устозга эргашиш билан қозонилади.

**18/67** Устоз илм беришдан олдин бўлажак шогирдини илм йўли машаққатларидан хабардор этиши керак.

**18/69** Бўлажак шогирд ўзидаги жиддийликни устозга сездириши лозим.

**18/69** Шогирдликнинг шарти – устозга итоатли бўлиш.

**18/70** Устоз шогирдга илм олиш шартини баён қилиб бериши керак.

**18/71** Устоз ва шогирд ўзаро келишиболганларидан кейингина иш бошлайдилар.

**18/96** Мис ва темирдаги хусусиятларни ўрганиш – мусулмонларнинг вазифалари.

**21/6** Ҳозирги ҳодисаларни билиш учун аввалги воқеалардан хулоса чиқариш керак.

**21/7** Билмайдиганлар биладиганлардан сўраши керак.

**22/46** Саёҳат кишини донишманд қилади.

**25/32** Куръоннинг бўлак-бўлак қилиб туширилиши ҳам таълим услубидир.

**26/48** Далил кучли бўлсагина, таъсирли бўлади.

**27/27** Келтирилган хабарни текшириб кўриш лозим.

**27/59** Нарсанинг ҳақиқати қиёслаганда билинади.

**28/82** Омининг фикри тез ўзгаради.



**29/20** Ерда кезиб, Аллоҳ махлуқотларни аввал бошдан қандай яратганини ўрганиш – мўминнинг вазифаси.

**29/48** Илм ўқиш ва ёзиш билан ҳосил қилинади. Баъзан эса эшитиш орқали ҳам кучли илмни қўлга киритиш мумкин.

**29/63** Эътироф этиш бошқа, тафаккур этиш бошқа.

**29/69** Изланганга толе ёр.

**35/28** Аллоҳдан олим, билимдон бандаларгина қўрқур.

**38/76** Тўғри қиёслай олмаслик хатога сабаб бўлади.

**39/9** Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг эмас.

**43/40** Такрор-такрор қилиб турли йўсинда уқтириш таълим услубидир.

**43/45** Сўраш ҳам ўрганиш демакдир.

**44/4** Ҳар иш пухта режа билан амалга оширилиши керак.

**44/58** Қийин нарсалар шарҳлаш билан осонлашади.

**46/4** Ҳар бир фикр бирор ростгўй китоб ёки илмий асарга таяниши лозим.

**46/29** Ўқувчи ўқитувчи олдига боради.

**46/29** Тушуниш учун аввало жим туриб тинглаш лозим.

**50/37** Илм ўрганиш учун инсон қалб эгаси бўлиши ёки илм мажлисида ҳозир бўлгани ҳолда сидқидилдан қулоқ тутиши керак.

**53/3** Илм аҳли ўз ҳавойи хоҳиши билан ҳеч нарса сўзламаслиги керак.

**53/5** Таълим берувчи қувватли бўлиши лозим.

**53/7** Аввал умумий тасаввур берилади, сўнгра тафсилотларга ўтилади.

**53/9** Устоз ва шогирднинг бир-бирига яқин туриши таълим сифатини яхшилайдди.



**53/11** Таълимдан кўнгил қониқиш ҳосил қилиши керак.

**53/12** Кўз билан кўриш орқали кучли билим ҳосил қилинади.

**53/28** Гумон ҳақиқат ўрнига ўтмайди.

**55/2** Бизга Қуръонни Аллоҳ таълим берди.

**58/11** Илм суҳбатларидан жой излаганларга дарҳол жой берилиши керак.

**58/12** Фойдали суҳбатлар олдидан садақа тарқатиш суҳбатнинг янада сермазмун бўлишини таъминлайди.

**60/10** Синаб, имтиҳон қилиб кўриш билан ҳақ равшанлашади ва дилдаги шубҳа йўқолади.

**67/10** Ақл юритиш учун аввал тинглаш (маълумот олиш) керак.

**75/18** Устоз сўзини тугатгачгина, шогирд гап бошлаши керак.

**80/9** Илм, аввало, талабгорга берилади.

**96/1** Ўқиш, илм иташ ҳар бир мўмин ва мўминага фарз.

**96/3–4** Илм иташ ёзишни ўрганиш билан бўлади.

**96/5** Инсониятга биринчи муаллим Аллоҳнинг Ўзидир.

## ТАРБИЯ

**2/119** Мусулмонлар кофирларнинг қилган ишларига жавобгар эмаслар.

**2/134** Ҳар бир қавм ўтгувчидир. Уларга ўзлари касб қилганлари, бизга ўзимиз касб қилганимиз бўлади.

**2/15** Аллоҳ арқонни жуда узун ташлайди.

**2/155** Синов кўрқинч, очлик, мол-жон ва ҳосилга нуқсон етиши билан бўлади.



**2/160** Қилинган гуноҳни тўғрилаш мумкин.

**2/216** Ёқтирмаган нарсаларимиз биз учун фойдали, ёқтирганларимиз эса зарарли бўлиши мумкин.

**6/11** Ишнинг оқибатига назар солиш керак.

**6/99** Ишнинг аввалига ва охирига назар сол!

**11/46** Кишининг ўзи эмас, амалитанқид қилинади.

**11/47** Ўз вақтида узр сўраш фазилатдир. Ва у фақат яхшилик келтиради.

**12/5** Бўладиган ишлардан баъзи кишиларни олдиндан хабардор қилиб қўйган яхши.

**12/53** Барча ўз нафсини ўзи қоралаб туриши керак.

**12/64** Кўр хассасини бир марта йўқотади.

**13/11** Бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунча Аллоҳ таоло уларнинг аҳволини ўзгартирмас.

**14/7** Шукрнинг тескариси куфрдир.

**15/52** Киши ўз хавотирини очиқ айтгани яхши.

**15/53** Хавотир тушунтириш орқали кетказилади.

**25/28** Сўнгги пушаймон – ўзингга душман.

**42/30** Афв этиш тарбиядаги асосий усуллардандир.

**42/37** Мутлақо ғазабланмаслик эмас, балки ғазабни ютишни билиш керак.

**71/20** Йўлнинг кенг бўлгани яхши.

**79/40** Нафсни ўлдириш эмас, жиловлаш керак.

**91/9** Нафсини имон ва тақво билан поклаган одам нажот топади.



## АХЛОҚ

**2/32** Билмаганини тан олиш – фаришталарга хос сифат.

**2/58** Эшиқдан кираётганда айтилган сўз аҳамиятлидир.

**2/152** Эслаган эсланади.

**2/262** Ўзига раво кўрмагани бошқаларга ҳам раво кўрмаслик керак.

**2/286** Узр сўрашлик Аллоҳга ёқадиган амалдир.

**3/135** Айб қилдингми, дарҳол кечирим сўра!

**4/4** Яхши ишни чин кўнгилдан, мамнуният билан қилиш керак.

**4/9** Тўғри сўзни айтмоқ керак.

**4/173** Берганда кўпроқ, зиёда қилиб берган яхши.

**7/144** Берилган нарсани шукр қилиб олиш керак.

**9/79** Кичик яхшилик ҳам яхшиликдир.

**9/79** Масхаралагани Аллоҳ ҳам масхаралайди.

**10/12** Кўрилган яхшиликка миннатдорчилик билдирилиши керак.

**11/11** Оғир кунларда сабр, яхши кунларда шукр қилиш керак.

**12/66** Чин узрлар қабул этилади.

**12/86** Аллоҳга шикоят қилинади, Аллоҳдан эмас!

**12/91** Афзал кишининг устунлигини тан олиш – яхши фазилат.

**12/100** Улуғлар доимо тўрда бўлишлари керак.

**12/100** Ёмон ишларга сабаб қилиб шайтон кўрсатилади, Аллоҳ эмас.

**15/85** Юз ўгириш ҳам чиройли тарзда бўлгани яхши.

**16/4** Қорнингни тўйдирганининг қорнига тепма!



**17/37** Кибр-ҳаво билан юриш мумкин эмас. Чунки инсон бундай юргани билан оёқлари ерни тешиб юборолмайди, шунингдек, бўйи-басти тоғларга тенг кела олмайди.

**18/73** Билмай унутган инсон афвга лойиқ.

**18/77** Бемарҳамат инсонларга марҳамат кўрсатиш – улуғлар иши.

**18/81** Олинган нарсанинг ўрнига яхшироғини қайтариб берган маъқул.

**19/23** Уят ўлимдан қаттиқ.

**19/52** Ўнг тараф фазилатлидир.

**19/54** Ваъдага вафо қилиш – барча учун фазилат.

**19/56** Ростгўйлик – барча учун фазилат.

**20/12** Муқаддас ерларга пойафзал ечиб кирилади.

**21/72** Сўралганидан ортиғини бериш – улуғларга хос сифат.

**24/27** Бировнинг уйига кириш учун рухсат керак.

**24/27** Бировнинг уйига кираётиб, салом бериш керак.

**24/28** Киришга рухсат берилмаса, қайтиб кетиш керак.

**24/29** Умумий фойдаланиладиган жойларга кириш учун рухсат сўраш шарт эмас.

**25/63** Мўмин жоҳилнинг бемаъни хитобига “Омон бўлгин!” деб жавоб қайтаради.

**25/72** Мўмин беҳуда сўз ёки амални кўрса, у ердан олижаноблик билан – ҳурматини сақлаган ҳолда, юз ўгирган ҳолда ўтади.

**26/19** Ўтган хунук ишларни кавлаштириш яхши одат эмас.

**27/19** Табассумдан гўзали йўқ.

**28/27** Киши ўзини солиҳ деб ҳисоблаши айб иш эмас.

**31/19** Юриш ўртача, овоз паст бўлиши лозим.

**38/41** Айюб алайҳиссалом Аллоҳга: “Сен менга дард бердинг” демадилар, балки одоб билан: **“Мени шайтон бало ва азоб билан ушлади”**, дедилар.

**38/46** Доимо охират диёрини эсда тутиш – пайғамбарона сифат.

**42/43** Интиқом олишга қодир бўлатуриб, Аллоҳ учун кечиб юбориш мардликдир.

**49/1** Мўмин Пайғамбар алайҳиссалом сўз айтган ерда сўз айтмайди.

**49/2** Пайғамбар алайҳиссалом билан сўзлашаётган киши (у зотнинг ҳадисларини эшитаётган одам) овозини пастлатади.

**51/25** Саломнинг жавоби саломдир.

**53/17** Улуғлар ҳузурида турганда кўзлар ўнгу сўлга оғмаслиги ва ҳаддидан ҳам ошмаслиги лозим.

**58/10** Яхшилик ва тақво тўғрисидагина шивирлашиш мумкин.

**59/9** Ўзида эҳтиёж бўлса-да, ўзгаларни устун қўйиш фазилятдир.

**60/8** Исломга душманлик қилмаган кофирларга яхшилик қилса бўлади.

**68/3** Улуғ хулқ Қуръон рози бўлган ишлардан рози, Қуръон норози бўлган ишлардан норози бўлишдир.

**73/10** Бирор кишини тарк этиш лозим бўлса, буни чиройли йўл билан қилиш керак.

**74/6** Кўп иш қилган бўлсанг ҳам, миннат қилма!

**79/4** Буюрилган вазифани тез бажариш керак.

**93/10** Тиланчи ҳайдаб юборилмайди.

## БОШҚАРУВ

**2/27** Муҳим ишларда аввалдан аҳдлашиб олиш шарт.

**2/37** Мақсадга етишнинг маълум белгиланган режаси, йўл-йўриғи бор.

**2/233** Ҳеч ким имконидан ташқари ортиқча нарсага буюрилмаган.

**2/246** Иш раҳбарсиз бўлмас.

**2/247** Раҳбар илмли ва кучли бўлиши керак.

**2/269** Кимгаки ҳикмат берилган бўлса, унга кўп яхшилик берилибди.

**3/37** Раҳбар қўл остидагиларнинг ризқи қаердан келаётганини суриштириб туриши керак.

**3/52** Муҳим ишлар ёрдамчиларсиз бўлмайди.

**3/103** Бўлиниб кетмаслик учун қалблар бирдам, бир-бирига интилиб турган бўлмоғи лозим.

**4/15** Баъзи ишларни вақт ҳукмига ташлаган маъқул.

**4/34** Эркаклар аёлларга раҳбардирлар.

**4/59** Раҳбарга итоат шарт.

**4/129** Тўлиқ бажаришга куч етмаса, имкон борича бажариш керак.

**5/12** Одамларни бошқариш учун улар ичидан раҳбарлар сайлаб қўйилади.

**5/109** Раҳбар буюрган ишини ўзи назорат қилиб туриши керак.

**5/116** Раҳбар ўзи билган нарсаларни ҳам қўл остидагилардан атайлаб (имтиҳон ёки синов тариқасида) сўраши мумкин.

**6/61** Дастёрлар ҳамиша лозим.

**7/129** Раҳбар ўз қўл остидагиларнинг руҳини кўтариб туриши керак.



**7/142** Раҳбар ўзи учун ўринбосар тайинлаши керак.

**12/54** Раҳбарнинг хос кишилари бўлиши лозим. Улар мартабали ва ишончли бўлмоғи афзал.

**12/62** Баъзи ишларни амалга оширишда нозик тадбирлар ишлатиш мумкин.

**12/82** Сўраб-суриштириш шубҳали ишларга аниқлик киритади.

**13/7** Ҳар бир қавм учун бир ҳидоят қилгувчи – етакловчи бор.

**15/35** Раҳбарнинг ғазабига қолган одам раҳбар қўл остидагиларнинг ҳам ғазабига дучор бўлади.

**15/50** Меҳри бор Зотнинг азоби ҳам бор.

**16/26** Оёғига урсанг, шохи зирқирайди.

**16/98** Муҳим ишларни бошлашдан олдин эҳтиёт чоралари кўрилиши шарт.

**16/101** Заруратга қараб бир нарсани бошқасига алмаштириш мумкин.

**17/61** Буйруқ ўша заҳоти бажарилиши керак.

**18/78** Узоқни кўра биладиган одам ўз ишларини бошқаларга ҳам тушунтириб бориши керак.

**18/84** Бутун ҳокимият Аллоҳники бўлиб, уни хоҳлаган бандасига беради.

**18/85** Раҳбар сафар қилиб туриши керак.

**18/87** Раҳбар ўзи зулмдан тийилганидек, золимларни ҳам зулм қилишдан тийиб туриши лозим.

**18/94** Раҳбарга бўлаётган воқеалар етказиб турилади.

**18/95** Раҳбар ўз ҳокимиятининг Аллоҳдан омонатлигини унутмаслиги лозим.

**18/95** Инсонларга хизмат қилиш – раҳбарнинг ижтимоий бурчи.

**18/95** Раҳбар қўл остидагилар билан гуруҳ бўлиб ишлашни билиши керак.



**18/95** Буюк ишлар кўпчилик билан амалга оширилади.

**18/95** Раҳбар қўл остидагилардан ёрдам сўрашдан уялмаслиги керак.

**18/96** Раҳбар қўл остидагиларга ишнинг тафсилотини тушунтириб бериши керак.

**18/96** Раҳбар ўз вазифасини ва қўл остидагиларнинг вазифаларини аниқ чегаралаб олиши ҳамда буни уларга баён қилиб бериши керак.

**18/96** Ишнинг бир босқичи тугаганидан сўнг кейинги босқичга ўтиш керак.

**18/96** Ишнинг энг муҳим жойини шахсан раҳбарнинг ўзи амалга ошириши керак.

**18/96** Муаммоларни ҳал қилишда юксак технологияларни ишга солиш керак. Раҳбарнинг бундай илмлардан хабардор бўлиб, қўл остидагилар билан баҳам кўриши нур устига нур.

**18/97** Раҳбар мақсаддан кўз узмаслиги керак.

**18/98** Раҳбар Аллоҳ хоҳишини ижро этувчи восита эканини унутмаслиги ва ўта тавозели бўлиши даркор.

**20/13** Кўрсатма қисқа-лўнда ва аниқ бўлиши керак.

**20/30** Киши муҳим ишларда ўзига ёрдамчи олиши мумкин.

**20/36** Раҳбар қўл остидагиларга вазифаларни бажаришлари учун керак бўладиган воситаларни ҳозирлаб бериши керак.

**21/78** Ҳукм чиқаришдан аввал чуқур ўйлаш ва маслаҳатлашиш лозим.

**24/55** Ерда халифа – ҳукмрон бўлиш учун имон ва амал даркор.

**24/62** Иш ўрнидан кетиш учун ишбошидан рухсат сўраш керак.



**24/63** Раҳбарни чақиришда алоҳида сўзлар қўлланади.

**27/32** Маслаҳатли тўй тарқалмас.

**27/33** Подшоҳ подшоҳлигида, тобелар эса ўз тобеликлариди туришлари керак.

**27/37** Масалани кўндаланг қўйиш керак.

**27/38** Раҳбарнинг қудрати ўз атрофидагилар билан.

**34/11** Режали ва ўлчовли иш бузилмас.

**39/29** Қулнинг хўжайини бир киши бўлгани маъкул.

**47/19** Раҳбар қўл остидагиларнинг ҳам айбини беркитиб юради.

**47/21** Раҳбарга итоат этилади ва яхши сўз билан муомала қилинади.

**47/38** Ишончни оқламаган ходим бошқа ходим билан алмаштирилади.

**49/5** Раҳбарни иложи борича безовта қилмай, ўз хонасидан чиқиши кутилади.

**57/25** Жамият осойишталиги учун илм, адолат, темир (қурол) зарур.

**72/28** Буюрилган ишнинг бажариб-бажарилмаганини билиш учун назоратчилар қўйилиши керак.

**112/2** Қўл остидагиларга муҳтож бўлмаган раҳбаргина уларни муваффақиятли бошқара олади.



## АДЛИЯ

**2/23** Ҳар қандай даъво далил, исбот талаб қилади.

**4/105** Хоиннинг ёнини олиш мумкин эмас.

**4/123** Ёмонлик қилган жазосини тортади.

**4/148** Мазлумнинг ўз дардини ошкор қилишга ҳаққи бор.

**4/35** Иккала тарафдан ҳакам тайинлаб, муаммони ҳал этиш мумкин.

**4/58** Ҳакам адолат қилиши керак.

**4/59** Тортишувлар Қуръон ва ҳадисга мурожаат этиш билан ҳал этилади.

**5/117** Киши, модомики, айбсиз экан, жим турмай, ўзини оқлашга ҳаракат қилиши керак.

**5/2** Бирор қавмни ёмон кўриш уларга тажовуз қилишга, адолатсизликка олиб бормаслиги шарт.

**5/28** Зарар зарар билан кетказилмайди.

**5/32** Бир одамни ўлдириш бутун инсониятни ўлдириш билан тенг.

**5/34** Жиноятчи қўлга тушишидан олдин тавба қилса, кечирилади.

**5/38** Ижрочи – жавобгар.

**5/42** Ҳукм қилинса, адолат бўлиши лозим, акс ҳолда ҳукм қилмаслик шарт.

**5/89** Ёмон ишларни ювиш учун каффорат белги-ланган.

**6/30** Аввал айб исботланади, кейин жазо берилади.

**7/172** Кишининг эътирофи энг кучли далилдир.

**7/6** Адолат юзага чиқиши учун ҳар икки томонни ҳам эшитиш керак.

**9/19** Ҳар бир амалнинг ўз даражаси бор.

**11/65** Жиноятчининг ҳам инсоний ҳуқуқи поймол қилинмаслиги керак.



- 11/76 Чиқарилган ҳукм бекор қилинмас.  
12/70 Айблов тўғридан-тўғри айтилади.  
12/80 Баъзан Аллоҳнинг ҳукми аниқ бўлгунча кутиш керак.  
12/89 Айбдорнинг айби ўзига эслатилиши мумкин.  
16/28 Айби исботланган жиноятчининг эътирофига ҳожат қолмайди.  
16/116 Ҳукми фақат Аллоҳ чиқаради.  
18/76 Киши маълум ҳолатларда узрлига айланади.  
21/61 Айбдор сўроқ, тергов қилинади.  
24/61 Зарурат ҳолатининг ўз ҳукмлари бор.  
29/52 Гувоҳи йўқларнинг гувоҳи Аллоҳдир.  
33/36 Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарининг буйруғи – мўмин ва мўмина учун энг олий ҳукм.  
33/69 Аллоҳ мўмин бандаларини уларга қўйилган айбдан Ўзи поклайди.  
34/25 Барча ўз ишига жавобгар.  
37/141 Зарурат туғилганда қуръа ташлаш мумкин.  
38/22 Ҳакам икки тарафга ҳам жабр қилмаслиги, тарафларни тўғри йўлга ундаши зарур.  
38/24 Ҳакам икки тарафнинг ҳам сўзини тинглагач, ҳукм чиқариши зарур.  
38/38 Бўйсунмаган мажбурланади.  
39/69 Суд гувоҳларсиз ўтмайди.  
49/12 Исломда кишининг зоҳирига қараб ҳукм чиқарилади.  
52/21 Ҳар бир киши ўз амали гаровидир.  
55/8 Тош-тарозу зулмни ман қилиш учун ўрнатилган.  
95/8 Аллоҳ энг одил Ҳукм қилувчидир.  
99/7–8 Инсонга заррача қилган яхшилиги ҳам, заррача қилган ёмонлиги ҳам кўрсатилади.  
102/8 Инсон ўзига берилган неъматларнинг савол-жавобини беради.

## МУКОФОТЛАШ

**2/25** Кутиб турган мукофот башоратини беришлик – яхши иш.

**4/175** Қилинган яхши амалларнинг мукофоти бор.

**7/8** Ҳар амалнинг ўз оғирлиги, вазни бўлади.

**9/100** Яхши ишларда биринчи бўлиш алоҳида мукофотларга сазовор.

**9/103** Яхши ишлар рағбатлантирилиши керак.

**11/3** Яхшиликнинг мукофоти – яхшиликдир.

**11/71** Хушхабарни кишининг кайфияти чоғ бўлиб турган пайтда айтиш керак.

**12/19** Хушхабарга суюнчи олиш мумкин.

**12/23** Яхшиликнинг мукофоти яхшилик.

**12/72** Яхши ишга мукофот тайин қилиш мумкин.

**14/5** Кунлар – неъматлардир.

**15/55** Неъмат ёш танламас.

**17/6** Мол-дунё ва бола-чақанинг кўплиги – неъмат.

**18/14** Золим раҳбарга айтилган ҳақ сўз алоҳида мукофотланади.

**19/15** Аллоҳнинг туғилиш машаққатидан, ўлим азобидан ва қиёмат кунида дўзахга тушиш хавфидан омонда бўладиган бандалари бор.

**19/49** Яхши ишлар мукофотланади.

**20/20** Аллоҳ амридаги инсон учун асо илонга, илон асога айланади.

**20/96** Улуғлар босган тупроқ ҳам баракотлидир.

**24/38** Мукофот энг гўзал ишларга берилади.

**24/38** Мукофот олиш учун ҳаракат қилиш мумкин.

**26/51** Яхши ишларда биринчи бўлиш алоҳида мукофотланади.

**29/59** Сабр ва таваккул алоҳида мукофотланади.

**29/7** Имон келтирган ва яхши амал қилганларнинг ёмонликлари ўчирилур.

**34/18** Шаҳарда кечасию кундузи тинч-омон юра олиш неъматдир.

**36/4** Тўғри йўлдан кетаётган кишини қўллаб-қувватлаб туриш керак.

**38/35** Мағфиратдан сўнг яна сўров эшиклари очилади.

**39/35** Мукофотлар энг чиройли амалга қараб белгиланади.

**39/74** Ваъдасининг устидан чиққан кишини мақтаб қўйиш керак.

**42/23** Ким чиройли амал қилса, Аллоҳ унинг ўша чиройли амалига янада қўшимча чирой бахш этади.

**47/2** Мўминларнинг гуноҳлари ўчирилади ва ишлари ўнгланади.

**48/19** Хотиржамлик, ором – Аллоҳнинг неъматидир.

**55/60** Яхшиликнинг мукофоти яхшиликдир.

**59/2** Ғалаба ўйламаган томондан ҳам келади.

**62/11** Имон ҳамда яхши амалларга бериладиган савоб ўйин-кулги ва тижоратдан яхшироқдир.

**92/6** Осон йўлга муяссар бўлиш учун Аллоҳнинг айтганларини бажариш керак.

**110/1** Ғалаба Аллоҳ истаган пайтда келади.

## ЖАЗОЛАШ

**2/61** Аллоҳга исён қилувчиларга хорлик ва мискинлик ёзилди. Ҳар бир жиноятга жазо муқаррар.

**4/34** Жазо аввало:

- 1) сўз билан бўлади;
- 2) сўнг руҳий жазо;
- 3) жисмоний жазодан иборат.

**6/120** Гуноҳга жазо муқаррар.

**7/13** Кибрнинг жазоси – хорлик.

**9/35** Кофирга ўзи тўплаган олтин-кумушлари билан жазо берилади.

**11/65** Жиноятчига ўлим ҳукмини олдиндан билдириб қўйиш ҳам жазодир.

**11/122** Ҳар бир киши ўзи қилган ишнинг оқибатини кутиши керак.

**12/75** Жазо белгилаш имконияти айбдорнинг ўзига берилиши ҳам мумкин.

**12/79** Жазо фақат айбдорга берилиши керак.

**15/76** Ибратли нарсалар барча кўрадиган жойда бўлиши керак.

**16/30** Мўминнинг бу дунёда оладиган мукофотлари яхши, охиратдагиси янада яхши. Кофирнинг бу дунёда оладиган жазоси ёмон, охиратдагиси янада ёмон.

**16/106** Мажбурланган кишига гуноҳ ёзилмас.

**16/112** Очарчилик ва нотинчлик куфрга бериладиган жазолардандир.

**16/116** Аллоҳ шаънига ёлғон тўқувчи учун икки дунёда тинчлик йўқ.

**17/33** Зулм қасос олинишига сабабдир.

**17/46** Неъматнинг қадрига етмаган ундан маҳрум бўлиш билан жазоланади.

**17/8** Жиноят такрорланса, жазо ҳам такрорланади.

**18/76** Жазо чораларининг турини айбдорнинг ўзи танлаши ҳам мумкин.

**19/69** Жазо бериш энг ашаддий жиноятчилардан бошланади.

**22/60** Ўч олишда чегарадан чиқмаслик керак.

**23/56** Кофир ўзига берилган неъматларни яхшилик деб ҳисобламасин!

**24/19** Мўминлар ўртасида бузуқлик ёйишни истайдиганларга алоҳида жазо берилади.

24/2 Раҳм-шафқатнинг ҳам ўз ўрни бор.

24/2 Баъзан жазолашнинг кўпчилик олдида амалга оширилиши оммага фойда келтиради.

24/58 Кишининг хузурига рухсат сўраб ва рухсатсиз ҳам кириладиган вақтлар бор.

25/40 Тош ёмғири ҳам мавжуд.

26/59 Аллоҳ истаса, банда барча бойлигини ўз қўли билан топшириб қўяди ва ундан айрилади.

26/173 Жазо огоҳлантирувдан кейин берилади.

27/59 Бадбахт устига бало келганини кўрган мўминлар Аллоҳга ҳамд айтишлари керак.

28/58 Маишатда ҳаддан ошган шаҳар ҳалок бўлади.

28/81 Кибрли бойни ер ютади.

29/35 Бошқаларга ибрат бўлиши учун берилган жазонинг асоратлари атайлаб қолдирилиши мумкин.

32/30 Кофирлардан юз ўгиргач, уларга келадиган азобни кутиш қолади, холос.

33/27 Мол-мулкни мусодара қилиш ҳам жазо турларидан биридир.

33/58 Аллоҳ ва Унинг пайғамбарларига озор берадиган кимса икки дунёда хор қилингандир.

33/58 Мўмин ва мўминаларга озор берувчиларнинг ҳолига вой!

37/24 Олдин сўраб-суриштирилади, сўнгра жазо берилади.

37/33 Жиноятга буюрувчи ва бажарувчи азобда шерикдирлар.

39/22 Диллари Аллоҳни эслашдан қотиб қолганларга ҳалокат бўлур.

39/3 Ёлғончилар ҳидоят қилинмас.

39/3 Кўрнамак ҳидоят қилинмас.

42/40 Ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаган ёмонликдир.

**49/12** Ёмон гумон, жосуслик, ғийбат бартараф этилган жамият гуллайди.

**52/37** Душманга танбеҳ бериш учун кинояли сўзларни айтиш мумкин.

**54/27** Жиноятчини муносиб жазолаш учун кузатиб, жазо вақти етиб келгунича сабр қилиб турилади.

**58/3** Ҳукм жазога боғлиқ бўлсагина, таъсирли бўлади.

**59/3** Сургун қилиш ҳам жазо чораларидан.

**66/10** Яхшилар билан бирга яшаш ёмонларни дўзахдан қутқара олмайди.

**67/16** Аллоҳ гуноҳкорларни Ерга юттириб юбориши мумкин.

**67/30** Одамлар фойдаланадиган сувлар ерга сингиб йўқ бўлиб кетиши ва бу билан одамлар оғир аҳволда қолишлари мумкин.

**68/45** Кофирга ўз гуноҳларини кўпайтириб олиши учунгина муҳлат берилган.

**73/12** Кишан азоб устига азоб беради.

**85/10** Мўмин ва мўминаларни фитнага солувчилар учун дўзах азоби бордир.

**92/10** Аллоҳнинг айтганларига қарши борганлар оғир йўлга «муяссар» бўладилар.

**111/1** Аллоҳ лаънатлаган инсон ҳалок бўлади.

## ИҚТИСОД

**4/29** Тижорат ўзаро розилик билан бўлади.

**5/26** Дангасаликнинг жазоси маҳрумлик ва ҳайронликдир. Бундайлар учун сиқилиб юрмаслик лозим.

**5/27** Илғорларга қолоқлар ҳасад ва адоват билан қарайди.

**6/152** Ўлчов ва тарозига ҳушёр бўлиш керак.

**12/19** Сотиладиган нарсаларни яхшилаб сақлаш керак.

**16/12** Эҳтиёж қондирилган жойда тараққиёт бор.

**17/27** Исрофгарлар – шайтоннинг дўстлари, шайтон эса кофирдир.

**28/26** Ёлланган ишчи кучли ва ишончли бўлиши керак.

**28/28** Шартнома ҳар икки томон учун ҳам фойдали қилиб тузилиши ва томонлар ўз фойдаларини кўздан қочирмасликлари керак.

**38/24** Шериклар кўпинча бир-бирларига зулм қиладилар.

**41/10** Ер баракалидир.

**43/10** Йўллар мақсадга элтувчи воситадир.

**67/15** Аллоҳ Ерни инсонга бўйсунувчи қилиб кўйди.

## МОЛИЯВИЙ ИШЛАР

**2/194** Эҳсон ҳалокатдан сақлайди.

**2/275** Тижорат ҳалол, судхўрлик эса ҳаром қилинди.

**4/34** Мол-мулкдан сарф қилиш юксакликка олиб келади.



**4/5** Эси пастга мол берилмайди, бироқ яхши сўз-лаб, керакли ёрдамни бериб туриш мумкин.

**4/6** Бой ҳаёли бўлсин!

**5/100** Нопок қанчалик кўп бўлса ҳам, пок билан тенг бўла олмас.

**5/120** Мулк Аллоҳникидир.

**7/48** Кофирларнинг тўплагани асло асқотмас.

**8/36** Кофир молини одамларни Аллоҳ йўлидан тўсиш учун сарфлайди.

**8/60** Инсоннинг бировга берган нарсаси тўлиғича ўзига қайтиб келади.

**8/72** Молни сарфлаш жонни сарфлашдан аввал туради.

**9/103** Садақа инсонни тозалайди.

**12/88** Зарурат туғилганда садақа сўраш мумкин.

**15/21** Бериш ҳам меъёрида бўлиши керак.

**17/34** Ёш бола ҳам мол соҳиби бўлиши мумкин.

**17/42** Шерикчилик бор жойда мусобақалашув ҳам бўлади.

**18/82** Хазина Аллоҳнинг марҳаматидир.

**22/36** Қаноатли киши эҳсонга ҳақлироқ.

**24/22** Мол-давлат эгалари инфоқ-эҳсонга кўпроқ эътибор беришлари керак.

**24/32** Уйланиш кишининг бойиш сабаб-ларидандир.

**28/77** Мўмин Аллоҳ берган мол-давлат билан аввало охират диёрини обод қилади ва шу билан бирга дунёдаги насибасини ҳам унутмайди.

**30/38** Қариндошнинг, камбағалнинг ва мусофирнинг мўминда ҳақи бор.

**33/50** Маҳр масаласи – муҳим масала.

**34/39** Қилинган эҳсоннинг ўрни Аллоҳ тарафидан тўлдирилади.



**47/38** Бахиллик қилувчи фақатгина ўз зиёнига бахиллик қилур.

**51/19** Мўминнинг молида сўрагувчилар ва муҳтожлар учун ажратилган ҳақ-улуш бор.

**57/18** Садақа беришга эркаклар ҳам, аёллар ҳам алоҳида тарғиб қилинганлар.

**57/23** Қўлдан кетганига қайғурмаслик, қўлда турганига эса шодланиб кетмаслик зарур.

**59/7** Бойлик фақат бойлар ўртасидагина айланмаслиги лозим.

**59/8** Хайр-эҳсонни Аллоҳга ёрдам берувчиларга қилмоқ керак.

**59/9** Бахилликдан сақлана олган одам нажот топгувчидир.

**65/7** Нафақа кишининг моддий ҳолатига қараб бўлиши керак.

**68/18** Боғ меваларининг ушри – эҳсонини бериш лозим.

**93/8** Камбағалнинг бой бўлишига кўмаклашиш керак.

## РИЗҚ

**2/187** Аллоҳнинг бандаларга ёзган ризқи ҳам излаб топилади.

**2/245** Ризқни кенг ёки тор қилувчи Аллоҳдир.

**5/66** Ризқ тепадан ёки оёқ остидан келади.

**11/6** Барча махлуқотнинг ризқи Аллоҳ зиммасида.

**13/26** Аллоҳ Ўзи хоҳлаганларнинг ризқини кенг қилур.

**15/22** Аллоҳ берган ризқни банда ўз кучи билан тўплай олмас.

**24/38** Аллоҳ баъзиларга беҳисоб ризқ беради.

**29/17** Ризқни Аллоҳ беради.

**29/60** Ризқни Аллоҳ бермаса, банда топа олмайди.

**29/60** Ризқ топиш учун банданинг қулоғи динг, ақли ўткир бўлиши лозим.

**41/10** Ер аҳлининг ризқу рўзлари тўрт кунда белгиланди.

**42/27** Аллоҳ агар барчанинг ризқини кенг-мўл қилса, улар ер юзида тажовузкорликка ўтган бўлар эдилар.

**53/48** Бой қилувчи, бадавлат қилувчи ҳам Аллоҳдир.

**65/2** Ким Аллоҳдан кўрқса, У Зот унинг учун нажот йўлини пайдо қилур ва уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантирур.

**67/15** Ризқ-рўз териш учун ерда юриш керак.

**71/11** Мағфират сўраш ризққа барака беради.

**94/4** Киши мартабасининг улуғ бўлиши Аллоҳдан.

90

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

**4/56** Инсон териси орқали сезади.

**5/15** Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади.

**5/6** Юз ва қўл инсондаги асосий аъзодир.

**6/39** Карлик соқовликни келтириб чиқаради.

**12/84** Ғам-қайғу кўз нурини кетказади.

**16/78** Инсон онадан ҳеч нарса билмаган ҳолида туғилади ҳамда қулоқ, кўз ва дили билан дунёни ўргана бошлайди.

**17/82** Қуръон оятларидан шифо топиш учун мўмин бўлиш керак.

**18/18** Бир ерда узоқ ётган одамни вақти-вақти билан ўнг-сўлга айлантириб туриш керак.

**19/10** Соғ-саломат одамнинг гапирмай юриши ҳам – яхшилик аломати.

**19/11** Тили билан гапира олмаган ишора билан гапиради.

**19/26** Янги туққан аёлга хурмо ейиш тавсия этилади.

**19/3** Суякларнинг мўртлашуви, сочининг оқариши – қарилик аломати.

**24/43** Чақмоқ пайти кўзни эҳтиёт қилиш керак.

**26/22** Муаммонинг асл сабабини аниқлаш керак.

**26/80** Шифо бериш Аллоҳдан.

**30/30** Мўмин ўзини Исломда тутгани ҳолда табиий хилқатини сақлаши керак.

**35/11** Ҳомиладор бўлиш, кўз ёриш ҳам Аллоҳнинг иродаси билан бўлур.

**38/42** Сувда чўмилиш, сув ичиш касалликни даволайди.

**41/44** Қуръон мўминлар учун шифодир.

**48/27** Сочни қирдириш ва калталашда бош учун манфаат бор.

**67/22** Қоматни тик тутиб юриш керак.

**73/17** Ташвиш сочни оқартириб юборади.

**75/4** Энг мураккаб аъзолардан бири бармоқ ва ундаги издир.

**76/17** Занжабил инсон соғлиги учун фойдали.

**76/28** Инсоннинг аъзолари мустаҳкам яратилган.

## ТАОМ

**2/259** Таом ва ичимликни айнимасдан ейиш керак.

**5/4** Пок нарсалар ҳалол қилинган.

**5/75** Таом ейиш инсоннинг қанчалар заиф, ожиз эканини кўрсатувчи аломатдир.

**5/89** Биринчи навбатда овқат, кейин либос келади.



**6/118** Кишининг имони ейдиган нарсасига, ейдиган нарсалар эса унинг имонига таъсир кўрсатади.

**16/14** Балиқ гўштини янгилигида ейиш керак.

**16/68** Асалнинг аълоси тоғникидир.

**16/69** Асалда шифо бор.

**16/115** Ҳаром қилинган нарсалар жуда озгинадир.

**18/19** Таомнинг сара ва покизасини ейиш керак.

**18/62** Толиби илм балиқ еб туриши керак.

**23/51** Олдин таом, кейин калом.

**24/61** Кўпчилик бирга таомланиши афзал.

**26/79** Тўйдириш Аллоҳдан.

**36/34** Хурмо ва узум инсон учун ўта фойдали.

**38/51** Мева-чевани мўл-кўл истеъмол қилиш керак.

**52/22** Аввал мева, кейин эса гўшт-таом.

**55/68** Анор меваси ўта фойдали.

**95/1** Анжирда гап кўп.

## ИЧИМЛИК

**16/66** Ичимликнинг ютуми енгили яхши.

**16/66** Оппоқ сут мол қорнидаги гўнг ва қон орасидан чиқади.

**35/12** Сувнинг тотли, чанқоқбосар ҳамда ичилиши осон бўлгани яхши.

**36/73** Ҳайвонлардан олинадиган ичимликлар алоҳида эътиборга лойиқ.

**37/47** Жаннат шароби маст қилмайди ва ақлдан оздирмайди.

**39/21** Ердаги булоқ-чашмаларнинг манбаси осмондан ёққан ёмғирдир.

**77/27** Тоғлардан оқиб тушаётган сувлар лаззатли бўлади.

## ЛИБОС

**7/26** Авратни тўсадиган алоҳида либос бўлиши керак. Энг яхши либос тақво либосидир, чунки у ҳамма айбларни ёпади.

**7/31** Аллоҳ ҳузурида зийнат ила турган яхши.

**15/16** Ҳар бир нарса безаги билан чиройли.

**16/14** Тақинчоқларнинг зўри денгиз қаъридан олинганидир.

**28/79** Дунёда кийим жиннилари ҳам бор.

**74/4** Мўмин либосларини пок тутатади.

**78/10** Тун кўп айбларни ёпиб турувчи либосдир.

**33/59** Ёпинчиқли аёл озод ва ҳимоялангандир.

## УЙ-ЖОЙ

**2/259** Ҳар бир нарсанинг асоси (суяги) ва усткурмаси (гўшти) бўлади.

**3/97** Уйга кирган одам тинч бўла олиши шарт.

**3/133** Жаннат бепоёнлиги ва ғам йўқлиги билан жозибалидир.

**4/57** Сув, қуюқ соя ва покиза жуфт – роҳат сабаби.

**9/40** Ғорлар ҳам ишончли бошпана бўла олади.

**9/109** Бинони тақво ва Аллоҳ розилиги асосида қуриш керак.

**10/87** Уйнинг аҳамияти катта. Уларга қўйиладиган асосий талаб ибодат учун қулай бўлишидир.

**12/56** Кишининг ўзи хоҳлаган жойда яшаш имконига эга бўлиши – катта неъмат.

**15/88** Кофирга берилган матоларга ҳавас билан назар солиш мумкин эмас.

**18/10** Ғорлар паноҳ топиладиган жойдир.

**18/11** Қулоқ шовқиндан холи бўлса, инсон кўпроқ ором олади.



**18/17** Салқин жойда одам кўпроқ ором олади.

**19/62** Бехуда сўз эшитилмайдиган жойлар – бами-соли жаннат.

**22/26** Ибодат қилинадиган жойлар озода тугилиши керак.

**23/50** Уйнинг баланд, оқар сувли жойда бўлгани яхши.

**27/52** Золимнинг уйи бир кун келиб хувиллаб қолади.

**29/41** Энг заиф уй – ўргимчак уйи.

**33/34** Мўминнинг уйида доимо Қуръон ва ҳикмат ўқилиши керак.

**34/15** Ҳовлининг ўнги ҳам, чапи ҳам боғу роғ бўлгани яхши.

**40/64** Инсон учун ер қароргоҳ, осмон эса шу қароргоҳ томидир.

**44/52** Киши яшайдиган жойи осойишта бўлмоғи керак.

**66/11** Ҳовли-жой танлашдан олдин қўшни танланади.

**76/13** Яшаш жойининг ҳавоси мўътадил бўлиши керак. У ер жуда иссиқ ёки жуда совуқ бўлмасин!

**88/15–16** Ёстиқлар тизиб қўйилгани, гиламларнинг эса тўшаб қўйилгани яхши.

## УЙҚУ

**25/47** Уйқу ором, уйғониш эса қайта тирилишдир.

**30/23** Инсон кечаси ухлаганидек, зарур бўлганда кундузи ҳам ухлаши мумкин.

**32/16** Одам ёнбоши билан ётиб ухлаши керак.

**39/42** Жон ўз эгаси – Аллоҳ ҳузурида ҳар куни бўлиб қайтади.

**55/76** Болишнинг яшил рангда бўлгани маъқул.

**78/9** Уйқуни оромли қилган Аллоҳдир.

## ОИЛА

**2/187** Эр-хотин бир-бирларига либосдир.

**2/228** Эркак аёл раҳбаридир.

**2/229** Оила тутишдаги асосий қоида – яхшиликча олиб қолиш ёки яхшиликча қўйиб юбориш.

**2/233** Она ҳам, ота ҳам боласи сабабидан зарар кўрмасин.

**3/119** Яхши кўриш икки томонлама бўлиши шарт.

**4/1** Қариндошлик муқаддасдир.

**4/11** Фойда баъзан ота-она, баъзан эса фарзанддан келади. Уларнинг қайси бири банда учун фойдалироқ эканини банда билолмас.

**4/24** Ҳузурланишнинг ҳақи адо этилиши лозим.

**4/128** Оилада сулҳ яхшидир.

**5/54** Муҳаббат икки томонлама бўлиши керак.

**7/189** Инсон ўз жуфтидан ором олиши керак.

**21/17** Тенг тенги билан бўлиши керак.

**24/26** Нопок аёллар нопок эрлар учун, нопок эрлар нопок аёллар учундир.

**24/26** Покиза эрлар покиза аёллар учун, покиза аёллар покиза эрлар учундир.



**30/21** Инсон ўзидан бўлганлар билангина сокинлик топади.

**30/21** Жуфтлар орасидаги севги ва меҳр Аллоҳнинг мўъжизасидир.

**33/31** Олимларнинг хотинларига икки баробар масъулият юкланган, шунга кўра мукофот ёки жазо ҳам икки баробар қилиб берилади.

**33/37** Уйланиш ёки эрга тегиш илоҳий хоҳиш билан бўлур.

**36/56** Жуфтлик жаннатда ҳам давом этади.

**42/50** Аллоҳ Ўзи хоҳлаганларини туғмас – бепушт қилиб қўяди.

**60/10** Мўмина аёл кофир эрга ҳалол эмас.

**60/10** Кўфрни афзал билган хотинни мўмин эр никоҳида ушлаб туриши дуруст эмас.

**66/6** Мўмин ўзини ва оиласини дўзахдан сақлаш чорасини кўришга масъул.

## ОТА-ОНА

**6/151** Ота-онага яхшилик қилинади.

**17/23** Ота-онага яхши сўз айтилади ва озор берилмайди, айниқса, ёши улуғларига.

**18/82** Отанинг шарофати болаларга ҳам таъсир қилади.

**19/13** Меҳрни Аллоҳ беради.

**19/28** Ёмон ота, ёмон онадан ёмон фарзандлар дунёга келади.

**28/10** Боласидан ажраган онанинг қалби бўм-бўш бўлиб қолади.

**29/8** Инсон ота-онага яхшилик қилишга буюрилган.

**29/8** Ота-онага итоат этиш шариат доирасида бўлиши керак.



**31/14** Шукр Аллоҳга ва ота-онага бўлади.

**31/15** Ота-онага яхши муомалада бўлгин-да, мўминлар йўлини маҳкам тут!

**52/21** Ота-она шарафи фарзандлар учун ҳам шарафдир.

**68/13** Отасининг тайини йўқлиги инсон учун айб ҳисобланади.

## ФАРЗАНД

**8/28** Мол-дунё ва фарзанд фитна, синовдир.

**31/13–19** Луқмон ўғлига қуйидагиларни насиҳат қилди:

1. Аллоҳга ширк келтирмаслик.

2. Заррача яхшилик ва ёмонлик бемукофот ёки жазосиз қолмаслиги.

3. Намозни тўқис адо этиш.

4. Одамларни яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш.

5. Етган балоларга сабрли бўлиш.

6. Одамларга юзни буриштириб қарамаслик.

7. Кибр-ҳаво билан юрмаслик.

8. Юрганда ўртача юриш.

9. Овозни пастлаш.

10. Мақтанчоқ бўлмаслик.

**19/12** Бола бошидан маълум.

**19/14** Фарзанднинг ота-онага итоатли, меҳрибон бўлгани яхши.

**19/6** Фарзанднинг ўғил-қизлиги эмас, яхши инсон бўлиб етишуви муҳим.

**19/6** Фарзанд кўришдан улуғ мақсадлар кўзда тутилмоғи лозим.

**29/27** Набира ҳам фарзанд сингари неъмат.



**31/13** Фарзандга насихат «Аллоҳга ширк келтирмагин!» деб бошланиши керак.

**38/30** Фарзанд отага Аллоҳнинг ҳадясидир.

**39/6** Чақалоқ она қорнида уч қават зулмат ичида аста-секин яратилур.

**42/50** Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишисига қиз ёки ўғил, эгизак ўғил ва эгизак қиз ҳадя қилади.

**46/15** Онанинг ҳомиладорлик ва туғиш пайтидаги қийинчиликларини фарзандлар ҳеч қачон ёдидан чиқармаслиги керак.

**46/15** Фарзанд ўзи ва ота-онаси ҳақиға дуо қилганидек, ота-она ҳам фарзандлар ҳақиға дуода бўлиши керак.

**46/17** Мўмин ота-оналардан кофир фарзанд чиқиб қолиши ҳам Аллоҳнинг ҳикматидир.

**53/32** Аллоҳ она қорнидаги ҳомиланинг ҳолини ҳам яхши билади.

**65/6** Фарзанд отага нисбат берилади.

**71/27** Кофирлар кўпинча нопок кимсаларни туғиб кўпайтирадилар.

**77/21** Она қорни – бола учун мустаҳкам қароргоҳ.

**80/20** Аллоҳ инсон боласига она қорнидан чиқишни осон қилди.

## АЁЛЛАР

**4/34** Ўз иффати ва эрининг молини сақловчи аёл яхши аёлдир.

**20/40** Опа ўғил ука учун жон тортувчи бўлади.

**20/40** Аёл тарафидан қилинадиган ҳийла кучли ва ишонарли бўлади.

**27/36** Мол-дунёни назар-писанд қилмайдиган кишидан маликалар ҳам чўчийдилар.

**28/25** Аёл ҳаё билан юрмоғи керак.



**28/26** Қиз турмушга чиқмоқчилиги ҳақида отасига ишора қилиши мумкин.

**31/14** Ҳомиладорлик ожизлик демақдир.

**33/6** Пайғамбарларнинг аёллари мўминлар учун она ўрнидалар.

**33/32** Аёл кишининг майин, назокатли сўзи қалбида касали бор эркакда хоҳиш уйғотиб қўяди.

**33/32** Аёлнинг бегона эркаклар билан сўзлашуви мутлақо тақиқланмаган, балки маълум шартлар асосида рухсат берилган.

**33/33** Аёл ўз уйида барқарор бўлиши лозим.

**33/33** Ясан-тусанга берилиш жоҳилиятга хос.

**33/33** Аёлнинг намозни ва закотни адо этишига алоҳида эътибор берилади.

**33/52** Аёлларнинг ҳусни мўминни қанчалик ҳайратга солса ҳам, у асло шарият чегарасидан чиқмас.

**33/53** Пайғамбар аёлларидан бирор нарса сўрамоқчи бўлган саҳобалар парда ортидан туриб сўраганлар.

**33/53** Пайғамбарнинг хотинларига уйланиб бўлмайди.

**33/73** Мунофиқ эркакдан эҳтиёт бўлинганидек, мунофиқ аёлдан ҳам ўта эҳтиёт бўлиш лозим.

**37/49** Жаннат аёллари кўзларини бегона эркакларга қарашдан тиядиган бўладилар.

**37/49** Аёлнинг гўзаллиги кўзида.

**38/52** Бир жойдаги аёлларнинг ёш ва ҳуснда тенгдош бўлиши киши кўнглини яшнатади.

**55/56** Эркак қўли тегмаган аёл эркак учун муносиб ҳадядир.

**60/12** Аёл учун Аллоҳга ширк келтириш, ўғрилиқ, зино, болаларни ўлдириш, ўзиники бўлмаган болани ўзимники дейиш, Пайғамбар алайҳиссаломга итоатсизлик қилиш катта гуноҳ ва айб ҳисобланади.



**111/5** Мўминларга қарши адоват ўтини ёқиб юрувчи аёлларнинг – «ўтин орқалаган» аёлларнинг жойи дўзахдадир (уларнинг шу ўтини ўзларининг ёниши учун олов бўлади).

## СЎЗЛАШ

**4/157** Инсон сўзи учун ҳам Аллоҳнинг лаънатига дучор бўлиши мумкин.

**6/74** Бетга айтганнинг заҳри йўқ.

**6/108** Сўкиш сўкинишни келтириб чиқаради.

**7/204** Буюк сўзларни жим туриб тинглаш керак, шундагина инсон раҳматга эришади.

**8/6** Мўминлар ораларида ҳам баҳслашувлар бўлиб туради.

**9/30** Оғиздан чиқаётган гапларнинг кўплари далилсиз, ҳужжатсиз бўлиши мумкин.

**100 12/31** Ўхшатиш, қиёслаш ҳам баён қилиш услубидир.

**12/54** Сухбат одамнинг кимлигини фош қилади.

**15/47** Сухбат қурувчилар бир-бирларига рўбарў бўлиб ўтирганлари маъқул.

**15/57** Кишига бажараётган вазифасининг номини айтиб мурожаат қилиш мумкин.

**15/64** Гапирилаётган гап турлича услублар билан тасдиқлаб борилиши мумкин.

**16/25** Инсон гапирган гапига жавобгар.

**16/27** Пичинг қилиш ҳам баён услуби.

**16/76** Мисолларни кетма-кет келтириш ҳам мумкин.

**17/3** Кишига унинг кимнинг зурриёти эканини эслатиб мурожаат қилиш мумкин.

**17/16** Сўз – азоб, яъни баъзи сўзлар азоблайди.

**17/28** Ширин сўз ҳам хайр-эҳсон.

**17/53** Сўзлашувчилар ўзаро энг гўзал сўзларни сўзлаб, шайтон уларнинг ўрталарини бузишига имкон бермасликлари керак.

**17/64** Овоз қўзғатиш кучига эга.

**18/19** Ғаройиб ҳодисалар, албатта, савол-жавобга сабаб бўлади.

**18/25** Савол берувчи суҳбат сўнгида саволнинг жавобини айтиб қўйгани яхши.

**18/54** Инсон жуда кўп баҳс ва жанжал қилувчидир.

**18/83** Ҳозиржавоблик – яхши хислат.

**18/99** Бирор ишни бошлаб юбориш учун овозли сигналлардан фойдаланса бўлади.

**22/9** Ўзи билмайдиган нарсалар ҳақида тортишувчиларнинг жазоси икки дунёдаги шармандалиқдир.

**23/44** Гап доимо кишилар ўртасида кўчиб юради.

**28/55** Мўмин нодонлар билан ҳамсуҳбат бўлмас.

**33/53** Аллоҳ ҳақни айтишдан тортинмас.

**33/53** Киши кимгадир бирор гапни айтишдан тортинса, буни бошқа одам ўз зиммасига олиши керак.

**38/20** Ҳикмат ила аниқ-равшан гапириш фазилатдир.

**40/78** Гапнинг зарурини гапириш керак.

**41/35** Гўзал сўзлар душманни дўстга айлантиради.

**43/58** Кофир ҳақиқатни топиш учун эмас, балки талашиб-тортишиш учунгина баҳслашади.

**44/58** Осонлаштириш ҳам, қийинлаштириш ҳам тил билан бўлади.

**55/4** Бизга сўзлашдан Аллоҳ таълим берди.

**78/37** Инсон ўзи қўрққан кишиси олдида сўзлай олмайди.

**93/11** Аллоҳнинг берган неъматлари ҳақида кишиларга сўзлаш лозим.



## МЕҲМОНДОРЧИЛИК

**3/198** Зиёфат бериш – фойдали иш.

**11/69** Меҳмонга дарҳол ҳурмат кўрсатилади.

**11/69** Меҳмонга қўйилган энг яхши таом – қовурилган юмшоқ гўшт.

**11/70** Меҳмон ўз олдига қўйилган таомдан олиб туриши керак.

**11/70** Зарур иш билан келган меҳмон тезроқ мақсадга кўчгани маъқул.

**11/77** Меҳмоннинг мезбонга хабар бермай келгани маъқул, бунда мезбоннинг ноқулай аҳволга тушмаслигининг эҳтиёти қилиниши керак.

**12/31** Меҳмон ўтирадиган жой суяниб ўтирадиган бўлгани маъқул.

**12/99** Меҳмонлар яқин кишилар бўлсалар ва узоқ сафардан келаётган бўлсалар, уларни қучоқ очиб кутиб олиш керак.

**18/77** Меҳмон мезбондан овқат сўрашга ҳақли.

**28/25** Меҳмон мезбонга ўзини яхшилаб таништириши керак.

**33/53** Чақирилган жойга белгиланган вақтдагина бориш, таомлангач эса, гап сотмасдан тарқалиш керак.

**38/50** Борилаётган жой дарвозаларининг борувчи киши учун очиқ туриши унга кўрсатилган ҳурмат-эътибордир.

**51/25** Мезбон меҳмонларни танимаса ҳам, илиқ кутиб олиши, уларни хафа қилиб қўядиган сўзларни айтмаслиги керак.

**51/31** Меҳмонларга таом қўйилгандан кейингина нима юмуш билан келганликлари сўралади.

**76/19** Ёш болаларнинг хизматда бўлиши меҳмонга ҳузур бағишлайди.



## ИЖТИМОЙ АЛОҚАЛАР

**2/179** Жиноят қилмоқчи бўлган одамнинг ўзидан муқаррар қасос олишларини билиши уни жиноятдан тўсади. Бу эса одамларнинг тинч-осойишта яшашларини таъминлайди.

**2/188** Бировнинг молини ботил йўл билан ейиш ҳаром.

**2/191** Инсонларни тўғри йўлдан чалғитиш – фитна уларни ўлдиришдан ҳам ёмон.

**2/199** Баъзи ишларда бошқалар билан бир хил бўлган маъқул.

**2/254** Бу дунё ишлари олди-сотди, ошна-оғайни-гарчилик ва шафоатчиликка қурилган.

**2/271** Яхшилиқнинг баъзан ошқора, баъзан махфий бўлгани маъқул.

**2/282** Муҳим олди-бердилар гувоҳ ҳузурида ёзиб қўйилади.

**2/282** Икки киши ўртасидаги ишга учинчи холис одамни қўшиш мумкин.

**2/282** Холис хизматдан кейинчалик зарар кўрмаслик шарти билан бўйин товламаслик керак.

**3/75** Ҳақни ундириш учун баъзан оёқ тираб туриб олишга тўғри келади.

**4/2** Етимнинг алоҳида ҳуқуқлари бор.

**4/85** Ўринли шафоатга ажр бор.

**4/86** Алик олиш янада чиройли ибора билан бўлмоғи маъқул.

**5/1** Аҳдномага вафо қилиш шарт.

**5/2** Яхшилиқ ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинади, ёмонлик йўлида эмас.

**5/32** Бир инсонга ёрдам бериш бутун инсониятга ёрдам бериш билан тенг.



**8/42** Баъзан тасодиф ваъдалашувдан афзалроқ натижа беради.

**9/2** Баъзи вақтларни маълум бир амаллар учун тайин қилиш мумкин.

**11/7** Муҳим ишларни шошилмай бажариш керак.

**11/46** Киши ўзи яхши билмаган нарсасига аралашмагани маъқул.

**12/36** Одамга қилаётган амалларига қараб баҳо берилади.

**12/54** Киши қўлидан келадиган ва ўзи лойиқ бўлган ишни сўраб олиши мумкин.

**15/62** Танимасни сийламас.

**15/66** Муҳим ишларнинг хабари тегишли кишиларга олдиндан билдириб қўйилгани яхши.

**16/92** Аҳдини бузувчилар телба хотинга ўхшайди.

**18/75** Ўртадаги шартномани иккинчи тарафга эслатиб туриш мумкин.

**18/75** Кишининг барча соҳада илғор бўлишининг иложи йўқ.

**18/76** Узрли кишилар маломат қилинмайди.

**18/82** Етимларнинг меҳрибони Аллоҳдир.

**23/26** Киши ўз муаммосини баён қилгач, ёрдам сўраши керак.

**24/58** Ўзникиларнинг ва бегоналарнинг ҳукмлари турлича бўлади.

**25/7** Улуғ одамларнинг ҳам бозорга бориб турганлари яхши.

**33/37** Одамларнинг гап-сўзидан эмас, Аллоҳдан қўрқиш лозим.

**47/22** Қариндош-уруғлар билан алоқаларни узмаслик керак.





## ТАШҚИ ИШЛАР

**7/37** Элчининг мавқеи уни юборган кишининг мавқеидан келиб чиқади.

**7/82** Элчи дахлсиздир.

**7/155** Муҳим вазифа билан жўнатилаётган одамлар шу вазифа учун муносиб бўлиши керак. Бундай кишиларнинг кўпчилик ичидан саралаб олиниши табиий ҳолдир.

**8/58** Бирор қавмнинг хиёнаткорлиги сезиб қолинса, уларга орадаги шартнома тугаганини билдириб қўйиш керак.

**12/69** Киши уни танимаган одамга ўзини таништириши керак.

**25/5** Ҳар бир кучли шахснинг орқасида ундан-да кучлироқ кимдир туради.

**26/17** Элчи ким томонидан юборилганини айтиши ва шундан сўнггина мақсадга кўчиши керак.

**65/2** Муҳим ишлар гувоҳлар ёрдамида ёзиб мустаҳкамланиб қўйилади.



## МУДОФАА

**2/36** Ҳар бир нарсанинг ўз душмани бор, душманликнинг эса бир неча хил усуллари мавжуд.

**2/190** Уруш очаётганларга қарши уруш қилинади.

**2/193** Фитна бўлмаслиги учун ҳам уруш зарур.

**2/257** Аллоҳ мўминлар дўстидир.

**3/120** Сабрли ва тақводорларга душман макри зарар етказа олмас.

**3/139** Мўмин бўлган ҳолда сустлашма ва ғамгин бўлма! Устунлик шунда.

**3/140** Сенга қандай азият етган бўлса, душманинга ҳам шундай азият етган.

**4/90** Тегмаганга тегилмас.

**4/94** Жанг қилишдан аввал душманни аниқлаб олиш керак.

**6/34** Сабрнинг ниҳояси нусратдир.

**6/158** Ҳар бир нарсага олдиндан тайёргарлик кўрилгани яхши.

**7/103** Ҳар бир Фиръавнга қарши чиқувчи бир Мусо бор.

**7/117** Куч эгаси ўз кучини ишнинг охирида кўрсатгани маъқул.

**8/15** Юзма-юз тўқнашганда қочиш мумкин эмас.

**8/15** Жанг – ҳийлалар ишлатиладиган ер.

**8/18** Аллоҳ кофирнинг ҳийласини заифлаштириб туради.

**8/39** Жанг мақсадга эришгунча давом этиши керак.

**8/45** Сабот билан туриш учун Аллоҳнинг ёдидан тил ва дил узилмаслиги керак.

**8/60** Душманга қарши иложи борича кўпроқ куч йиғиш ва доимо шай туриш лозим.

**9/12** Асосий зарба ишбошиларга қаратилиши керак.

**9/39** Жанг қилишдан қочган қавмга хорлик ёғилур.

**10/103** Аллоҳ мўминларга нажот беришни Ўз зиммасига олган.

**11/91** Мўмин киши ўз ҳимояси учун керак бўлган воситаларга эга бўлиши шарт, ожизлик мўминга ярашмайди.

**12/13** Инсон ўзи билмаган ҳолда ёмон ишларга баҳона топиб бериши мумкин.

**12/110** Ғалаба мўминнинг тоқати тугай бошлаганда келади.

**13/22** Мўмин ёмонликни яхшилик билан қайтаради.

**15/17** Муҳим жойлар махсус кўриқланиши керак.

**15/18** Қурол жуда тезкор бўлиши керак.

**15/65** Махфий ишларни кечаси бажарган яхши.

**21/18** Ҳақ ботилни эзиб, янчиб ташлаши керак.

**21/80** Мўминнинг ўз ҳимоя қобиғи бўлиши керак.

**24/12** Мўминлар кофирнинг иғволарига қарши дарҳол жавоб беришлари, иғвонинг ёйилиб кетмаслигининг олдини зудлик билан олишлари керак.

**30/3** Мағлубиятдан кейин, албатта, ғалаба келади.

**33/10** Тўқнашув пайтида кўз тиниб, юраклар бўғизларга тикилиб қолиши ва инсон турли ёмон гумонларга бориши мумкин.

**37/10** Энг кучли қурол учиб бориб тегадиганидир.

**38/45** Куч-қувват ва фаҳм-фаросат эгаси бўлиш қандай яхши!

**42/39** Мўмин ўзига зулм етган вақтда унга қарши курашиб ғолиб бўлур.

**47/35** Жангда сусткашликка ўрин йўқ.

**47/35** Мўмин жангда устун бўлиб турган ҳолда душманни ярашишга чақирмайди.



**48/2** Ғалаба – неъматнинг комиллиги белгиси.

**48/10** Уруш олдидан қасамёдлашиб олиш яхши иш беради.

**63/8** Куч-қудрат Аллоҳники, Пайғамбарники ва мўминларникидир.

**72/8** Мудофаа ҳалқаси камида иккита бўлиши керак.

**72/9** Мудофаада душманни огоҳлик билан кузатиб туриш яхши натижа беради.

**100/5** Душманнинг қоқ ўртасига зарба бериш лозим.

## ХАВФСИЗЛИК

**12/5** Баъзи гапларни маълум вақтгача яшириб туриш зарур.

**12/67** Кўзга ташланмаслик ҳам хавфсизлик тадбири.

**18/19** Хавфсизликда биринчи шарт эҳтиёткорликдир.

**18/77** Ҳалокатнинг олдини зудлик билан олиш керак.

**18/79** Золимнинг қўлига тушиб қолмаслик учун молни айбли қилиб кўрсатиш мумкин.

**18/80** Балога олиб келувчи нарсалардан ўз вақтида воз кечиш лозим.

**18/94** Ёмоннинг ёмонлигидан сақланиш учун ўртага тўсиқ қўйиш ҳам мумкин.

**19/18** Банданинг ёмонлигидан сақланиш учун унга Аллоҳдан кўрқишни эслатиш даркор.

**21/70** Мўмин кофирнинг қилаётган ҳийласини усталик билан унинг ўзига қарши ишлатади.

**23/29** Уловга яхшилаб жойлашиб олгандан кейингина юра бошлаш керак.



24/11 Ички душманлардан сақланиш керак.

27/22 Келтирилган хабар ишончли бўлсин.

27/35 Синалмаганнинг сиртидан ўтма!

28/11 Инсон Аллоҳга таваккал қилгани ҳолда сабабларга эътиборли бўлиши лозим.

28/11 Баъзи ишлар сездирмасдан бажарилади.

33/48 Мўмин мунофиқларга бўйсуниб қолишдан эҳтиёт бўлиши, шунингдек, уларнинг етказган азиятларига парво қилмаслиги керак.

36/66 Кўзи йўқ одам илгарилай олмайди.

37/89 Эзгу мақсадлар учун одамларнинг бемаъни одатларидан ҳам «унумли» фойдаланиш мумкин.

37/103 Инсон қўрқинчли ҳолатлардан кўзини олиб қочиши керак.

40/28 Ақлли одам ҳар бир ишнинг яхши-ёмон томонларини таҳлил қилиб кўриб, шунга қараб иш тутади.

41/38 Мўмин доимо ўзи учун фойдали бўлган қўшимча йўлга (вариантга) эга бўлиши керак.

42/38 Мўминлар ўз ишларини ўзаро маслаҳат билан қиладилар.

46/13 «**Парвардигоримиз Аллоҳдир**», деган, сўнгра тўғри йўлда устувор бўлганлар учун ҳеч қандай хавф йўқ.

106/4 Очлик ва хавф-хатардан омон бўлиш улкан неъматдир.



## ҲАЙВОНОТ

**5/31** Аллоҳ инсонга қушлар орқали ҳам йўл кўрсатади.

**5/31** Баъзан ҳайвонлар инсонлардан ақлли йўл тутади.

**5/4** Ўргатиш-ўрганиш билан ҳайвоннинг ҳам даражаси кўтарилади.

**16/7** Жониворлар инсон қийинчилигини енгиллатурлар.

**18/18** Итнинг ери остонада.

**18/18** Улуғларга эргашган ит ҳам эътибор қозониб, тилларда дoston бўлади.

**24/41** Саф тортиш қушларга ҳам хос.

**27/18** Биргина чумоли ҳам анча ишлар қилиши мумкин.

**27/22** Қушлар хабарчилардир.

**105/3–4** Қушлар ҳам Аллоҳнинг қўшинидир.

# Ўйларим парвози





## МУҚАДДИМА

Қуръони каримни вақт тафсир қилади. Бугун ақлимиз етмаган маънолар вақти-соати келганида ошкор бўлади. Ҳар бир даврнинг Қуръон уммонида оладиган хазиначилари бор. Қуръоннинг ҳар бир замонга атаб яшириб қўйган сир-асрорлари мавжуд. Буларнинг юзага чиқиши учун вақт, муддат даркор. Шунинг учун ҳам Қуръонни вақт тафсир қилади, дейилади.

Қуръон бизга коинот сирларини ўргатиш учун нозил қилинмади. Балки шунинг учундирки, саҳобалар ҳадеб коинот сирлари ҳақида Пайғамбар алайҳиссаломдан сўрайвермаганлар.

Қуръон оятларини борлиқ тафсир қилади. Бутун мавжудот Аллоҳ таолонинг ояти, ажойиботи ва ягоналиги аломатидир. Жумладан, инсон ва ундаги ақл ҳам. Коинотдаги вақти белгилаб қўйилган ўзгариш ва жараёнлар, шунингдек, инсон ақлининг уларни қамраб олиб, моҳиятига етиш вақти Қуръон оятларидан яна бирининг ўз маъносини ошкор қилиш вақтига тўғри келади.

Пайғамбар алайҳиссалом мусулмон одам учун зарур бўлган Қуръон ҳукмларини битта ҳам қолдирмасдан шарҳлаб, тушунтириб берганлар.

Қуръон барчага файзу баракасини баробар сочади. Лекин ҳар ким ундан имонига ярашасини олади.

Қуръон инсонга Аллоҳнинг унга берган озгинагина танлов ҳуқуқидан қандай қилиб оқилона фойдаланишни ўргатадиган китобдир. У инсоннинг ихтиёрий ҳаракатларини тартибга солади.

Қуръон тиловатининг ўзиёқ кофирнинг қалбини Аллоҳ йўлига торта бошлайди. Қалб кибор ва куфрдан



холи туриб, холислик билан Қуръонга қулоқ тутса, албатта, имонга келади.

Аллоҳ барча нарсага жон ато қилганидек, ҳарфларга ва сўзларга ҳам ҳаёт бера олади.

Олдинги муқаддас китоблар ўзида Аллоҳнинг инсонлар учун белгилаб берган дастуриламалини жамлаган бўлиб, бу китобларни тасдиқловчи далиллар – мўъжизалар улардан алоҳида ҳолда келган. Масалан, Таврот илоҳий дастур ҳисобланса, Мусо алайҳиссаломнинг ҳассалари ундан алоҳида мўъжизадир. Қуръон эса бир пайтда ҳам дастурни, ҳам мўъжизани жамлайди. Чунки Қуръони карим қиёматгача амал қилинадиган дастур бўлгани учун унинг илоҳийлигини тасдиқлаб турувчи мўъжиза билан бирга нозил бўлишини Илоҳий ҳикмат тақозо қилган.

114

Мўъжизалар Қуръоннинг Аллоҳ тарафидан юборилганини исботлар экан, бунинг ёнига яна бир неча далилни қўшиш мумкин. Масалан, Пайғамбар алайҳиссаломнинг уммий бўлганлари. Агар ўйлаб қаралса, бир одам ўзидаги билимдонликни қирқ ёшгача ҳаммадан яшириб юриб, кейин ошкор қилиб юбориши мумкинми? Албатта, йўқ. Демак, у зот шу ёшгача уммий бўлганлар ва қирқ ёшдан кейин келган илмни Аллоҳ таолодан олганлар.

Қуръон Пайғамбар алайҳиссаломнинг ижодлари бўлганида янада кўпроқ одамларни жалб қилиш учун унинг баъзи жойларини уларнинг истакларига мосламасмидилар?!

Қайси ақлли инсон ўзи ижод этган мукаммал асарни бировники дейди? Ваҳоланки, Пайғамбаримиз Қуръон Аллоҳники деб айтмоқдалар. Инсондан бировнинг яхши асарини ўзимники, деб даъво қилишни кутиш мумкин, аксини эмас.

Бир инсон қандай қилиб уч хил услубда гапириши мумкин (Қуръоний услуб, ҳадиси қудсий услуби ва ҳадиси набавий услуби)? Маълумки, ҳар қандай зўр ёзувчи ҳам фақат ва фақат бир услубда ёза олади.

Ҳар қандай инсон бирор воқеани ҳар сафар ҳар хил сўзлар билан ва ҳар хил тартибда ҳикоя қилади. Бордию Қуръон Пайғамбар алайҳиссаломнинг сўзлари бўлганида эди, уни доимо бир хилда ўқиб беролмасдилар. Чунки инсоннинг хотираси бунга имкон бермайди.

Қуръон ўқиш учун «Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир рожим»ни айтаётган киши шайтоннинг Аллоҳга кўрсатган ҳурматсизлигини, Одам алайҳиссаломга қилган душманлигини ёдга олсин.

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳим»ни айтаётганда эса гуноҳлари миқдорига қарамасдан бандасига меҳрибон ва раҳмли бўлган Раббиси борлигини эсласин.

Шайтон доимо Аллоҳ дастурининг қайси еридан заифроқ тутган бўлсак, ўша томондан ҳужумга ўтади. Масалан, кимдир намозга астойдил, лекин эҳсон-садақага суст. Шайтон унга камбағалларга эҳсон қилмасликни васваса қилади. Бировнинг ҳақини кўрқмай ейишни тавсия этади.

Шайтон инсонга икки тарафдан яқин кела олмайди. Биринчиси – юқори тарафдан. Чунки бу тараф банданинг Буюк Илоҳга илтижо қилиш тарафидир.

Иккинчиси – пастки тараф. Чунки бу тараф банда сажда пайти ўз қуллигини, ожизлигини изҳор қиладиган тарафдир.

Аллоҳ шайтонни нимага яратди? Нега унга инсонларни васваса қилиш имконини берди? Чунки



ҳар қандай нарсанинг кучи унга қарши турувчи куч билан тўқнашганда билинади-да!

Қилаётган ҳар ишингни «Бисмиллаҳ...» деб бошла. Бу сени Аллоҳнинг ғазабини қўзғатадиган амалларга қўл уришдан сақлайди. «Бисмиллаҳ» деб иш бошлайдиган одам гуноҳ ишлар қилишдан уялади.

Осмон ва ер қонунлари Аллоҳни бошқармайди, бошқара олмайди. Балки бу қонун-қоидаларнинг барчасини Аллоҳ яратади ва бошқаради. Бирор қонунни яратишга ва уни бекор қилишга ёки унга тескари турадиганини яратишга фақатгина Аллоҳ таоло қодирдир. Унинг хоҳиши ҳамма қонунлардан юқори.

«Бисмиллаҳ» («Аллоҳ номи билан») деганда У Зотнинг барча сифатларини ёрдамга чорлаган, «Алҳамду лиллаҳ» («Аллоҳга мақтовлар бўлсин») деганда эса Раббимизнинг ҳамма сифатларига мақтовлар ёғдирган бўламиз.

Борлиқдаги барча нарса бизга Аллоҳни эслатиб туриш учун ҳаракатланади.

«Бу гул намунча чиройли!» деймиз. Ўйлаб кўрсак, у ўзини ўзи чиройли қилиб олмаган, ўзининг чиройли ёки хунук бўлишида ҳеч қандай иштироки йўқ. Гулга чирой берган Аллоҳдир. Гулни мақтаётганда унга ҳусн берган Зотни унутмайлик!

Борлиққа қараб буюк Яратувчи борлигини ҳис қиласан. Бироқ сен тикилаётган нарсалар У Зотнинг кимлигини, сендан нима исташини айтиб беришга ожиз. Мана шунда Аллоҳнинг элчилари – пайғамбарларга эҳтиёж борлигини кўрасан.

## ФОТИҲА СУРАСИ

1. Ҳамдайтмоқ – вужудимиздаги бутун заррачаларнинг неъмат ато қилган Зотга ташаккур айтиш учун талпинишидир.

2. «**Алҳамду лиллаҳ**» – фақат тил билан такрорлаб туриладиган ибора эмас. У тилга ўтишдан аввал ақлга, кейин қалбга ўтиб, мазмуни тушунилиши, ҳис этилиши, уни титратиши, сўнгра аъзоларга ўтиб, уларни Аллоҳ томон тортиши ва ниҳоят баданимиздан атрофга тарқала бошлаши лозим.

3. Аллоҳ таоло бу дунёда Раҳмон, охиратда эса Раҳимдир. Чунки Унинг раҳмлилиги бу дунёда мўминуну кофирга, охиратда эса фақат муслмонларгадир.

4. Муслмон эртасидан қўрқмайди. Бутун борлиқнинг эгаси Аллоҳ бўлгач, нимадан ҳам қўрқсин?! Оч қолса, ризқ бергувчиси бор. Бошига оғир иш тушса, ҳал қилгувчиси бор. Яна нимадан қўрқсин?!

5. Аллоҳга бизга кўринадиган ва кўринмайдиган неъматлари учун ҳамд айтамыз.

6. «**Сенгагина ибодат қиламиз**» жумласи ёлғиз Аллоҳга ибодат қилувчилар ва Унинг ибодатидан бош тортувчилар ўртасидаги доимий курашга ишорадир.

7. Биз барча кўрсатмаларни ўзимизга ўхшаганлардан эмас, балки юқоридан, самодан, Аллоҳ таолодан, қудратли, олий Зотдан олувчи миллатмиз.

8. Маъбуд – буйруқларига бўйинсуниладиган, қайтариқларидан қайтиладиган Зот демақдир.

9. «**Сендангина ёрдам сўраймиз**» жумласи унга мадад беришга доимо тайёр турган куч-қувват соҳиби – Рабби борлигини уқтиради.



10. Мўмин ҳаётда Аллоҳнинг дастурига қарши курашадиган, бошқаларни ўзига қул қилишга интиладиган катта кучлар билан тўқнашади. Бу курашда қудрати чекланмаган, ҳеч қачон ўлмайдиган Зотдан ёрдам ололсагина, фақат Унга суянсагина, ғолиб бўлиши мумкин.

11. «**Ўзинг неъмат берган бандаларинг йўлига бошла...**» деяётганимизда Аллоҳдан бизни пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлару солиҳлар юрган йўлга бошлашни, охиратда улар билан бирга қилишни сўраётган бўламиз. Бошқачароқ айтганда, жаннатнинг юқори даражаларига талабгорлик қиламиз. Чунки биз бирга бўлишни истаганларнинг ҳаммалари юқори даражаларга лойиқ кўрилганлардир! Шундай бўлгач, ҳаётдаги ҳаракатимиз ҳам талаб қилган даражотларимизга яраша бўлиши керак эмасми?

## БАҚАРА СУРАСИ

1. Кўриш ва эшитишимиз чекланган бўлганидек, ақлимиз ҳам чеклангандир.

2. Мўминнинг ҳаётдаги мақсадини ва унга элтувчи йўлни Аллоҳ белгилаб беради. Мақсади йўқ одамга эса йўл кўрсатишнинг маъноси йўқ.

3. Қуръонда келган буйруқларни бажаришимизга ундайдиган асосий сабаб унинг Оламлар Яратувчисидан келганидир.

4. Дунёдаги неъматлар сени ташлаб кетади ёки сен уни ташлаб кетасан. Бари ўткинчидир.

5. Ҳамма бало инсоннинг бу дунёда бор-йўғи Аллоҳнинг ожиз бандаси эканини англамасдан, кеккайиши, «Қил!» дейилган ишни қилмаслиги ва «Қилма!» дейилган ишни қилишидан келади.

6. Пайғамбар алайҳиссалом сийратлари тарихларнинг онаси ва дурдонасидир.

7. Одам алайҳиссаломнинг жаннатда бошидан ўтказган воқеаларини диққат билан ўрганиш керак. Чунки Ислому ақидасининг асоси шунда мужассам бўлган. Буйруқ ва қайтариқ, Буюрувчи ва буюрилувчи, адаштирувчи шайтон ва тавба қилувчи банда... буларнинг барчаси шу қиссада.

8. Одам алайҳиссаломнинг жаннатдаги ҳолатларини муҳим вазифага тайёрланувчи инсоннинг ҳолатига, Аллоҳнинг дастуриламалини дунёда татиқ этиш бўйича амалий машғулотга ўхшатиш мумкин.

9. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломнинг тавбаларини қабул қилди. Бу билан унинг Ер юзида ўз вазифасини фикри-ўйи олдин қилган гуноҳлари билан банд бўлмаган ҳолда бошлашига йўл очди.

10. Мўмин одам Аллоҳнинг яратиш қўйган сабабларидан, воситаларидан жуда унумли фойдаланади. Уларни Аллоҳнинг душманларига бериш қўймайди.

11. Имонда «Қандай?», илмда эса «Нима учун?» деган савол бўлмайди. Мисол учун, ўлимдан кейин тирилиш борлигини биламиз, аммо қандайлигини билмаймиз. Водород билан кислород бирлашиб, сув бўлишини биламиз, аммо нима учунлигини билмаймиз.

12. Мўмин ўз ихтиёрини ўзи истаб, Аллоҳга топширган инсондир. Аллоҳ биздан ихтиёримизни олса, бизга ундан-да қимматлироғини – жаннатни беради.

13. Аллоҳ бандалар учун Ўзини ўзгартирмайди. У ўзгармас Зот. Бироқ бандалар Аллоҳ учун ўзгаришлари лозим.



14. Аллоҳнинг дастуриламалини қувват билан тутганларгина уни бошқаларга қувват билан ўргатишлари мумкин.

15. Қуръондаги буйруқ ва қайтариқларнинг ҳикмати уларга амал қилганингда юзага чиқади.

16. Бирор иш амалга ошиши учун талаб этилган омилларнинг жам бўлиши етарли эмас. Балки шу омилларни яратган Зотнинг изни, рухсати ҳам керак.

17. Аллоҳнинг ҳикматига кўра, пайғамбар алай-хиссаломлар илк бошда заиф ҳолда бўладилар. Бу уларга ким ўз ихтиёри билан эргашмоғини аниқлаш учун зарур.

18. Аллоҳ дунёда ёмонликнинг мавжудлигини унинг кўпайиб, тарқалиши учун эмас, балки одамлар ўзларини ундан узоқроқ тутишларини синаш учун хоҳлади.

19. Диннинг буюрган вазифадан ортиғини ўзингга юклама!

20. Аҳли китобларнинг тутган йўллари, динлари нафсларининг истакларини ҳозир у нозир қилишдан иборат.

21. Аллоҳ мўминларнинг дунё матоҳларидан самовий кўрсатмалар асосида фойдаланиб яшашларини истайди.

22. Дин инсонларни ўзларининг ва ўзларига ўхшаган инсонларнинг ҳавою нафсларидан сақлаш учун керак.

23. Имон – неъмат. Имоннинг талабларини бажариш эса тўла-тўқис неъматдир.

24. Олам Аллоҳнинг буюк сифатлари кўринадиган макондир.

25. Оятал курсида Аллоҳнинг ўн етита исми боғловчиларсиз келади. Ва бизга У Зот ҳақида тасаввур беради.



26. Буйруқ ва қайтариқларга амал қилиш машаққатига чидаган банда унинг ҳаловатига ҳам эришади.

27. Ҳаётдаги воқеалар, одамлардан етадиган азиятлар ўз қувват манбасидан узилиб қолган инсонгагина ҳукмини ўтказа олади. Қувват манбаини маҳкам ушлаган инсонга ҳеч ким ва ҳеч нарса таъсир қила олмайди.

28. Еру осмонлар Аллоҳнинг мулкидир. Ҳеч бир ақл эгаси ўз мулкни ўзи вайрон қилмайди. Кўзимизга шундай бўлиб кўринса ҳам, аслида барча ишлар мулкни обод қилиш учундир.

29. Ҳаётнинг учун керакли бўлган омилларга эътиборли бўл, Яратган Зотга эса суян. Омиллар қанчалик мукаммал бўлмасин, улар яратган Зотнинг изнисиз ҳеч нарса қилолмайди.

30. Коинотдаги мавжудотлар ўз ажойибу ғаройибликлари билан уларни яратган Зотнинг нақадар қудратли, ҳамма нарсага қодирлигига ишора қиладилар.

31. Аллоҳ яратувчинг, отанг эса туғилишинг сабабчисидир, холос.

32. Ҳақ сўзни эшита олмаган инсон кардир, ҳақ ишни кўра олмаган инсон – сўқир, ҳақни сўзламаган одам эса соқовдир.

33. Аллоҳ йўлига қарши борган ҳар бир кимса – шайтон.

34. Кимгадир совға бериб «хато қилибман» дейиш, бермай тўғри қилибман, дейишдан яхши.

35. Аллоҳнинг бизга буйруқ ва қайтариқлар билан хитоб қилиши биз учун шарафдир. Чунки у Зот Ўзи севганларгагина шундай хитоб қилади.

36. Беҳисоб ибодат қилган бандага Аллоҳ ҳам беҳисоб неъмат беради.



37. Қуръон ўлчовлар (мезон, меъёр, қайси назар билан қараш) дастуридир.

38. Ибодатга берилишдан олдин ибодат қилинувчига берил!

39. Тақво Аллоҳнинг дастурини маҳкам тутиш орқали ҳаёт муаммоларидан сақланишдир.

40. Ким мағфиратни истаса ва истагига яраша ҳаракатда бўлса, Аллоҳ ўшани мағфират қилади.

41. Муҳаммад алайҳиссаломнинг уммати инсонларнинг Аллоҳ тарафидан инъом этилган шарафини, обрўсини ҳамда танлаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўлида Аллоҳдан ваколат олган умматдир.

42. Бир яхшиликни амалга оширсанг, асло гурурланма! Аввало шу яхшиликка йўл кўрсатган, сўнг уни бажаришга қувват берган Зотни эсга ол.

43. Масжидлар – инсонларни ўз Яратувчиси билан боғлаб турадиган жой. Коинотнинг эгаси борлигини ёдга солиб, инсонга бандалигини, яратган Зотнинг дастури билан яшаш кераклигини эслатиб турадиган макон.

## ОЛИ ИМРОН СУРАСИ

1. Воқеа-ҳодисаларни уларга боғланган ҳикматлардан ажратмаган ҳолда кўришимиз керак. Воқеалар ўз ҳикматларидан узилса, маъносини йўқотади.

2. Бир иш амалга ошиши учун вақтга, жойга, қувватга, сабабга, таъсир кўрсатувчига ва бутаясирни қабул қилувчига эҳтиёж бор. Буларнинг бирортаси банданинг қўлида эмас.

3. Аллоҳ ўлимнинг вақти, жойи ва сабаби ҳақида маълумот бермаслик билан бизнинг ҳар вақтда, ҳар жойда ва ҳар ҳолатда унга тайёр туришимизни

хоҳлади. Бир нарса ҳақида мутлақо маълумот бермаслик унга доимо тайёр туришни тақозо қилади.

4. Банданинг Аллоҳга қилган муомаласига қараб Аллоҳ ҳам унга шундай муомала қилади.

5. Гуноҳ қилаётган одам унга бериладиган жазони ҳам ўйласа, қўли гуноҳга бормай қолади.

6. Менинг ихтиёримсиз бошимга келадиган мусибатларга қараб: «Буларнинг менга юборилишида бир хикмат бор. Чунки уни жўнатган Зот оламлар Парвардигоридир», дейман.

7. Содик, ростгўй одам деб қилган ҳар бир ҳаракати Аллоҳга берган ваъдасига тўғри келган инсонга айтилади.

8. Аллоҳнинг бир инсонни, бирор жойни ёки бир вақтни танлаб олиши уни шунчаки эркалитиш учун эмас, балки унга берилган барака, файз-марҳаматнинг бошқаларга ҳам тарқashi учундир.

9. Инсоннинг бахтсиз бўлишига сабаб ҳаётдаги асосий мақсадни билмаслигидир.

10. «Аллоҳ тақводорларни яхши кўради», дегани тақво қилиш сифатига эга бўлган инсонларни севади, деганидир. Демак, инсоннинг ўзи эмас, балки у эга бўлган сифат муҳим экан.

11. Эй Аллоҳнинг йўлига юришни истамайдиган одам! Сенга қанақа йўл керак ўзи?! Сени бахтга етаклайдиган йўлни қаердан топмоқчисан? Коинотнинг яккаю ёлғиз Илоҳи берган йўлдан воз кечиб, ўзинг сингари заиф, бугун бору эртага йўқ инсонлардан олмоқчимисан бу йўлни?

12. Ухуд жангида Ислом душманлари зафар қозонди. Ислом қонун-қоидаларидан чиққан мусулмонлар азиятда қолдилар. Аллоҳнинг кўрсатмалари бузилган ҳолатда ҳам фойда келаверганида эди, ушбу кўрсатмаларнинг ҳаёт учун



нақадар зарурлиги ва муҳимлиги шубҳа остида қолган бўларди.

13. Менга Аллоҳнинг ҳукмларини бузиб муомала қилган одамга У Зотнинг ҳукмларини жой-жойига қўйиб жавоб қайтараман.

14. Аллоҳ сен тарафда бўлишини истасанг, Унинг газабини келтирма ва оғир бўлса ҳам, У кўрсатган йўлда бўл!

15. Ким учун ишлаган бўлсанг, ҳақини ҳам ўшандан ол!

16. Ҳаётни берган Зотдан бошқаси ололмайди.

17. Бизга ато қилган неъматлари туфайли Аллоҳни севишимиз мумкин. Лекин гап У Зотнинг бизни севишида! Унинг кўрсатмаларини бажариб, Унга суюкли бўлиб юришимизда!

18. Аллоҳнинг бериши бир неъмат бўлса, бермаслиги ҳам бир неъмат.

19. Аллоҳга бўлган ишончинг сени Ундан ёрдам олишга ҳақли қилади. Сендан талаб этилгани – Унинг кўрсатмаларини маҳкам ушлаб, йўлингда давом этишинг. Унинг ёрдамини йўлда кетаётиб учратасан. Энг катта ёрдам энг заиф пайтингда келади.

20. Вақтнинг қадр-қиммати унда бажарилган амалларга боғлиқ. Амаллар яхши бўлса, вақт ҳам яхши. Амаллар ёмон бўлса, вақт ҳам ёмон.

21. Имон – бу охири йўқ Зотга боғланишдир. Шундай экан, имон учун бериладиган мукофот (яъни, жаннат) ҳам чексиз бўлади.

## НИСО СУРАСИ

1. Тақвонинг боши – Аллоҳга ишониш.

2. Бир ҳукмга амал қилсанг, унинг ҳеч бир қиррасини назардан қочирма, акс ҳолда одамларда Аллоҳнинг ҳукмларига нисбатан шубҳа уйғотасан.

3. Бошқалардаги ҳақингни олмоқчи бўлсанг, бировларнинг сендаги ҳақини бер!

4. Бугун сен атрофингдагиларга хайру саховат қилаётган бўлсанг, эртага ожиз бўлиб қолганингда сенга ҳам хайру саховат қилинади.

5. Мерос масаласидаги ўлчов аёллардир. Аллоҳ таоло: «**Эркакка икки аёлнинг улушича тегади**», дейди. Ваҳоланки, «Эркак аёлдан икки баробар кўп олади», дейилиши ҳам мумкин эди-ку.

6. Аллоҳ таоло Ўзининг фазлу марҳаматини бутун инсонлар ўртасида тарқатиб юборган. Шунинг учун ҳам ҳамманинг иши бир-бирига тушиб туради.

7. Аллоҳнинг чексиз баракаси бутун борлиққа ёғилиб тургани ҳолда, баъзи хонадонларнинг бу файз-баракотдан маҳрум қолаётганини кўриб, ўйланиб қоласан. Бунинг, албатта, сабаби бор! Одам Аллоҳнинг баракасини қабул қилиб олишдан ожиз қолаётган бўлса, бу унинг Аллоҳ кўрсатмаларидан узоқлиги аломатидир. Киши борлиқ бўйлаб тарқалаётган баракани тутиб ололмаётган бўлса, айбни ўзидан ахтариши керак.

8. Мол – ҳаракат меваси. Ҳаракат меҳнат, машаққатсиз бўлмайди. Ҳар қандай инсон меҳнатининг самарасини кўришни истайди. Бу йўлда, керак бўлса, қўлига қурол ҳам олади. Одамлар ўз меҳнатлари самарасини кўрмаган ерда иқтисодий тараққиёт йўқ.



9. Модомики, инсонни Аллоҳ яратган экан, унга нима фойдаю нима зиёнлигини ҳам У белгилаб беришга ҳақли. Инсонни Аллоҳ яратса-ю, унга керакли йўл-йўриқларни инсонларнинг ўзлари ўйлаб топишлари ғирт адолатсизликдир. Чунки ожиз инсон ўзи каби яна бир ожизга қандай йўл кўрсата олади? Ўзи билмайдиган нарсалар ҳақида нечоғли ишонч билан гапира олади?

10. Аллоҳнинг ҳукмларини қабул қилиб олаётганингда ушбу ҳукмнинг эркинлигингдан қанчасини олиб қўйганига қарама! Балки сенинг фойданг учун бошқаларнинг эркинлигидан қанчасини чеклаб қўйганига қара!

11. Намоз – ягона Илоҳга содиқлигимиз эълони.

12. Солиҳа аёл Раббиси унга чизиб берган чизикдан юриб, Унинг буйруқларини бажаришни уддалаётган аёлдир.

13. Бутун борлиқда сенинг Аллоҳга қуллик қилишингга тўсиқ бўладиган куч йўқ.

14. Фарзандларингга мол-мулк қолдирмоқчимисан?! Ундай бўлса, у нарсаларни Аллоҳга «омонат» қўйганинг яхши. Ундан-да омонатдорроқ зотни топа олмайсан.

15. Ҳукмларнинг татбиқ этилишида босқичма-босқичликни кузатиш мумкин. Бироқ ақида масалаларида босқичма-босқичлик йўқ.

16. Мақсадимиз – неъматлар билан эмас, уларни яратувчи Зот розилиги билан яшаш.

17. Йўл бошида бир-биридан 1° га фарқ қилган икки чизик йўл охирига бориб, минглаб километрга фарқ қилади. Бугун Аллоҳ чизган чизикдан озгина чиқишимиз эртага бу чизикдан бутунлай узоқлашиб кетишимизга олиб келади.

18. Аллоҳ нозил қилган китобларнинг асосий вазифаси бандаларни ўз Раббисига боғлашдир.

19. Маънавий бойликка бахиллик қилган одам моддий бойликка ҳам бахиллик қилади.

20. Ҳар қандай гуноҳнинг жазоси кечиктирилиши мумкин, лекин ҳасадники ундай эмас!

21. Савобдан маҳрум қолган одам ҳақиқий бечорадир.

22. Банда ўзига мусибат етганида: **«Биз Аллоҳданмиз ва Унга қайтувчимиз.** Эй Аллоҳ! Сен яратувчимсан. Менга фақат яхшиликни раво кўрасан. Чунки мен Сеникиман. Бироқ менга юборган ушбу яхшилигингни англашга ожизлик қиляпман», деса, шубҳасиз, Аллоҳ бу ҳолатнинг банда учун яхшилик эканини сал кейинроқ бўлса-да, ошкор қилади.

23. Оз муддатли лаззат эвазига узоқ муддатли азоб «сотиб олиш» банданинг ўзига қилган энг катта зулмидир.

24. Қани бир ўйлайлик-чи: охиратимизни бериб, эвазига дунёни олайликми ёки дунёмизни бериб, ўрнига охиратни олайликми?

25. Пайғамбарлар ўзларини юборган Зотдан ёрдам олиб, ғолиб бўлдилар.

26. Аллоҳ таоло бутун Ислом рукнларини намозда жамлаган:

– намоз ўқиш билан Аллоҳнинг ягона илоҳлигига, намоз амалларини Пайғамбар алайҳиссалом кўрсатганларидек қилиш билан у зотнинг Аллоҳ элчиси эканликларига гувоҳлик берамиз;

– намоз ўқир эканмиз, рўза ҳам тутамиз. Емаймиз, ичмаймиз...

– намоз ўқишга вақт ажратиш билан вақтимиздан закот чиқарамиз. Вақтсиз меҳнат йўқ. Меҳнатсиз мол-давлат бўлмайди;



– намоз ўқиётиб, қиблага юзланамиз. Бу билан гўёки ҳаж қиламиз.

27. Бир ёмон ишни қилаётган одамни кўрсанг, билгинки, бу одам шу ишини олдин ҳам қилган. Биринчи мартадаёқ Аллоҳ бандасини шарманда қилмайди, балки яширади, тўсади. Зеро, У Саттор – тўсувчидир.

28. Ақл фикрлаш эркинлигини таъминлагани эмас, фикрлаш эркинлигини тартибга солгани келган.

## МОИДА СУРАСИ

1. Мусулмон шахс Аллоҳ қўйган дастуриламалнинг ижрочисидир. Шахсий ғаразларга берилишга унинг ҳаққи йўқ.

2. Жамики яхши нарсалар ҳалол ва жамики ифлос нарсалар ҳаром қилинган. Ҳаром қилинган нарсалар кўзимизга ҳар қанча яхши бўлиб кўринмасин, уларда сира яхшилик йўқ. Бирор ниманинг яхши ёки ёмонлигини билмоқчи бўлсанг, унинг ҳукмига қара! Ҳукми ҳалол бўлса, демак, ўзи ҳам яхши.

3. Мусулмон доимо имонлилар томонида ёки имон ҳиди келганлар тарафида бўлади.

4. Азият берувчи нарсалардан қутулганинг учун таҳорат ол! Вужудинг лаззатлангани учун ғусл қил.

5. Зарарни даф қилган ва фойдани жалб қилган кишига зафар ёрدير.

6. Сабабларга безътибор бўлма, шунингдек, сабабларга алданма ҳам.

7. «Аллоҳ йўлида» дегани «Аллоҳга яқинлик ҳосил этиш, У Зотга яқин бўлиш йўлида», деганидир.

8. Қуръон ҳақиқатлари ва борлиқ ҳақиқатлари бир-бирига мутлақо зид келмайди. Аксинча, бири иккинчисини қўллаб-қувватлайди.





9. Бировдан қанча тортиб олсанг, сендан ҳам шунча тортиб олинади.

10. Куфр имонга, ноҳақлик адолатга хизмат қилади.

11. Мусулмонга фақатгина у билан олий мақсади бир бўлган инсонгина ёрдамчи бўла олади.

12. Мўмин вазият талаб қилган сифатга жуда осонлик билан ўта олувчи шахс бўлиши лозим. У раҳм-шафқат кўрсатиш керак бўлган жойда раҳмдил, қаҳр-ғазаб талаб қилинган ерда ғазабли бўла олади.

13. Кўриш билан ўз тажрибангга эга бўлсанг, эшитиш орқали бошқалар тажрибасини жамлайсан.

14. Тавба – савоб ишлаб қолиш учун бандага берилган навбатдаги имконият.

15. Сенга бевосита хизмат қилмайдиган мавжудотлар сенга бевосита хизмат қилувчиларга хизмат қилади.



## АНЪОМ СУРАСИ

1. Борлиқдаги энг кўримсиз нарса ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмаган.

2. Қоронғилик ҳам ёруғлик каби улкан неъмат. Ёруғ хонада бир ухлаб кўргин-а! Бунга ўзинг амин бўласан.

3. Ишлар уч хил: бизга нисбатан юз берадиган ишлар (ер қимирлаши, зилзила сингари), бизнинг ўзимизда юз берадиган ишлар (юррак уриши, нафас олишимиз каби) ва биздан содир бўладиган ишлар (бошқалар билан муомала қилишимиз сингари). Бу ишларнинг аввалги иккитасида бизнинг танлов – ихиёримиз йўқ. Шунинг учун булар юзасидан савол-жавоб қилинмаймиз. Учинчиси эса, бизнинг

ихтиёримизда бўлгани учун ҳам у сабабли Яратган олдида ҳисоб берамиз.

4. «Яхши тайёрлансанг, имтиҳондан ўтиб кетасан», деган жумла ўрнига «Имтиҳондан ўтиб кетишинг учун яхши тайёрлан», деган жумлани ишлатган маъқулроқ. Кейинги жумлада мақсад аниқ намоён бўлади.

5. Кўлимиздаги неъматларни қайсидир шахсларга ёки қайсидир нарсаларга боғламайлик, уларнинг ортида чексиз қудрат эгаси – Аллоҳ турганини кўрамиз. Шунинг учун ҳам барча мақтов ва шукроналаримизни Унинг Ўзигагина айтамиз.

6. Банда Яратганнинг тақдирига рози бўлмагунича ва ҳикматини пайқаб олмагунича Яратувчи аввалги тақдирини бошқаси билан алмаштирмайди.

7. Табиб муолажа қилади, Аллоҳ эса шифо беради.

8. Аллоҳ кўрсатмаларига риоя қилмай ўтказаетган ҳаётимиз жиддийликка дахли йўқ ўйиндир, холос.

9. Фақат қалбнинг имон келтириши комил мусулмон бўлиш учун етарлимас. Чунки инсон фақат қалбдан иборат эмас. Ундан бошқа аъзолар ҳам мавжуд. Агар имон келтириш қалбнинг иши бўлса, унда кўзнинг иши, қўлнинг иши, оғизнинг иши... нималардан иборат?!

10. Бемор бўлсанг, Қуръон шифохонасига кир!

11. Ҳаётдаги мақсадингни сени шу ҳаётга нима мақсадда келтирган Зотдан сўра!

12. Восита-сабаблар қанчалик кучли ва тезкор бўлмасин, уларни ҳаракатга келтираётган Зот унданда кучли, унданда тезкор эканини унутма! Сен бутун сабаблар ичидасан, эртага эса сабабларнинг ҳам Яратувчиси олдида бўласан.

13. Яхшилик аҳли Аллоҳнинг ердаги вакиллари-дир!



14. Борлиқдаги ҳар бир нарсанинг, ҳаттоки энг кўримсиз жонзотнинг ҳам ўз вазифаси бор. Сен агар ўз вазифангни билмас экансан, демак, ҳамма нарсадан тубансан. Ўз вазифангни бил!

15. Инсон яратган қонун-қоидалар бизни кўз илғайдиган зоҳирий гуноҳлардан ҳимоялайди, холос. Илоҳий кўрсатмалар эса кўз кўрадиган ва кўра олмайдиган маънавий гуноҳлардан ҳам ҳимоя қилади.

16. Мусулмон инсон бирор яхшиликка қўл урар экан, «Мен бор-йўғи Аллоҳнинг яратган аъзоларини, уларга яширган қувватини, Унинг кўрсатмаларини бажаришга йўналтирдим, холос», деб ўйлайди.

## АЪРОФ СУРАСИ

1. Юриб кетаётган одам тўхташни хоҳлаган заҳотиёқ тўхтайди. Тўхташ учун қайси мушаклари хизмат қилаётганини ҳам билмайди. Бу жараён мисолида бир нарсанинг бўлишини истаса, уни биргина «Бўл!» деган сўзи билан бўлдира оладиган Зотнинг ирода кучини кўриш мумкин.

2. Бандалар бир-бирларидан Аллоҳдан қанчалик кўрқишлари билангина ортиқдирлар. Бошқа барча тарафдан улар тенг. Чунки менда бори сенда йўқ, сенда бор неъматлар эса менда йўқ.

3. Иблисни фаришталар билан бирга қилган нарса – унинг амали. Унинг Аллоҳ ҳузуридан қувилишига сабабчи ҳам – унинг амали.

4. Шайтон – ўз номи билан шайтон. Унинг вазифаси, қиладиган иши аниқ. Ундан ўзини эҳтиёт қилиш, унинг макридан сақланиш – инсонларнинг вазифаси («Эй Одам фарзандлари, шайтон сизларни алдаб қўймасин»).



5. «Дунё» сўзининг антоними «охират» сўзидир. Баъзилар ўйлаганидек, «дин» эмас. Дин дунё ва охиратни жамлайди. Охират дунёда қилган ишларимизга мукофот ёки жазо оладиган жойимиздир. Диннинг асосий мавзуси дунёдир.

6. **«Енглар ва ичинглар, исроф қилманглар».** Ушбу ярим оятда жамики тиббиёт мужассам.

7. **«Кўлингиздан кетган нарсага ачинманг ва Аллоҳнинг сизга берган нарсаларга хурсанд бўлиб, ўзингиздан кетманг».** Ушбу оятда маънавиятнинг асосий қонуни акс этади.

8. Амалларини имон билан адо қилувчи инсонни ушбу имоннинг Эгаси – Аллоҳ ҳимоя қилади.

9. Аллоҳ таоло бизга етарли куч-қувватни берганидан сўнггина вазифалар юклайди. Бордию куч-қувват юкланган вазифалардан оз бўлса, Унинг Ўзи кўрсатмалари билан юкланган вазифаларни камайтиради (сафарда намознинг қисқартирилиши каби).

10. Имконият доирасида ҳалол ризқ билан яша! Шунда Аллоҳ ҳар ишингда мададкор бўлади.

11. Сабабчи омилларнинг узлуксиз ишлаб туриши кўпинча бизни дунё ҳаётига суяб қўяди. Масалан, сув таъминотида узилиш бўлмаса, сув билан таъминловчи ташкилот яхши ишляпти, деб ўйлаймиз, аслида бу неъмат осмондан эканини унутиб қўямиз.

12. Ожизлигимни изҳор қилиш, Унинг буюклиги олдида бош эгишимни билдириш учун дуо қиламан. Менга нима беришни эса Ўзи билади.

13. Аллоҳнинг раҳмати эҳсон қилувчиларга яқиндир. Демак, Аллоҳнинг раҳматига яқин бўлиш ўз қўлимда экан. Яқин бўлай десанг, эҳсон қилувчилардан бўл!

14. Нафс гапига кириш озроқ дунё лаззатига эриштиради, дунё эса ўткинчи. Қуръонга, Аллоҳ-нинг дастурига эргашиш эса туганмас лаззатга эриштиради. Дунёда эришилган лаззат банданинг имконияти даражасида бўлса, Қуръонга эргашиш орқали эришилган лаззат Аллоҳнинг имкониятлари даражасида бўлади.

15. Маълумот олишдаги асосий восита эшитишдир. Ҳатто ўқиш ҳам эшитишдан ҳосил бўлади.

16. Бир кишини яхшилик томон йўналтиришга ҳам, ёмонликка йўналган кишини тўхтатиш учун ҳам куч-қувват керак. Чунки илоҳий қонунга кўра, ҳар қандай жисм унга бошқа куч таъсир қилмагунича ўзининг тинч ҳолатини ёки айни пайтда давом этаётган ҳаракатини шундайлигича сақлайди.

17. Қуръон қиссалари орқали Раббимиз бизга тарихни бошдан-оёқ сўзлаб беришни эмас, балки мозийдан керакли хулосалар чиқаришни ўргатади.

18. «Аллоҳ пешонамизга ёзиб қўйган нарсаси учун нега бизга жазо беради?» дейдиганлар «Аллоҳ пешонамизга ёзиб қўйган яхши амаллар учун бизга нега мукофот бериши керак?» деб ҳам айтармиканлар?..

## АНФОЛ СУРАСИ

1. Аллоҳ бутун борлиққа «сабаб ва натижа» қоида-сини жорий қилди. Бироқ бу қоидадан мустасно ҳолатларни ҳам пайдо қилиб қўйди. Бундай ҳолатларни борлиқ қонунларидан ҳам юксак куч борлигини кўрсатиш учун яратган Қудрат уларни ўзгартиришга, кучдан қолдиришга қодирлигини англатиш учун мавжуд қилди. Шундай экан, бир ишни юзага келтирувчи сабаблар – омиллар сенга



оғирлик қилса, асло умидсизланма! Балки «Ушбу сабабларни яратган Зот менинг Раббимдир! Унинг иродаси ҳар қандай қонуниятдан устундир», дегинда, аъзоларингни ишга сол. Қалбинг эса таваккулда бўлсин!

2. Модомики, банда Аллоҳни илоҳ деб қабул қилган экан, Унинг дастуриламалини ҳимоя этиш ҳам банданинг зиммасига тушади. Чунки дастурнинг йўқолмасдан доимо мавжуд бўлиб туриши банданинг фойдасига ишлайди.

3. Банда доим шошилади, ҳовлиқади. Аллоҳ эса ишлар мўлжалланган ерига етиб келмагунича шошилмайди.

4. Агар бир қавмни бало қоплаганини кўрсанг, билгин-ки, уларнинг қалблари Аллоҳ томон ўзгармаган.

5. Мўмин ўз инон-ихтиёрини Аллоҳга топшириш билан Унгагина боғланган бандадир. У Ватанига, оиласига боғланган эмас. Шунинг учун исталганда сафар қила олади. У молига боғланган эмас, шу сабабдан истаганида уни сарфлай олади. У ҳатто ўзига ҳам боғланган эмас, шунинг учун исталганда ўзини қурбон қила олади. У фақат ва фақат Раббисига боғланган.

## ТАВБА СУРАСИ

1. Аллоҳ золимни золимлиги сабабли ҳидоят қилмас.

2. Аллоҳга имон келтириш, ихтиёримизни Унга топшириш, ўзимизни Унинг дастурига топшириш демақдир.

3. Мўминнинг кучи – Аллоҳ.

4. Ўлчовларимизнинг бой бўлиши моддий жиҳатдан бой бўлишимиздан кўра муҳимроқ.

5. Аллоҳнинг қиз фарзандлар сифатида берган совғасини ўғил фарзандлар сифатида берган совғасидек қабул қилсаларингиз, Аллоҳ сизларни хаёлларингизга ҳам келмаган нарсалар билан мукофотлайди. У зот шундай қиладики, умр йўлдошлари назарида у қизлар бебаҳога айланади. Куёвларингизни сизга ўғилларингиздан-да меҳрибонроқ қилиб қўяди. Агар эри тарафидан эҳтиром этилаётган аёлни кўрсанг, билгинки, унинг отаси Раббисининг совғасини розилик ила, хурсандлик билан қабул қилган.

6. Пайғамбарларни юборган Зот уларнинг мағлуб бўлишига йўл қўярмиди? Албатта, йўқ!

7. Модомики, инсонга танлов имконияти берилган экан, унинг нотўғри танловларига чек қўядиган, барҳам берадиган уруш деган нарса ҳам мавжуд бўлаверади.

8. Куфр – Аллоҳ таолога нисбатан қилинган энг катта хиёнат.

9. «Нега одамларнинг баъзилари бой ва баъзилари камбағал?» деган саволга жавоб шуки, кеча кундузни, аёл эркакни тўлдирганидек, улар ҳам бир-бирини тўлдиради. Уларнинг ҳар бири иккинчиси учун зарур. Ҳар бирининг алоҳида-алоҳида вазифалари бор. Улар асло бир-бирига қарама-қарши эмас.

10. Бой одам ўз бўйнидаги фарзни бажариш учун камбағал одамга муҳтож. Камбағал эса бўйнидаги фарзларини бойсиз ҳам уддалай олади.

11. Нафсинг бирор гуноҳ ишни қиласан, деб тинчлик бермаса, унга айт: «Эй нафсим, ақлингни ишлат! Агар айтганларингни қиладиган бўлсам, сенга ёмонлик қилган бўламан-ку. Сени абадий



лаззатдан, роҳатдан маҳрум қилиб қўяман-ку, ахир...»

12. Эй мўмин одам! Бирор ишга етарли қобилиятинг бўлмаса, хавотирланма. Мўмин биродарларинг ичида сен излаган қобилият эгалари бор. Ўшалардан ёрдам ол! Улар сенга ҳатто ўзларига ҳам қилмаган яхшиликларни қилишлари мумкин.

13. Аллоҳ таоло ғайб, шунинг учун ишларини ҳам ғай-бий амалга оширади.

14. Кимки ваъда бериб, устидан чиқмаган бўлса, жазолайман, деб жазоламаган бўлса, ҳаётда бузғунчилик қилибди.

15. Ақли одам Аллоҳнинг берган имкониятидан фойдаланиб, яна янги имкониятларга эга бўлади.

16. Аллоҳга Унинг ҳақиқатда ибодатга лойиқ Зот бўлгани учунгина ибодат қилганларга буюк ютуқ – Аллоҳнинг розилиги бўлгай.

17. Қуръон бизга аввало мақсадни, ғояни севдиради. Кейин ғояга эришиш йўлларини кўрсатади.

18. Бойлар ҳар хил бўлади: моли билан бой, соғлиги билан бой, кучи билан бой...

19. Мўмин Аллоҳнинг жазолашини кутиб ўтирмайди. Балки нотўғри иши учун ўзини ўзи жазолашга шошилади.





## ЮНУС СУРАСИ

1. Саҳобалардан бирор киши «хуруфи муқоттаъот»ларнинг маъноси ҳақида Пайғамбар алайҳиссаломдан сўрамаган. Чунки ҳарфларнинг ўқилиш оҳанги, қалбга таъсир этишидан унинг Аллоҳ таоло ҳузуриданлиги сезилиб турарди. Аллоҳ ҳузуридан келган нарсани эса ақл идрок қилолмаса ҳам, қалб ҳеч қаршиликсиз қабул қилаверади.

2. Намоз, рўза... бизга куч-қувват беради. Бу қувватни қабул қилиб олгач, уни бошқа амалларни бажаришга сарфлаш керак эмасми?

3. Яхши инсонни ҳурмат қил! «Яхши бўлса – ўзига», дема! Чунки унинг яхшилиги бу дунёда сенга гўзал муомаласи, хайр-эҳсоли билан фойда келтирса, охиратда шафоати билан наф келтиради.

4. Аъзоларнинг қаердалигини билмай яшаяпсанми, демак, саломатсан.

5. Аллоҳ йўлидан узоқлашишнинг сабаби иккита:

- 1) ғафлат (инсоннинг яшаш моҳиятини унутиши);
- 2) ота-боболарга кўр-кўрона тақлид.

6. Борлиқдаги бутун ҳаракатларнинг келиб чиқиш сабабларини излаб кўрсак, барчаси Аллоҳга бориб тақалишини кўрамиз.

7. Пайғамбарлар ва уларнинг издошлари уларга қанча одам эргашганига қараб эмас, ўз вазифаларини қай даражада бажарганларига қараб муқофотланадилар.

8. Фиръавни фиръавн қилган – атрофидаги жоҳиллардир.

9. Мўминнинг муаммоси қанчалик катта бўлса, Аллоҳнинг кўмаги ҳам шунчалик катта бўлади.



10. Аллоҳдан бошқага ибодат қилиш аслида шайтонга ибодат қилишдир. Демак, бундай одамлар шайтондан ҳам бадбахтроқдирлар.

11. Ислом бойлик ва мансаб ваъда қилмайди, нажот ваъда қилади. Ҳақиқий бойлик солиҳ амалдир.

12. Кофирнинг психологияси манманлик, хомхаёллар ва жоҳиллик устига қурилган.

13. Имон ва солиҳ амалларнинг мукофоти илоҳий муҳаббатдир. Бунда банд ҳеч қандай ташвиқотсиз бошқалар томонидан севилади.

14. Инсон ваъдасида турмагани учун жаннатдан ҳайдалди.

15. Инсоннинг бадани Аллоҳнинг қонунларига бўйсундириш қолди, холос.

16. Гуноҳ фақат ният эмас, балки қилинган амалдир. Шунинг учун тавба ҳам фақат ният билан эмас, амал билан бўлиши керак.

17. Нажот топмасликнинг асосий сабаби – кофирлик, фақирлик эмас.

18. Аллоҳнинг биздан истагани – зикр, шукр, фикр.

19. Бир нарсанинг ўзи ҳам, изи ҳам кўринмаса, у ҳақдаги хабарни Аллоҳдан келган хабарлардан билиб оламиз. Масалан, фариштани биз кўрмаймиз, изи ҳам йўқ. Нарсанинг ўзи ҳам, изи ҳам кўриниб турса, у ҳақда бизга сезгиларимиз хабар беради. Масалан, от ўтиб кетяпти, изи ҳам кўриниб турибди. Бордию нарсанинг ўзи кўринмаса-да, изи мавжуд бўлса, бу ҳақда ақлимиз хабар беради. Масалан, атрофда от кўринмаяпти, лекин от туёғининг излари мавжуд. Бу ердан от ўтганини ақлимиз айтади.

20. Ниятда риё бўлмайди. Шунинг учун Аллоҳ амалга бермаган савобини ниятга беради.

21. Аллоҳим, мени Қуръонни кечаси ўқиб, кундузи унга амал қилувчилардан қилгин!

Илм → сукут → тинглаш → асраш → амал → ёйиш.

23. Қуръонда айрим сўзларнинг такрорланиши: дунё – 115; охират – 115; фаришта – 88; шайтон – 88; ҳаёт – 145; ўлим – 145; кечириш – 234; жазо – 117; енгиллик – 36; қийинчилик – 12.

## ҲУД СУРАСИ

1. Келаётган зарарни даф қилиш ва ундан кейингина фойдага кўз тикиш – олтин қоидалардан бири. Ҳатто «Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат ва фақат ҳақ илоҳ – Аллоҳ бор», деганимизда ҳам шу қоидага риоя қиламиз.

2. Ризқ – банданинг Аллоҳдаги ҳақи. Аллоҳ эса банданинг ҳақиға вафоли Зот.

3. Жиноятга жазо тайинлашдан мақсад бўлғуси жиноятнинг олдини олишдир.

4. Мўмин ибодатни ўзини бошқалардан устун қўйиш учун воситага айлантирмайди.

5. «**Кун фаякун**» оятининг моҳияти Аллоҳнинг «Бўл!» амрини талаффуз қилишида эмас, балки У бирор нарсани ҳаёт сахнасига чиқаришни исташи биланоқ унинг содир бўлишидадир.

6. Ҳар бир иш муайян куч талаб қилади: жисмоний иш – мускул кучи, ақлий иш – фикр кучи, киборларга қарши чиқиш – шижоат кучи, қалбларни юмшатиш эса ҳалимлик кучини талаб этади.

7. Ёмон амал ўғилни отадан ажратади. Нуҳ алай-хиссаломнинг амалига қаранг-у, ўғлининг амалига қаранг! Гап қондошлиқда эмас, амалдошлиқда.

8. Қуёш нури баданни қорайтиради, лекин оқ сочи қорайтирмайди. Офтобда қолган баъзи қора



нарса оқара бошлайди. Бу нурни қабул қилувчиларнинг турлилигидан келиб чиқади. Аллоҳнинг нури ҳам, азоби ҳам худди шундай таъсир қилади.

9. Бугун биз фойдаланаётган нарсалар – биздан олдингилар меҳнатининг самараси. Эртага биздан кейин келадиганларга нималар қолдириб кетяпмиз?

10. «Ортга қараманг» иборасининг яна бир маъноси – «Ортингизда қолдираётган нарсаларингизга, яъни мол-дунё, эл-юртларингизга қалбан боғланманг. Аллоҳ уларнинг ўрнини ундан ҳам яхшиси билан тўлдиради».

11. Тўғри ниятимиз Раббимиз хатоларимизни афв этишига олган кафолатимиздир.

12. Олам – Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса.

13. Аллоҳ таоло, гарчи кофир бўлса-да, одамлар бир-бирига зулм қилмайдиган жамиятни юксалтиради. Бандаларнинг ҳақ-ҳуқуқи Аллоҳ учун шунчалар аҳамиятли.

## ЮСУФ СУРАСИ

1. Тарих воқеалари баъзан якка шахс атрофида айланади.

2. Ёшлик ва қарилик, севги ва ҳасад, мулк ва қуллик, зулм ва адолат – буларнинг бари ушбу қиссада мужассам.

3. Қуёш, ой ва юлдузларнинг бир пайтда кўриниши – мўъжиза. Миллионлаб юлдузлар ичида ўн биттасининг алоҳида ажралиб кўриниши – яна бир мўъжиза. Уларнинг самода туриб Юсуф алай-ҳиссаломга таъзим қилишлари – мўъжиза устига мўъжиза.

4. Яхши туш одам қалбига нур олиб киради. Уни шодлантиради. Йиллар давомида унинг амалга

ошиши, ҳаётга кўчиши эса шодликка яна шодлик қўшади.

5. Нотўғри асосга қурилган фикрдан нотўғри хулосалар келиб чиқади. Юсуфнинг акалари: «Юсуф отамизга биздан кўра суюклироқ», дедилар. Бу гапнинг ортидан уларга: «Отамиз хато қилаётир», деган фикр келди. Ундан эса: «Юсуфни ўлдириш керак», деган хулоса чиқди. Агар улар оталари уларни ҳам суйишини («Биздан кўра суюклироқ» дегани «Биз ҳам суюклимиз, лекин у кўпроқ суюкли» дегани бўлади), ёшларининг катталигию Юсуфнинг кичкинтой эканини мулоҳаза этганларида оталари ва Юсуф алайҳиссалом ҳақларидаги нотўғри хулосаларга келмасмидилар...

6. Қабих иш қилаётган одам бажараётган ишининг нотўғри эканини ҳам билади. Акс ҳолда Миср вазирининг хотини Юсуфни йўлдан уриш учун эшикларни яхшилаб тамбалармиди?!

7. Юсуф алайҳиссалом қамоқдагиларнинг тушларини таъбир қилишдан олдин ундан ҳам зарурроқ, муҳимроқ масалани – тавҳидни баён қилдилар. Бу билан ўзларидаги тушларни таъбир қилиш кучининг манбасини кўрсатиб ўтдилар гўё.

8. Банда ҳар ишда қонуниятларга риоя этса, қонуният эгаси – Аллоҳ бу бандага қонуниятлар берадиганидан ҳам каттароғини беради.



## РАЪД СУРАСИ

1. Мўмин «Аллоҳ» лафзини талаффуз қилаётганида бутун юсак сифатларни ўзида жамлаган сўзни, қудратли, эшитгувчи, билгувчи, кўрувчи, ўлдирувчи, тирилтирувчи... маъноларини қамраган калимани айтаётганини ҳис этади.

2. Қилинаётган ҳар қандай ишнинг асорати қолади. Бу асорат охират билан туташади.

3. Биз лол қолиб боқаётган нарсалар бизга гўё «Мени яратган Зотга нега бўйсунмаяпсан?» деяётгандай...

4. Аллоҳ биргина чакмоқдан, истаса, мўл-кўл ёмғирни, истаса, бало-офат келтирувчи яшинни пайдо этади. Истаса, уни кимларгадир раҳмат, кимларгадир кулфат қилади.

142 5. Момақалди роқнинг овози – тасбеҳи бутун коинот садосига кўшилиб, уйғунлашиб кетади.

6. Бутун борлиқ Аллоҳнинг амри билан Ўзининг амрига бўйсундирилади.

7. Жаннатдагилар сабабларга эмас, сабабларнинг Сабабчиси – Аллоҳга боғланиб яшайдилар.

8. Ақлли одам имкониятидаги барча кучини ўзининг Аллоҳ раҳматига боғланиши учун сарфлаган инсондир.

9. Сабаблар, яъни қонуниятлар ожиз қолган вақтда уларни пайдо қилган Зот Ўзининг қудратини кўрсатади.

10. Бечора санамлар, бутлар?.. Номларини ҳам одамлар қўйган... Ана илоҳу мана илоҳ! Ҳақиқий илоҳга бошқалар ном қўядими? Йўқ, ҳақиқий Илоҳ ўзига ўзи ном қўяди!

11. Ҳар қандай амал қилувчи меҳнатининг натижасини тезроқ кўришга ошиқади. Бизга сир бўлган ҳикматлар туфайли баъзан натижанинг келиши амал қилувчининг умридан ҳам чўзилиб кетади. Шунга биноан киши эккан дарахтининг меvasини тезроқ олишга шошилмагани маъқул. Балки биз экиб, биздан кейингилар мева олишар.

12. Адолатли ҳукм тезкор ижроси билан кучли.

## ИБРОҲИМ СУРАСИ

1. Залолат уч босқич:

1) дунёни ўта даражада яхши кўриш;

2) Аллоҳнинг йўлидан тўсиш;

3) Аллоҳнинг амрларини хунук қилиб кўрсатиш.

2. Тақлидчи жамиятда ривожланиш бўлмайди.

3. Уддасидан чиқа олмаслигини билиб туриб ҳам ваъда бериш шайтонга хос.

4. **«Имон келтирган бандаларимга айтинг!»** ояти Аллоҳнинг кўрсатмаларини кўзлари тўрт бўлиб кутаётган бандалар борлигига ва уларнинг ҳожатларидан доимо бохабар Раббимиз мавжудлигига ишора қилади.

5. Илоҳий кўрсатмаларни муҳаббат билан бажарганга иккита савоб бор: бири – кўрсатмага муҳаббат кўрсатганига, иккинчиси – бажарганига.

## ҲИЖР СУРАСИ

1. Ушбу сура инсон ҳаракатини тартибга солувчи Китоб зикри билан бошланди. Ундан кейин инсоннинг моддий борлиғи ҳақида сўзлаб берди.

2. Қуръон мубиндир. Яъни, ўз оятларини ўзи очиб беради. Шунингдек, ўзидан бошқа нарсаларнинг ҳақиқатини ҳам ошкор этади.



3. Атрофда бирор камбағални кўрсанг, билгинки, қаердадир унга эҳсон қилишга бахиллик қилаётган бой бор. Бирор билимсизни кўрсанг, билгинки, қаердадир ундан илмини қизғанаётган олим бор. Ҳаётда йўлини топа олмаётган бир ожизни кўрсанг, билгинки, унинг учун обрў-эътиборини ишга солишдан қочаётган куч-қувватли шахс бор...

4. Барча нарса туғилиши биланоқ ўз вазифасини бажара бошлайди. Вазифаси тугаши биланоқ ўлади.

5. «Аллоҳу акбар!» – сени банд қилиб турган барча буюк нарсалардан Аллоҳ буюкроқдир, дегани.

6. Жаннатда мўминлар дунё ҳаётида ўзлари билан адоватда бўлган бошқа жаннатийларга ўзларига душманлик қилган эмас, балки яхшилик қилган дўстларидек муомалада бўладилар. Чунки улар ўзларининг адоватлари туфайли буларни кўпроқ тақво қилишга мажбур қилганлар-да!

7. Бировларнинг ёмон томонларини очишга интилиш уларнинг яхши томонларидан, яхши сифатларидан фойдаланишга тўсиқ қўяди.

8. Кимгаки Қуръон илми берилган бўлса-ю, бошқаларни ўзидан кўра бойроқ кўрса, Аллоҳ катта ҳисоблаган нарсани кичик билиб, адашибди. Қуръон дунёни ва охиратни қамраган бойлиқдир. Қуръон дунё ва охират азизлигидир.

9. **«Уларнинг имонсизликлари устида ғамгин бўлма!»** Яъни, қувватингни арзимаганларга сарфлама, балки арзийдиганларга сарфла-да, **«Мўминлар учун қанотингни паст тут»** (яъни, мудом камтар – тавозели бўл).

10. **«Мушриклардан юз ўгир»** – улар ҳақида ўйланавермай, куч-қувватингни бекорга сарф қилавермасдан, сенга кўрсатилган йўлда иккиланмай



давом эт. Шундагина натижага эришасан. Ана ўшанда уларнинг сенга келиб салом беришларини кўрасан!

11. Юрак сиқилишининг давоси – Аллоҳга тасбеҳ айтиш, ҳамд келтириш ва сажда қилиш.

12. Аллоҳга тасбеҳ айтаётганимда Унинг менга ўхшамаслигини, сифатлари сифатларимдек эмас, ишлари ишларимдек эмаслигини эътироф этган бўламан. Ва буларнинг бари менинг фойдам учун эканини ҳис этаман: «Яхшиямки, Аллоҳнинг ишлари меникидек эмас», дейман... Шуларни ўйлаб Ўзига яна бир бор ҳамд айтаман.

## НАҲЛ СУРАСИ

1. «Мен шунақа яратилган бўлсам, менда нима айб?! Мени Аллоҳ нима сабабдан азоблайди? Ҳамма нарса Унинг қўлида бўлса», дейдиган кишига нима дейиш керак? Балки мана бу жавоб тўғридир: «Сен доим яхши ёки ҳамиша ёмон ишлар қиласанми? Албатта, йўқ. Демак, баъзан унисини, баъзан бунисини қилишингга қараганда танлов сенинг қўлингда. Аллоҳ сени доим бир ишни қиладиган этиб эмас, балки ўз истаги бўйича хоҳлаганини қиладиган этиб яратган. Пайғамбарлари орқали қайси йўл қаёққа олиб боришини англатган. Сен: «Пешонамга ёзилгани бўлади-да», дейсан. Гўёки Лавҳул-Маҳфузни ўқиб, у ерда ёзилганлардан хабардордексан. Гўёки у ерда сен ҳақингда «Фалончи бугун ароқ ичади», деб ёзилган-у, шунинг учун мажбур ичгандексан. Агар шундай бўлганида эди, сенинг бу ишинг ибодатга айланарди. Афсуски, сен у ерда нима ёзилганини қилар ишингни қилиб бўлгач, биласан. Бирор ишни қилишга аввал сенда истак пайдо бўлган. Кейин қилгансан. Ҳалиги истагинг билан амалга оширгансан, шундай эмасми?»



Ёки қилайми, қилмайми, деб Лавҳул-Маҳфузни ўқиб кўрдингми? Аллоҳ таолонинг барча бўладиган нарсаларни азалдан билиб ёзиб қўйгани сени чалғитмасин! Чунки Унинг нима ёзганидан хабаринг йўқ. Бунинг устига Унинг ёзганлари сени ҳеч нарсага мажбурлаётгани йўқ-ку. Нима қилсанг, ўз хоҳишинг билан қиялсан. Шунинг учун жавобгар ҳам ўзингсан! Аллоҳнинг ишига аралашмасдан ўз ишинг билан машғул бўл. Аллоҳ сендан Ўзининг сен ҳақингда нима деб ёзганини эмас, сенинг нима қилганинг ҳақида сўрайди».

2. Мўминнинг азизу мукаррамлиги фарзанд кўриши ёки мол-дунё тўплаши билан эмас, Раббига бўлган имони, Пайғамбаримиз суннатига эргашиши ва мўминларга берган ёрдами билан бўлади.

3. Асал ҳар хил гуллардан олингани учун турли касаликларга даво бўла олади.

4. Эски маълумотларни бир-бирига боғлаб, янги маълумот ҳосил қилиш – фикрлаш дейилади.

## ИСРО СУРАСИ

1. Дунё аҳли орасида эмас, осмон аҳли – фаришталар орасида азизу мукаррам бўлиш муҳим.

2. Еру осмон қонуниятларини Аллоҳ тузган. Уларни истаган вақтда ўзгартириш ҳам У Зотнинг қўлида.

3. Ислом душманлари ўзлари билмаган ҳолда Исломнинг фойдасига ишлайдилар. Ўз қабих ишлари билан ғафлатдаги мусулмонларни уйғотадилар, куфрнинг нималарга олиб келишини амалий равишда кўрсатиб берадилар.

4. Қуръоннинг битта ояти ҳам – Қуръон.

5. Осмон қонунлари касаллик ёки иллатларни баргараф қиладигина эмас, балки уларнинг пайдо бўлишига йўл ҳам қўймайди.

6. Дуо банданинг ожизлиги, Аллоҳнинг эса кодирлиги ифодасидир.

7. Табиб – сабабчи, шифо эса Аллоҳдан. Аллоҳ бирор табибнинг эл назарига тушишини истаса, шифонинг келиш вақтини табибнинг муолажа вақтига тўғрилаб қўяди.

8. Мўминнинг ўзи ҳам, вужудидаги хужайралари ҳам Аллоҳнинг измида, Аллоҳнинг ибодатида, Унинг тасбеҳи, ҳамду саноси билан машғул. Мўминнинг истаги ва танасидаги заррачаларнинг истаги бир. Улар ўзаро уйғунликда, ораларида ҳеч бир зиддият йўқ. Улар бир-бирлари билан бўлишни хоҳлайдилар. Бир-бирларини тарк этгилари келмайди. Шунинг учун мўмин кўпинча бедор. Кофир бунинг тамоман акси. Унинг зарралари Аллоҳ измида, ўзи эса Иблис хизматида. Хужайралари Аллоҳга ҳамд айтса-да, ўзи У Зотни инкор этади. Кофирнинг истаги билан вужуди зарраларининг истаги бошқа-бошқа. Улар ўртасида уйғунлик йўқ. Улар бир-бирларидан нафратланадилар. Бир-бирларидан узоқроқ тургилари келади. Шунинг учун кофир кўп ухлайди. Гўёки унинг аъзолари бир лаҳза бўлса ҳам, унинг ёмонлигидан қутулмоқчи бўлаётгандек...

9. Қаршимдаги одам қайсидир тарафдан мендан паст кўринса ҳам, қайсидир тарафдан мендан устун, шубҳасиз. Бир кун келиб шу одамга ишим тушиб қолиши мумкин.

10. Муаммоларнинг муаммоси инсоннинг ўзига ажратилган ризққа хурсандлик билан рози бўлиб, унинг доирасида ҳаётини тартибга солмаслигидир.



11. Аллоҳни синама! Уни синаб кўришга уриниш кўнгилда Унга нисбатан шак-шубҳа борлигининг аломатидир. Аллоҳни синамасдан, Унинг айтганларини ҳеч иккиланмай бажар! Ана шунда натижа ҳам кўп куттирмайди.

12. Бир авлоддаги хатолар иккинчи авлодга кўчганида икки бараварга айланади: иккинчи авлоднинг ўзидаги хатолар ва биринчи авлодга кўр-кўрона тақлид қилиш орқали олинган хатолар.

13. Ризқ масаласида чуқурлашмаган маъқул. Чунки биз ўзимизни ўзимиз яратиб олмаганмиз. Бизни яратган ва яшатган Зот бизни яратишдан илгари ҳамма нарсанинг ҳисобини қилиб қўйган.

14. Шартномаларнинг энг биринчиси Аллоҳ ва банда ўртасидаги имон шартномаси бўлиб, қолган шартномалар бунинг давомидир. Келишувларимизга, шартномаларимизга вафоли бўлайлик!

15. Одамларнинг гапи бир жойдан чиқадиган моддий масалаларда Аллоҳ ҳукм чиқаришни уларнинг ўзларига ҳавола қилади. Аксинча, инсонларнинг хоҳиш-иродалари тўқнашадиган бўлса, меҳрибонлик юзасидан ҳукм чиқаришни Ўзиммасига олади.

16. Қуръон бир мавзуни турли-туман услубларда баён қилади. Чунки у турлича табиатга эга одамларга юзланмоқда. Шунинг учун ҳам унинг услублари ранг-баранг, кўтарган мавзулари хилма-хил. Улардан бирига тушунмаган киши, албатта, бошқасига тушунади.



## КАҲФ СУРАСИ

1. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ибодатдаги ихлослари Ҳазратнинг олий даргоҳга кўтарилишларига сабаб бўлди. У ерда олганлари намоз бўлди. Биз мўминлар шу намоз билан Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Меърож кечаси Жаброил алайҳиссалом ҳамроҳликларида кўтарилган мақомларга юксаламиз.

2. Роҳатнинг чўққиси – уйқу.

3. Фор эгалари яшаб ўтган вақт, жой, уларнинг адади ёки номларининг аниқ айтилмай кетишининг боиси бундай эътиқод соҳибларининг ҳар қандай вақтда, ҳар қайси жойда, турли хил сонда ва исталган миллат ичида мавжуд бўла олишлари мумкинлигига ишорадир.

4. Мол-дунё ёки фарзанд дунё зийнатидир. Асло ва асло улар дунё зарурати эмаслар. Мўмин фарзанди билан эмас, Раббига ихлоси, тақвоси билан азиз.

5. Аллоҳга қуллик инсонни азизлик ва шарафга буркайди. Бандага қуллик эса хорлик ва зорликка улоқтиради. Аллоҳга қуллик қилганларнинг Ундан нималар олганига боқинг, бандага қуллик қилганларнинг нималардан Мосуво бўлганларини кўринг.

6. Мусо алайҳиссалом пайғамбар бўлсалар ҳам, ўрганишдан, Хизрга шогирд бўлишдан уялмадилар.

7. Назарий гап бошқа, амалий иш бошқа.

8. Устозлик одобини Хизр алайҳиссаломдан, шогирдлик одобини Мусо алайҳиссаломдан ўрганайлик. Бунинг учун уларнинг айтган сўзларию қилган ишларига қарайлик.



9. Аллоҳ асрлар давомида унут бўлган Зулқарнайнни Қуръонда тилга олди, унинг номини қиёматгача ўқиладиган Китобида зикр қилди. Ҳа, яхши амал эгаси бандалар томонидан унутилса ҳам, Аллоҳ сира унутмайди. Сизга ҳавасим келди, Зулқарнайн!

10. Зулқарнайннинг иш бошқариш маҳорати ҳар бир раҳбар шахс учун дастуриламал бўлиши керак.

11. Қилган яхшилигинг Аллоҳ учун бўлмаса, бу ишингга яхши жавоб келишини кутмай қўявер! Аллоҳ бундай амални яхшилик қилинган одам тарафидан келадиган ёмон жавоблар билан жазолайди.

## МАРЯМ СУРАСИ

1. Китобни қувват билан тутиш уни ёдлаш ва унга амал қилиш билан бўлади.

2. Фаришта инсон суратига кира олганидек, инсон ҳам фаришталик сифатига эга бўла олади.

3. Раббимнинг Зоти, сифатлари ҳамда ишлари ҳар қандай нуқсондан холи эканини эътироф қиламан.

4. Аллоҳга тоат қилиб, Унинг икромига етишганлар бор. Аллоҳнинг икромидан билан Унинг тоатига етишганлар ҳам йўқ эмас.

5. Аъзоларини Аллоҳ қандай мақсад учун яратган бўлса, ўша йўлда ишлата олган киши мухлис дейилади.

6. Пайғамбарга ўхшамоқчимисиз?! Оилангиздагиларни намозга буюринг!

7. Уста ўз асбоб-анжомини ҳар куни беш маҳал мутахассисга кўрсатиб турса, ундай асбоб носоз бўла оладими? Шунингдек, инсон ўзини кунда беш маҳал намоз ила Раббига рўпара қилиб турса, асл вазифасидан чалғий оладими?

8. Аллоҳ менга мурожаат қилганда вужудимдаги барча зарраларга мурожаат қилади.

9. Ҳожилик – Аллоҳнинг шу бандасига неъмати. Ислом рукнларини тўлиқ қилиб бергани ҳақидаги эълондир. Шу номга лойиқ бўлсак – бўлди.

10. Раббим ўткинчи дунёни шунчалик зийнатлаган бўлса, абадий жаннатни қандай гўзал қилган экан-а!

11. Бекорчи гап – гапирувчининг ва эшитувчининг қувватини бекорга сарфлагани учун ҳам шундай номланган.

12. Қилмаган гуноҳинг сабабли шармандаликка қолсанг, ғам ема! Шу туфайли қилган гуноҳларинг шармандалигини Аллоҳ беркитади.

13. Мақсад бир ёқда қолиб, бор кучини воситаларга сарфлаган одам – аҳмоқ.

14. Шайтоннинг вазифаси – инсоннинг соф табиатига қарши курашиш.

15. Ёдлаган Қуръоним миямдан чиқиб кетмаслиги учун хотирамнинг кучи эмас, Раббимнинг мадади керак.

## ТОҲО СУРАСИ

1. Бахтли бўлмоқчимисан? Ундай бўлса, Қуръонни ўрган!

2. Бахтсизлик мақсадни воситадан ажратишдан, бахтлилик воситани мақсадга улашдан келади.

3. Аввал тинглаш, кейин англаш, сўнгра ёдлаб олиш, кейин амал ва ниҳоят, бошқаларга улашиш керак.

4. Намоз бизга ўзимизни эслатади.

5. Кўзбўямачилик, қўрқитиш «фиръавн»ларнинг доимий қуролидир.



6. Покланиш деганда нафақат гуноҳлардан тийилишни, балки камолот сари интилиш, том маънодаги ўсишни ҳам тушуниш лозим. Чунки покланиш деб таржима қилинадиган «тазакка» сўзи униш, ўсиш маъноларини ҳам англатади.

## АНБИЁ СУРАСИ

1. Нима менинг фойдамга бўлди-ю, нима зараримга бўлганини аниқлаш ҳисоб-китоб дейилади.

2. Пайғамбар бизнинг тушунчамиздаги «ислоҳотчи» эмас. У Аллоҳ таолонинг кўрсатмаларини етказувчи шахс.

3. Абадийлик инсонга хос сифат эмас.

4. Сен эгаси бўлган нарсаларинг сенинг Эганг бўлган Зотдан чалғитиб қўймасин. Сен Эгангни хурсанд қил, шунда сен эгалик қилаётганларинг ҳам сени хурсанд қилади.

5. Қуръони карим ўткир фаросат, чопқир заковат ва учар фаҳм талаб этувчи услубда нозил бўлди.

6. Ўлим – бутун борлиққа тарқаган ва ижобий вазифа бажарувчи ҳодиса. У туфайли яхши инсонларни ўз мукофотларини олгани Аллоҳнинг ҳузурига кузатсак, ёмон одамдан эса халос бўламиз.

7. Ўзимизнинг ким эканимизни билиб олишимиз учун синовдамиз. Аллоҳ бизни: бой ва камбағални, соғ ва касални, раҳбар ва ишчини... барча-барчамизни бир-биримиз билан синайди. Бой камбағал учун, камбағал эса бой учун синов. Қандай? Камбағал Аллоҳнинг тақдирини розилик билан қабул қиладими ёки бойга ҳасад қиладими? Қулларини шикоят билан ўтказадими ёки «Аллоҳим, анави бойни яхши ишларга муваффақ қил! Мендан ҳам марҳаматингни аяма!»





дейдими? Бой эса бойлик келгач, йўлидан адашмай-  
дими, унинг ҳақини адо этадими?

8. Шайтоннинг иши – бизни гуноҳ жарига қулатиб,  
жуфтакни ростлаш.

9. Кофирнинг мўмин устидан кулиши вақтинча ва  
муддати жуда оз. Мўминнинг кофир устидан кулиши  
эса абадий, ниҳоясиз. Чунки охират ҳаёти ниҳоясиз-  
да!

10. Қиёмат куни насабимиз, мансабимиз, эгалик  
қилган молу мулкимиз, вазнимиз эмас, балки қилган  
амалларимиз ўлчанади.

11. Ҳар қанча ноқулай кўринмасин, Иброҳим  
алайҳиссалом Исломога чақириқни оталаридан  
бошладилар. Фикр юритган одам учун бунинг бир  
неча ҳикматлари бор.

12. Иброҳим алайҳиссалом кўрган тушларини  
Исмоилга айтиш билан юз бериши мумкин бўлган  
ишлардан уни аввалроқ хабардор қилдилар. Бундан  
ташқари, қозониладиган савобга шерик бўлиши учун  
Исмоил алайҳиссаломга имконият яратдилар.

13. Илм – билиш, ҳукм – татбиқ. Аллоҳим! Бизга  
хар иккисини бер!

14. Қуръон баъзи шахсларнинг айнан кимлигини  
баён қилмаслик билан эътиборимизни улардаги  
сифатларга қаратади ва бизга «Уларнинг ким  
эканлари эмас, сифатлари муҳим. Шунга эътибор  
беринг», дейди.

15. Аёл – ақида бобида ўз фикрига эга бўлган шахс.  
Бу масалада у ҳеч кимга тобе эмас. Илоҳликни даъво  
қилган Фиръавннинг эътиқод масаласида хотини  
Осиёга кучи етмагани бунга далил бўла олади.

16. Куч-қувватнинг закоти – мазлумни ҳимоя  
қилиш.



17. Ҳар замоннинг ўз яъжуж-маъжужлари бор. Улар ҳақни таниганлар бўлиниб кетганларида, амри маъруфни тўхтатганларида пайдо бўлади.

18. Олимлар режалаштирсалар, ҳокимлар эса бажарсалар, дунё обод бўлади.

19. Сен одамларнинг ҳожатларини ихлос билан раво қилсанг, Аллоҳ бошқаларни ҳам сенинг юмушларингнинг ихлос билан раво қилишга мажбурлаб қўяди.

20. Одамнинг қадри вазифасини қандай сифатда бажариши билан ўлчанади.

## МЎМИНУН СУРАСИ

1. Аввалги сура «Шоядки, нажот топсангиз», деб якунлангач, ушбу сура «Мўминлар нажот топдилар», деб бошланяпти. Сура якунида «**Кофирлар нажот топмаслар**» ояти бор. Охиратдаги нажот – имоннинг самараси, меваси. Имондан олдин унинг самарасини айтиш орқали Раббимиз бизга «Нажот – Менга ишонган, йўлимга юрганларнинг мукофотидир», дейди.

2. Хушу қалбнинг хотиржам ҳолатда, бошқа нарсаларга чалғимасдан ўзи киришган иш билан банд бўлишидир.

3. Аллоҳ савоб бермайдиган ҳар бир иш «лағв» дейилади. Жаннат неъматларидан бири – унда лағвнинг йўқлиги. Жаннат аҳли шунча нозу неъмат ичида туриб ҳам бекор гап, бекорчи ишга қўл урмас эканлар. Бекорчи гапни, ишни кўриш тугул, эшитмас ҳам эканлар.

4. Баъзи одамлар Аллоҳнинг уларга қилган яхшиликларига кўз юмадилар, шундай бўлгач, биз

қилган яхшиликларга кўз юмилса, хафа бўлмасак ҳам бўлаверади.

5. Кирим кўпаймаса ҳам, чиқимнинг камайиши Аллоҳнинг меҳрибончилигидир.

6. Имонларини сайқаллаш, даражаларини кўтариш ва мукофотларини орттириш учун Аллоҳ мўминларни турли синовларга солиб туради.

7. Одамларнинг пайғамбарларни ёлғончига чиқаришлари аҳвол қанчалар ёмонлигининг, пайғамбар келишига эҳтиёж қанчалар катталигининг далилидир.

8. Ҳалолдан озиқланган баданнинг заррачалари бир-бири билан ҳамоҳанг бўлиб, бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Банданинг яхши амаллар қилишига кўмаклашади. Ҳаромдан озуқаланиб булганган бадан заррачалари эса бунинг тамоман аксини қилади.

9. «Бу мол-дунёни ўз кучим ва ақлим билан топганман», дейдиганларга: «Модомики, уни ўз кучинг ва ақлинг билан топган экансан, қани кўрайлик-чи, ўша топганингни қачонгача сақлаб қола олар экансан?» қабилида муомала қилинади.

## ҲАЖ СУРАСИ

1. Бизни шайтон васваса қилаётган бўлса, шайтонни ким васваса қиляпти? Демак, банданинг ичидан отилиб чиқадиган ёмонликлар ҳам бўлар экан-да!

2. Ўйлаб кўринг, агар Аллоҳ ўлимни яратмаганида ҳаёт қанчалик оғир бўлиб кетарди.

3. Раббимиз биз Унга хурсандчилик, кенгчиликда бандалик қилганимиз каби хафалик ва қийинчилик



кунларида ҳам содиқ банда бўлиб қолишимизни истайди.

4. Жаннатдаги зийнатлар соф ҳолда бўлади. Дунёдаги сингари ҳар хил элементлар қўшилмаси эмас. Шунинг учун жаннатийларга абадулабадга берилади. Уни сотишга, бошқаларга ташлаб кетишга мажбур бўлмайдилар. Бунинг устига ўз шаклини кўзни қувнатадиган даражада ўзгартириб туради.

5. Бошқа ибодатларда банда иложи борича қийинчиликдан қочади. Лекин ҳажга бораман, деб йиллар давомида маблағтўплайди. Не-не тўсиқларни енгиб ўтади. Илоҳий ирода уни ўша томонларга тортаётгани сезилиб туради.

6. Ҳаждаги одам ўзи билан, атрофдагилар билан одоб доирасида муомала қила бошлайди: ўзини гуноҳга қўл уриб қўйишдан сақлайди. Атрофидаги ҳайвонларга озор бермайди. Ўсимлик дунёсига тажовуз қилмайди. Ҳатто жонсиз тошга ҳам ҳурмат билан муносабатда бўлади. Имкон топса, уни ўпишга, имкон топмаса, қўли билан ишора қилишга ҳаракат қилади.

7. «Лаббайкаллоҳумма лаббайк»нинг маъноси – «Эй Аллоҳим! Дунё ташвишлари бир зум ўз ҳолимга қўймаса-да, Сенинг буйруғингни бажаргани «Лаббай!» дейман. Чунки Сен Яратувчимсан, мени банд қилаётган жамики нарсаларнинг Яратувчисисан».

8. Аллоҳнинг муроди У айтган ишларни бажаришимиз эмас, балки айнан У Зот буюргани учун бажаришимиздир.

9. Инсон шундай ажойиб борлиқки, унда жонсиз табиатга хос сифатлар ҳам, ўсимликка, ҳайвонга, инсонга хос бўлган хусусиятлар ҳам жамланган.

10. Қуръон мўминларни шундай тасвирлайди:



1) Ғазабини ичига ютувчилар. Яъни, ғазаб туфайли қасд олишга қўл урмайдиганлар.

2) Кечирувчилар. Улар нафақат рақибларидан қасд олмайдилар, балки уларнинг ичида ғазабга жой ҳам бўлмайди.

3) Муҳсинлар. Улар қасд ҳам олмайдилар, ичларида ғазабга жой ҳам бермайдилар ва бунинг устига, рақибларига яхшилик ҳам қиладилар. Сизга ёмонлик қилган одамга яхшилик қилиш билан унинг юрагидан кин ва адоват томирини суғуриб ташлайсиз.

11. Кофир – дунёдаги ҳақиқий хоин. Аллоҳнинг омонатига хиёнат қилган хоин. Аллоҳга берган аҳдини бузувчи хоин. Кофир: «Қанақа хиёнат, қанақа аҳд ҳақида гапирмоқдасан?» дейди. Унга қарата: «Аллоҳ сени яратганини, йўқдан бор қилганини тан оласанми?» деймиз. У: «Албатта, тан оламан», дейди. Унга: «Тан олган одам Аллоҳга ишониб, Унинг айтганларини бажара бошлаши керак бўлгани ҳолда, юз ўгириб кетиш омонатга хиёнат эмасми?!» дейиш мумкин.

12. Кўз кўрмаса, қўл билан пайпаслаб, қулоқни ишлатиб, бировдан сўраб, йўл топса бўлади. Аммо қалб кўрмаса-чи, унда нима қилиш мумкин? Унинг ўрнини нима боса олади?

13. Қиёмат – молу мулк ўз Эгасига, қонун-қонуниятлар ўз Ижодкорига қайтадиган кун.

14. Шайтон сенга заиф томонингдан ҳужум қилса, сен унга кучли томонинг билан зарба бер!

15. Осмону Ердаги нарсалар – Аллоҳнинг мулки. Лекин Унинг уларга мутлақо эҳтиёжи йўқ. Уларни бандаларининг манфаати учун яратган. Агар бирорта одам: «Нега уларни бизга доимий мулк қилиб бермаган?» деса, жавоб шуки, уларнинг доимо Аллоҳ мулки бўлиб қолиши бандалар фойдаси учундир.



Мулк берилган банда ўз мулкидан бировга зарар бериш, бировдан устун бўлиш йўлида фойдаланиши мумкин. Аллоҳ эса асло бундай қилмайди. Шунинг учун ҳам Еру осмон мулклари ҳеч ўзгармас, бандалардан доим хабардор, меҳрибон Аллоҳники бўлгани яхши.

16. У бой ва мақтовга сазовор Зотдир. Бой қачонки молу дунёси ўзидан бошқаларга наф берсагина, мақтовга лойиқ бўлади.

17. Асрлар давомида Аллоҳга ибодат қилиш қонун-қоидалари ўзгариб турган бўлса-да, ақида ва ахлоқ меъёрлари ўзгармай келмоқда.

## НУР СУРАСИ

1. Куёш Аллоҳнинг моддий нури бўлса, шариат Унинг маънавий нуридир. Моддий нурсиз яшаб бўлмаганидек, маънавий нурсиз ҳам одамга ўхшаб яшашнинг иложи йўқ.

2. Аллоҳ эркакларни кўзларини тийишга буюрди ва айни вақтда аёлларга ҳам зийнатларини кўрсатмай юришни амр қилди. Кўзни тийиш ва зийнатни яшириб юриш тўрт хил ҳолатда бўлади:

1-ҳолат: эркак кўзини тийиб юради ва аёл ҳам зийнатларини кўрсатмай юради.

2-ҳолат: эркак кўзини тияди, бироқ аёл зийнатларини ошкор қилиб юради.

3-ҳолат: эркак кўзини тиймайди, лекин аёл зийнатларини яшириб юради.

Мана шу уч ҳолатда жамиятга ҳеч қандай хавф-хатар бўлмайди. Хавф-хатар 4-ҳолатда, яъни эркак кўзини тиймаганда ва аёл ҳам зийнатларини кўрсатиб юргандагина пайдо бўлади.



3. Қуръон ҳукмларининг зиддига ишлайдиган, мусулмоннинг шаънига, кадр-қийматига тил теккизадиган хабарлар ёйишнинг зарари жуда улкан бўлади. Бу миш-мишлар нафақат ўша айбдор деб ҳисобланаётган одамни қайта-қайта жароҳатлайди, балки бошқаларни ҳам мана шунақа одамлар ва мана шундай расво ишлар борлигидан хабардор этиш орқали шу ишга қўл уришга ундайди.

4. Аллоҳ Китоб нозил қилди. Бандаларининг бу дастурга амал қилишларини севади. Бироқ банданинг қувончи амал қилишнинг ўзи билангина тугал бўлмайди. Балки Аллоҳнинг ушбу амални қабул қилиши, унга ошириб савоб бериши билангина мукамал бўлади. Ҳа, Раббимизнинг фазл-марҳамати биз учун шу қадар муҳим.

5. Шайтоннинг инсонга душманлиги қуруқ сўз эмас, амалда исботланган душманликдир. Отамиз Одамга сажда қилишдан бўйин товлаши, «Мен ундан яхшироқман», деб очиқ айтиши, Одамни жаннатдан чиқариш учун қилган васвасалари ва ҳоказолар. Раббимиз шайтон ҳақидаги оятлар орқали унинг адовати тасодифий эмаслигидан, балки пухта ўйланган, режали эканидан бизни огоҳлантирмоқда.

6. **«Эй имон келтирганлар...»** – яъни, «Эй Ягона Илоҳга ишонганлар, Унга бўлган ишончнинг қадрига етинг, бу шарафли ишончни заифлатувчи ишлардан узоқ бўлинг! Чунки шайтон ҳар бирингизнинг нозик жойингизни билади. Ўша нуқтадан туриб, ўз мақсадига етишга ҳаракат қилади. Буни фақат мустаҳкам имон билангина даф қилишингиз мумкин...»

7. Қуръон нафақат ҳукмларни баён қилувчи китоб, балки Аллоҳнинг тиловати ибодат ҳисобланадиган каломидир.



8. Жамиятнинг вазифаси – жуфти йўқларнинг эрли, хотинли бўлишларига ёрдам бериш. Бордию жамият ўз вазифасини бажармаса ва сўққабошларнинг ўзлари ҳам бунга қодир бўлмасалар, у ҳолда вақти-соати келгунича ўз ифбатларини, шарафларини матонат билан (рўза, кўзни тийиш орқали) сақлашлари лозим бўлади. Бундан кўриниб турибдики, Аллоҳнинг қонунлари ҳар қандай вазиятни эътибордан қочирмаган. Балки инсонлар Аллоҳга итоат қилган ёки умуман итоат қилмаган ҳолатларни ҳам назарда тутган.

9. Иффатини, шарафини, ҳаёсини сақлашга астойидил ҳаракат қилган мусулмон, албатта, бой бўлади. Чунки у бу қийин ишга Раббисига бўлган имони, тақвоси сабабли чидайди. Тақво эса бандани бой қилмасдан қўймайди.

10. Инсон ўз уйида қандай роҳат топса, Аллоҳнинг уйида (уйларида) ундан-да кўпроқ роҳат ва лаззат топади.

11. **«Осмонлар ва Ердаги нарсалар Аллоҳникидир».** Осмону Ернинг ўзи кимники? Албатта, улар ҳам Аллоҳники. Лекин «Осмонлар ва Ер Аллоҳникидир» дейилмаслигига сабаб одатда жойнинг қадри унинг ичидаги нарсалар билан ўлчанади. Жойнинг ўзи ичидагилардан қадрсизроқ бўлади. Масалан, омборхона ичидаги дон-дун ёки бойликлар омборхонанинг ўзидан ҳам қиммат бўлади. Шунингдек, осмону Ернинг қадри ҳам унда яшаётган ва Аллоҳга ибодат қилаётган махлуқотлар билан ўлчанади.



## ФУРҚОН СУРАСИ

1. Куръон ҳар бир ишнинг тўғриси ни нотўғриси дан ўта кескин ҳолда ажратгани учун «Фурқон» деб аталади.

2. Кофир ҳеч бир далил-исботи бўлмаган, лекин ўзига ёққан фикрга ёпишиб олади, кейин мана шу фикрнинг тўғрилигини исботлаш учун зўрма-зўраки далиллар излайди.

3. Неъматнинг ҳақи неъматни бергани унутмаслик билан адо этилади.

4. Кофирнинг фикрлаши айқаш-уйқаш: Пайғамбарнинг овқат ейиши ёки бозорга бориб савдо-сотик қилишини мясига сиғдира олмайди-ю, лекин овқат еб, бозорга борадиган одамни “худо” қилиб олишни мяси қабул қилаверади. Пайғамбар овқат ҳам ейди, бозорга ҳам боради. Чунки у ҳар ишда инсонларга ўрнатилган бўлиш учун юборилган.

5. Сув неъмат ҳам, азоб ҳам бўлиши мумкин. Бу Аллоҳнинг хоҳишига боғлиқ. Мусонинг нажотига сабаб бўлган сув, айна вақтда Фиръавни ғарқ этди. Нухни кемада кўтариб юрган сув, кофирларни ҳалок қилди.

6. Ғалаба истасанг, Аллоҳнинг қўшинидан, гуруҳидан жой ол! Сира мағлуб бўлмайсан! Бу гуруҳда бўлишнинг икки шarti бор: тўлиқ итоат ва интизом. Бордию бирор жойда енгилиб қолсанг, билгинки, шу икки нарсанинг бирини йўқотгансан.

7. Аллоҳга имон келтириш У Зот билан исталган вақтда учрашиш имкониятини қўлга киритиш демакдир.

8. Кибр – инсоннинг ўз Раббисидан узоқдалиги белгиси.



9. Исроф ҳам ҳалокат, бахиллик ҳам ҳалокат. Иккисининг орасида юра олган одамгина яшаб қолади.

10. Лағв деб ақлли одам вақтини сарфламайдиган ишга айтилади.

11. Инсон ибодати билангина Аллоҳнинг назарига тушади.

## ШУАРО СУРАСИ

1. Фиръавндан: «Сени кимлар Фиръавн даражасига олиб келди?» деб сўралди. У: «Мени ўз вақтида тўхтатмаганлар», деб жавоб берди. Шу сабабдан Қуръонда баъзан Фиръавндан олдин унинг қавми тилга олинади.

2. Фиръавн ростдан ҳам илоҳ бўлганида, уни ҳалок этувчи Мусо алайҳиссаломни сувдан қутқариб олармиди? Фиръавн ҳақиқий илоҳ бўлганида сеҳргарлардан ёрдам сўрармиди? Фиръавн илоҳ бўлганида... Фиръавн қавмида заррача ақл бўлганида, қаллоб Фиръавннинг илоҳлик даъвосига индамай қараб турармиди?..

Ҳа, Аллоҳ бирор ишни амалга оширишни истаса, ақллиларнинг ақлини олиб қўяди. Инсон ва унинг қалби орасини ажратиб қўяди.

3. Мусо алайҳиссаломнинг ҳассалари аслида дарахтдан кесиб олинган бир ёғоч, холос. У қуриб-қақшаб жонсиз нарсага айланиб бўлган. Унда ўсимлик ҳаётидан асар ҳам йўқ. Мана шу ҳолатда унинг ҳўл навдага айланишининг ўзи мўъжиза бўлар эди. Бироқ чексиз илоҳий қудрат уни ўсимлик оламидан олиб ўтиб, ҳайвонот дунёсига киритди ва улкан илонга айлантирди. Бу ҳақиқатан ҳам инсон зотини қўрқитиб юборадиган ҳодиса.

4. Мўмин одам баъзан Мусо алайҳиссалом каби денгиз ва золимлар орасида қолади (олди тарафида денгиз, орқада эса Фиръавн қўшини). Шунда Мусо алайҳиссалом каби: **«Йўқ! Шубҳасиз, Раббим мен билан, У менга йўл кўрсатур»**, деб азму қарор билан айта олиши керак. Аллоҳнинг мадади куттирмасдан келади.

5. Мусо алайҳиссалом қиссаси Иброҳим алайҳиссалом қиссасидан аввал келтирилади. Ваҳоланки, Иброҳим алайҳиссалом ҳазрат Мусодан аввал ўтганлар. Эътибор қаратилса, Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳга бошқаларни шерик қилиш иллоти билан курашган бўлсалар, Мусо алайҳиссалом илоҳликни даъво қилиш иллоти билан курашганлар. Шунинг учун ҳам олдинроқ зикр қилинган.

6. Ҳақиқий мўмин Иброҳим алайҳиссалом сингари бут-санамларга, худоликка даъво қилувчиларга душманлигини очиқ-ойдин айтишдан сира қўрқмасин.

7. Шифокор – шифонинг сабабчиси. Шифонинг ўзи эса Аллоҳдан келади. Бунинг исботи шуки, агар шифо шифокордан келганида эди, шифокорнинг ўзи сира касал бўлмасди. Шунингдек, у муолажа қилганларнинг ҳаммаси тузалиб кетаверар эди.

8. Риёкор, бошқалар кўриши учун иш қиладиган, эҳсон қиладиган, бино қурадиган ... одам энг ақлсиз ҳисобланади. Чунки унинг қилган ишларидан бошқалар фойдаланади, унинг ўзи эса ишига риё аралашгани боис қуруқ қўл билан қолади.

9. Қавм деб эркаклар гуруҳига айтилади. Бунга сабаб уларнинг муҳим вазифаларни бажаришлари, яъни қоим қилишларидир. Улар ҳаётни ҳаракатлантирувчи куч саналадилар. Аёллар эса шу ҳаракатнинг



самарасини қабул қилиб олувчи ва уни тўғри йўлга сарфловчи, йўналтирувчи ҳисобланадилар.

10. Кофир аҳмоқдир. У улкан имкониятларни арзимас мақсадларга сарфлайди. Миср эҳромлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Шундай улкан иншоотлар кимларгадир қабр бўлиши учунгина қурилган.

11. Қуёшни мен бошқармайман, лекин у менинг хизматимда. Усиз нима бўлишим аниқ. Қизиғи, унинг умри меникидан узун. Ундан ҳам қизиғи, мен ундан кейин дунёга келганман. Туғилганимда у хизматимга ҳозир нозир эди. Хизматимизда бўлган бошқа махлуқотлар ҳам шунинг ўзгинаси. Мана шуларни кўриб туриб, уларни менга ким бўйсундириб қўйди экан, деб ўйлашим керак эмасми?

12. Бир неъматнинг ичида мингта неъмат. Кўз нафақат кўради, балки турли-туман нарсаларни кўради. Қулоқ нафақат эшитади, балки турли овозларни эшитади. Бурун ҳам, қўл ҳам шундай...

13. Билиб, кейин унутган одамга эслатилади. Билмаганга аввал ўргатилади.

14. Ноўрин кўрсатилган меҳр-шафқат аҳмоқликдир, заифликдир.

15. Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломга: «Яқин қариндошларингизни огоҳлантиринг», деб буюрди. «Яқинларингизга хушxabар беринг», демади. Бу мансаб курсисида ўтирган, одамларга масъул бўлган ҳар бир раҳбар қулоғига қуйиб олиши керак бўлган гап!

16. Мўмин ўзини ота-онасига нисбатан хору зор, синиқ тутмайди. Балки меҳрибон, ғамхўр сифатида намоён қилади. Хору зорлик, синиқлик эса Аллоҳга бўлади.



17. Адашганлар шоирларга жон-жон деб эргашадилар. Чунки уларга ёқадиган гаплар, қилаётган ишларини қўллаб-қувватловчи иборалар айнан нафсу ҳавосига қул бўлган, мақсадсиз, хулқсиз, ҳаётда тутуриги йўқ, хаёлпараст шоирлардан чиқади. Улар яхши кўрганларини ошириб мақтайдилар. Ёмон кўрганларини эса ернинг тагига кўмиб, ёмонлайдилар. Ўзлари бахил бўлатуриб, саховатдан гапирадилар. Утоғдан бутотқа, бу водийдан у водийга тамагирлик қилиб сакрайдилар. Чин имонли, солиҳ амаллардан чарчамайдиган, Аллоҳни тилидан қўймайдиган, Исломга ва мусулмонларга ёрдам берувчи шоирларгина бу сифатлардан покдирлар.

## НАМЛ СУРАСИ

1. Ҳамма бирдек муҳтож бўладиган неъмат – илм. Мол-дунё, бола-чақа ва обрў бундай эмас.

2. Бир чумоли: «Эй чумолилар, уларингизга кининглар, яна Сулаймон ва унинг лашкарлари ўзлари сезмаган ҳолларида сизларни босиб-янчиб кетмасинлар», деди. Бу битта чумолининг ўз халқига қилаётган хизматидан намуна, холос. Чумоли келаётган хавфни узоқдан кўра олди. Ҳақиқатни сўзлади. Адолат билан ҳукм чиқарди. Буни кўриб Сулаймон алайҳиссалом жилмайиб қўйдилар.

3. Ким билганига амал қилса, Аллоҳ унга билмаганларини ҳам ўргатади. Илмига амал қилиши унинг ишончли банда эканини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ унинг илмини зиёда қилади, қийин жойларини осон қилади. Илмига амал қилмаганга эса, бунинг бутунлай аксича муомала қилинади. Аллоҳ ундан илм нурини олиб қўяди, йўлини



беркитади. Хотирасини занг босади. Билганларини унутади.

4. Неъматнинг ҳақи – жамиятга фойдали хизмат қилиш.

5. Худхуд қуши деди (Сулаймон алайҳиссаломга): «Мен сен огоҳ бўлмаган нарсадан огоҳ бўлдим ва сенга Сабаъ шаҳридан бир хабар келтирдим...» Сулаймон деди: «Сен рост сўзладингми ёки ёлғончилардан бўлдингми, кўрурмиз». Сулаймон алайҳиссалом ҳамда Худхуд ўртасидаги суҳбат бизга раҳбар ва унинг қўл остидагилар орасида бўладиган муносабат қонун-қоидаларини белгилаб беради. Раҳбарнинг қўл остидагиларга шошилиш ҳолатларда омма фойдаси учун ўз фикри билан иш кўришга, раҳбарга ҳақиқатни кўрқмай айта олишга ва ўз маҳоратларини кўрсатишга имкон бериши шу қонунлар сирасидандир. Қолаверса, раҳбарнинг қўл остида мана шундай эпчил, зукко ишчиларнинг бўлиши ҳам раҳбар обрўсига обрў қўшади.

5. Сабаъ маликасининг молу дунёси, тахти ҳақида гап кетганда пинагини ҳам бузмаган Сулаймон алайҳиссалом унинг ва қавмининг Аллоҳни қўйиб, қуёшгаибодатқилаётганларини эшитганда ҳаракатга келди.

6. Худхуд деди: «**Мен у (Сабаъ маликаси) ва унинг қавми Аллоҳни қўйиб, қуёшга сажда-ибодат қилаётганларини кўрдим. Шайтон уларга қилаётган амалларини чиройли кўрсатиб, уларни ҳақ йўлдан тўсиб қўйгандир...**» Мана, оддийгина қушнинг Аллоҳ ҳақида, шайтон ҳақида, хидоят ҳақида билганлари, Аллоҳ йўлида қилаётган хизматлари...

7. Кофирлар бу дунёда мусулмонлар билан таллашиб-тортишсалар, қиёматда эса бир-бирлари



билан тортишадилар. Мўминлар умрларининг охиригача бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлганларидек, қиёматда ҳам, жаннатда ҳам бир-бирлари билан шоду хуррам бўладилар.

8. Мўминларга яхшиликетганини кўриб «Алҳамдулиллаҳ», деймиз. Золимларнинг бошига азоб тушганда ҳам «Алҳамдулиллаҳ»ни айтаемиз. Зеро, борлиқнинг золимлардан тозаланиши, бандаларнинг улар ёмонлигидан қутулиши Аллоҳга ҳамд айтишга ундовчи неъматдир.

9. Ғайб деб идрок қилиш ва ҳис қилиш мумкин бўлмаган нарсаларга айтилади. У иккига бўлинади:

1) Мен учун ғайб, лекин бошқалар учун ғайб бўлмаган нарсалар (ўғирлатилган молга ўхшаш).

2) Мен учун ҳам, бошқалар учун ҳам ғайб ҳисобланган нарсалар. Бу ҳам ўз навбатида иккига бўлинади:

1) Ўзи мавжуд бўлса-да, бизга маълум бўлмаган, лекин вақти-соати келиб кашф қилинадиган нарсалар, одатда уларнинг кашф этилиши учун зарур бўлган нарсалар мавжуд бўлади (электр токи сингари).

2) Аллоҳдан ўзга ҳеч кимга аён бўлмаган (Аллоҳ истаган бандалар бундан мустаснодирлар) нарсалар.

10. Қуръон ўқиётганда аслида сизга сўзлаётган Раббингизни тинглаётган бўласиз. Унинг буйруқ ва қайтариқларига бўлган муҳаббатингизни билдириш учун, Уни тинглашга муштоқлигингизни кўрсатиш учун Қуръон тиловатига астойдил киришинг.



## ҚАСОС СУРАСИ

1. Аллоҳнинг қонуни шундайки, золимдан мазлумларнинг ўчини олмагунича золимнинг жонини олмайди. Ҳатто унинг ҳолига маймунлар йиғлаганидан мазлумларнинг унга раҳми ҳам келиб қолади.

2. Хотин ва бола-чақа, уларнинг хоҳиш-истаклари эркакларнинг энг нозик жойларидир. Уларнинг истак-талабларини эркак баъзан ўзиникидан ҳам устун қўяди. Эркакка кўпинча улар орқали таъсир ўтказилади.

3. Самода илоҳий ҳукм чиқмагунича, Ерда ҳеч нарса амалга ошмайди.

4. Мусо Фиръавндан қочиб, Мадян шаҳрига келди. Шаҳарда қудуқ атрофида қўйларига сув бермоқчи бўлиб турган икки аёлни кўрди. Бу шаҳарда мусофир экани, узоқ йўл юриб, озиб-тўзиб кучсизланиб қолгани Мусони аёлларга ёрдам қўлини чўзишдан тўхтатмади. Аксинча, уларни кўрган заҳоти уларнинг аҳволларини сўраб-суриштирди ва дарҳол ёрдамга бел боғлади.

5. Араб халқ мақоли: «Ўғлингга эмас, қизингга совчи бўл!»

6. Мусо алайҳиссалом Аллоҳ билан узоқроқ сўзлашиш учун атайин гапни чўзиб жавоб бердилар («Ҳассамга таянаман, у билан қўйларимга барг-марг қоқиб бераман» каби), лекин одоб доирасидан чиқиб кетишдан чўчиганларида эса қисқаликка ўтдилар («Ҳассамнинг бошқа вазифалари ҳам бор» каби).

7. Гўзалликнинг аниқ бир ранги ва шакли йўқ. Аллоҳ уни Ўзи истаган кўринишда кўрсата олади. Баъзи махлуқотлар қора, лекин жуда гўзал ва нузли.





Баъзилари оппоқ бўлишига қарамай, кўримсиз ва хунук бўлади.

8. Гуноҳқорнинг тавбасини қабул қилиш билан Раббимиз нафақат гуноҳқорга, балки бутун жамиятга Ўз раҳматини улашади. Агар гуноҳқор учун тавба эшиги беркитиб қўйилганида эди, у ўз аламини, шубҳасиз, ўзи яшаб турган жамиятдан олган бўларди...

9. Қиёмат кунининг борлиги унга ишонганларни гуноҳга қўл уришдан тўхтатиб туради. Бироқ қиёматга ишонмайдиганларни нима тўхтатади? Шубҳасиз, бу дунёда бошларига тушадиган азоблар тўхтатади. Аллоҳ баъзи-баъзида уларни азоблаш билан ҳаёт оқимини изга солиб туради.

10. Эй бой биродар! Сен Аллоҳнинг камбағалларга узатилган қўли бўлишни хоҳламайсанми?

11. Бировларнинг қўлидаги нарсаларга тамшаниб қарама! Аллоҳнинг бандалар орасидаги турфа тақсимотини ҳурмат қил. Инсонлар ҳар хил. Уларга юкланган вазифалар турлича. Шунинг учун уларга берилган ризқ ҳам турлича. Уларни сендан нимаси биландир ортиқ қилган Раббинг сени ҳам улардан нимадир билан ортиқ қилиб қўйган. Кўзингни каттароқ оч!



## АНКАБУТ СУРАСИ

1. Имон қуруқ сўз эмас, балки улкан масъулият. У Аллоҳдан ўзгага бўйсуниб йўқ, деган шиорни бир умр баланд кўтариб ўтиш. У эгасининг ростгўйлигига амалий исбот талаб қилувчи ҳаёт йўли. Бу шундай омонатки, уни саралаб олинган кучлиларгина кўтара олишлари мумкин.

2. Илоҳий қудратнинг чексизлиги мисолини ўзимизда кўрсак бўлади: ўрнимиздан қўзғалишимиз, юришимиз ёки тўхташимиз учун нима керак? Истак керак, хоҳиш керак! Юришни истасам, юра бошлайман, тўхташни хоҳлаган заҳотим тўхтаймаман. Бизга мана шу қудратни берган Зот Ўзи истаган нарсани истаган пайтида қила олмасмиди?

3. Зўравонлик жавобсиз одамнинг жавобидир.

4. Аллоҳга имон келтириш Унинг чексиз, комил сифатлари ила мавжудлигини тан олиш демакдир.

5. Аллоҳ золимларни азоблашда олов, ҳаво, тупроқ ва сувни восита қилганини кўриш мумкин. Эътибор берилса, инсон танаси ҳам шу унсурлардан таркиб топган. Сув ва тупроқ қўшилиб, лой бўлди. Иссиқлик таъсирида қуриб, сопол ҳолига келди. Сўнг нафас олиб, инсон бўлди. Кўришиб турибдики, коинот сир-асрорларини очиш учун ўзимизга, атрофга эътибор назари билан қарашимиз керак.

6. Инсон ўзида жонсиз яратикларнинг, ўсимликларнинг, ҳайвонларнинг хусусиятларини жамлаш билан бирга Аллоҳ берган ақл сабабли улардан ортиқ бўлди. Шундай экан, унинг ўзидан қуйида бўлган махлуқотларга ибодат қилиши, Аллоҳ азиз қилгач, ўзини хор қилиши – ғирт ақлсизлик.

7. Ўргимчак ини ҳашаротларни овлашда тўр вази-  
фасини бажарса-да, ўргимчакни ҳимоя қила  
олмагани сабабли тўлақонли уй вази-фасини бажара  
олмайди. Худди шу каби худосизлар ёпишиб олган  
нарсалар ҳам уларни ҳеч нарсадан ҳимоялай  
олмайди. Аслида мана шу нарсаларнинг ўзи  
Аллоҳнинг буюклигига далолат қилувчи  
воситалардир. Улардан шу мақсадда фойдаланиш  
мумкин.

8. Аллоҳнинг сўзига тушунмаган одам олим эмас.  
Ўз Яратувчисини танимаган, нима сабабдан  
яратилганини билмаган кимса олим саналмайди.

9. «Аллоҳни ким яратган?» деган саволга: У Зотни  
ҳеч ким яратмаган, чунки кимдир яратганида эди,  
яратувчи ўзининг кимлигини аллақачон эълон  
қилган бўларди, деб жавоб берилади.

10. Аҳли китоблар Муҳаммад алайҳиссаломни ёки  
Қуръонни инкор қилар эканлар, аввало ўз  
китобларини, ундаги маълумотларни инкор  
қилаётган бўладилар.

11. Қуръон ўқир эканмиз, Раббимиз биз билан сўз-  
лашади. Мулоқот шу даражада жонлики, У Зот бизга  
савол бериб, жавоб кутади («**Кофирларнинг жойи  
жаҳаннамда эмасми?**» каби).

12. Ҳеч бир яхши ишни кичик санаманг, чунки бир  
одам чанқоқ итга сув бериб, Аллоҳнинг мағфиратига  
эришди. Ҳеч бир гуноҳни кичик санаманг, чунки бир  
аёл мушукка овқат бермасдан, қамаб қўйгани сабабли  
дўзахий бўлди.



## РУМ СУРАСИ

1. Ғалаба тўсатдан келмайди, балки узоқ ва машаққатли меҳнатдан, узлуксиз тайёргарликдан кейин келади. Тўғри қўйилган ҳар бир қадам ғалабанинг бир бўлагидир.

2. Душманинг борлигидан хафа бўлма. У жуда керакли одам. У сени доим ҳушёр бўлишга, кучли бўлишга, бутун имкониятларингни ишга солишга, орқада қолмасдан бир неча қадам олдинда бўлишга ундаб туради.

3. Холи қолиб, ўзинг ҳақингда фикр юрит! Фикрингни ўзингга қарат! Яратувчининг қудратига далолат қилувчи ўзингдаги сир-асрорларга назар сол! Ҳаётингга сабаб бўлиб турган ейиш, ичиш, нафас олиш жараёнларига боқ!

172

4. Борлиқдаги жамики нарса ўзига хос ҳаёт кечиради. Уларнинг барчаси тирик. Ҳақиқий маънодаги ўлим эса қиёматда бўлади.

5. Эркак ва аёл тенглигига чақираётган нодонлар эркакларнинг вазифасини аёлга юклашлари мумкин, лекин аёлнинг вазифаларини эркакка юклай олармиканлар?

6. Эр-хотинлик бардавом бўлиши учун уч нарса зарур: хавфсизлик, меҳр-муҳаббат ва раҳм-шафқат.

7. Ернинг қуёш атрофида айланиши тўрт фаслни келтириб чиқарса, ўз ўқи атрофида айланишидан кеча ва кундуз ҳосил бўлади.

8. Ризқ топиш йўлидаги ҳаракатлар бир сабаб, холос. Ризқ Аллоҳдан келади. Ҳаракатингни қил-да, у ёғини Ўзига қўйиб бер!

9. Мол, ҳусн, билим, ақл, соғлик, фарзанд... Буларнинг бари ризқ ҳисобланади. Уларнинг ичида

даражаси пастроғи бу – мол-дунё. Чунки эҳтиёж туғилганда уни бировдан сўраб олиб, ўзимизники қилаверишимиз мумкин.

10. Ҳавойи нафс олдинда юриб, ақл ундан ортда қолганда ақл ҳавойи нафсга хизматкор бўлиб қолади.

11. Солиҳ амал – имоннинг натижаси. Амал билан дунё обод бўлади. Ва бундай дунёда барчанинг яшагиси келади: мўминнинг ҳам, кофирнинг ҳам.

### ЛУҚМОН СУРАСИ

1. Аллоҳ Ўз каломини «Китоб» деб номлаган, чунки кўчирилади, сатрларга битилади. «Қуръон» деб номлаган, чунки у ўқилади, қалбларга ўрнашади. «Фурқон» деб номлаган, чунки у тўғри ва нотўғрининг орасини ажратади, фарқлайди.

2. Бир инсон душманини койиётиб, бундай деди: «Сенинг борлигинг Аллоҳнинг шериксиз эканига далилдир. Агар Унинг шериги бўлганида, у Аллоҳга: “Буни яратмай қўявергин”, деган бўлар эди».

3. Банданинг нотўғри хатти-ҳаракатини ҳар қанча танқид қилсак ҳам, Аллоҳнинг тақдирини ҳурмат қилишимиз керак.

4. Кимки бадан поклигини Аллоҳ яратган ҳолида сақлаб, Аллоҳ дастури билан яшаса, бундай одамга Аллоҳ тўғридан-тўғри беради. Луқмони Ҳаким шундай инсонлардан эдилар.

5. Луқмон ўғилларига насиҳатни «Эй ўғилчам!» деб бошладилар. Ҳа, отанинг назарида ўғил доимо «ўғилча».

6. Нега анавиларни Аллоҳга шерик қиласан? Улар бирор марта ҳам «Биз Аллоҳнинг шерикларимиз, анавини ёки манавини биз яратганмиз», дейишмаган-ку, ахир.



7. Зулм – бировнинг ҳақини бошқасига бериш. Зулмнинг энг хунуги Аллоҳнинг ҳақини Аллоҳдан бошқаларга беришдир.

8. Намоз – диннинг устунни. Чунки баъзи сабаблар туфайли бандадан рўза, закот, ҳаж каби ибодатлар соқит бўлса ҳам, намоз ҳеч қачон соқит бўлмайди.

9. Амри маъруф, наҳйи мункар – бошқалардан устунлигимиз эмас, ўзимиздаги яхшилиқни бошқаларга ҳам илинишимиз белгиси. Агар ўзимиздаги неъматларни, гўзалликларни, билимни бошқаларга раво кўрмасак, яхшилигимиз туфайли улар биздан фойдаланаверадилар, биз эса уларнинг ёмон амалларидан, хунук хулқларидан азият чекиб яшайверамиз.

10. Муаммоларни ечиш сендан катта куч талаб қилади. Шундай экан, уларга кучингни тўплаб юзлан! Кучсизланишга йўл қўйма!

11. Ёмон иш қўл билан, тил билан, энг ками қалб билан инкор қилинади. Қалб билан, дил билан инкор қилиш – бу қуруқ сўз эмас. Балки қатъий позиция, қалбнинг шу ишни ёмон кўраётганини билдирувчи ҳаракат деганидир.

12. Ҳар қандай ишда ўртачалик яхши, дейилади. Ўша ўртачалик нима ўзи? Маълумки, бир ишни муболаға даражасида ошириб ёки камчиликларга йўл қўйиб бажариш мумкин. Шу ҳар иккаласининг ораси ўртачалик бўлади.

13. Эҳтиёжлар юриш ё тил-забонни ишга солиш билан қондирилади, яъни истаганимизнинг ҳузурига ўзимиз борамиз ёки олдимишга уни чақирамиз.

## САЖДА СУРАСИ

1. «Аллоҳ нозил қилди» ибораси «Раббимиз юқоридан пастга кўрсатмаларини туширди» маъносини ифодалайди. Кўрсатмаларнинг юқоридан келганини, бизнинг пастда туриб уларни қабул қилиб олишимизни, ўзимиздан ёки ўзимизга ўхшаган пастдагилардан эмас, айнан юқоридан олишимиз кераклигини англатади.

2. Модомики, банда Аллоҳга ибодат қилишдан хурсанд бўладиган бўлса, у ҳолда ҳар намоз ўқиганимизда, рўза тутганимизда, закот берганимизда, боринги, Унинг ҳар буйруғини бажариб, қайтарганидан қайтганимизда хурсанд бўлишни ўрганайлик.

3. «Фалончи ўлди», дегани йўқ бўлиб кетди, дегани эмас. Балки бадандаги руҳ аввалги ерига, бадан ҳам ўзининг аслига қайтди, дегани бўлади.

4. Ҳожатларимни айтиб, Раббимга юзланишимнинг ўзи бир роҳат. Чунки мен эҳтиёжларимни ҳеч бир қийинчиликсиз қондиришга қодир бўлган Зотга мурожаат қилиб турибман.

5. Моддиятда юқорилаб, маънавиятда тубанлашиб боряпмиз.

6. Сажда – Аллоҳга бўлган хокисорликнинг чўққиси. Разм солиб қаралса, сажда ояти ўз атрофидаги оятлар учун чўққи вазифасини бажаради. Бу чўққига кўтарилганда тафаккурли инсон бадани титраб кетади. Бунда шундай сирлилик борки, айти шу лаҳзада инсон вужуди Аллоҳдан улкан қувват олади, танани ажойиб роҳат, хотиржамлик... чулғайди. Бунинг шукри ҳам худди ўзидек кутилмаган, гўзал сажда билан адо этилади.



## АҲЗОБ СУРАСИ

1. Тақво – бандани Аллоҳ билан боғловчи кўприк.

2. Пешин намозини ўқиб, Раббимнинг файзу баракотларига бурканаман. Асрда эса бундан бошқача яна бир файз... Ҳар сафар янгидан-янги неъматлар...

3. Сени гуноҳга чорлаётган одам ким бўлишидан қатъи назар, сени яхши кўрмайди. Сенинг ўзидан ўзиб кетишингни хоҳламайди. Ўзи ета олмаган даражага сенинг етишингни истамайди.

4. Муҳаммад алайҳиссалом умматлари орасида қиёматгача яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш иши бардавом бўлишини таъминлаш нажот йўлидир.

5. Қалб билан ёмон ишни инкор қилмаслик қалбдаги ғазабнинг бутун аъзоларда ва хатти-ҳаракатларда кўриниб туриши билан бўлади.

6. Кучли одам хиёнаткор бўлса, бизга унинг кучидан фойда йўқ. Шунингдек, омонатдор одам кучсиз бўлса, унга омонатни ишонмаган яхши.

7. Хатони тузатмаслик – энг катта хато.

8. Аҳзоб жангида Ислом душманларининг алоҳида-алоҳида адоватдан жамоавий адоватга, Исломга қарши якка курашдан жамоа бўлиб курашиш босқичига ўтишлари акс этади. Мусулмонлар ғалаба келтирувчи сабабларга эътиборли бўлиб, Аллоҳга суянсалар, ҳар қанча оз ва заиф бўлсалар ҳам, Аллоҳ уларни голиб қилади.

9. Кўрқоқлар кўпчилик бўлсалар ҳам, кўрқмайдиган озчиликка тенг кела олмайдилар.

10. Раббимиз бизнинг одатлардан ибодатларга ўтишимизни истайди. Ва буни турли йўллар билан амалга оширади. Масалан, йил бўйи овқатланишга





одатланиб қолган бандаларига Рамазон келганида (кундузи) «Овқатланманглар», деб буйруқ беради. Рамазон бўйи (кундузлари) емай-ичмай юришга ўрганиб қолган бандаларга эса байрам куни келгач, «Овқатланинглар», деб буйруқ қилади.

11. Аллоҳнинг истакларини бажо этишга шошилсанг, Аллоҳ ҳам сенинг истакларингни бажо этишга шошилади.

12. Пайғамбар алайҳиссаломга Аллоҳ тарафидан берилган мўъжизалар у зотни эркалатиш учун эмас, балки қиёматгача давом этадиган вазифаларни мукамал адо этишлари учун берилгандир.

13. Аллоҳ Ўз номи ёнида Ўзи истаган махлуқотининг номини зикр қилиши мумкин. Бандалар эса Унинг номи ёнига бошқасининг номини қўшишлари мумкин эмас.

14. Бу дунёда ўзларини Аллоҳнинг дастури ила икром қилганлар охират диёрида ҳам ҳурмат-икром қилинадилар.

15. Еру осмонлар Аллоҳнинг уларга берган танлов имкониятидан (ибодат қилиш ёки қилмаслик, бўйсунуш ёки бўйсунмаслик) воз кечиб, Аллоҳнинг танловини ўзлари учун ихтиёр қилдилар. Мўминлар ҳам Унинг дастурига бўйсунуш билан шу йўлдан бордилар ва бутун борлиқ билан ҳамоҳанг бўлдилар. Фақатгина кофир бўлганлар Аллоҳнинг танлови қолиб, ўзларича нималарнидир танладилар ва адашдилар. Шўринг қургур, кофир...



## САБАЪ СУРАСИ

1. Ўзига қандай ҳамд айтишни ўргатгани учун Аллоҳга ҳамд бўлсин!

2. Бировнинг қўлидаги узукни кўриб, баъзан хайратга тушаман. Ичимда заргарнинг маҳоратига қойилқолиб, ташимда унга жўшиб мақтов ёғдираман. Ваҳоланки, узукнинг ёки заргарнинг менга ҳеч қандай алоқаси йўқ, нафи йўқ. Энди менга тўғридан-тўғри нафи бор, маҳорати вужудимда кўришиб турган Зотга қандай мақтов айтишим керак экан-а?!

3. Яхши амаллар мақсад эмас, воситадир. Раббимизнинг розилигига элтувчи йўл. Бу йўлдаги имонли инсон борган сари юқорилаб, ўсиб боради. Унинг олдида янгидан-янги уфқлар очилаверади.

4. Исломни ёқтирмайдиганларга: «Динни ич-ичингиздан суймасангиз ҳам, ҳурматини жойига қўйинг. Чунки унинг нафи фақат мусулмонларга эмас, сизларга ҳам тегади. Сиз у ҳақда ўйламасангиз ҳам, у сиз ҳақингизда ўйлайди, қайғуради».

5. Ҳар бир «шайтон-жин»га Сулаймон алайҳиссалом каби қаттиққўл раҳбар керак. Шайтонларга Сулаймон алайҳиссаломдек муомала қилиш лозим.

6. Аллоҳдан ўзга худолар мавжуд бўлса, қани улар?! Нега жимлар?! Нега куч-қувватини кўрсатмаяптилар?!

7. Аллоҳ қилинган эҳсоннинг ўрнини тўлдиришни ваъда қилиш билан бой бандаси кўнглини хотиржам қилаётган бўлса, камбағал бандасига ҳеч ким Унинг ёдидан «чиқиб қолмаган»ини эслатмоқда.

8. Ҳақнинг тескариси ботил бўлади. Ботил эса қуруқ хаёлдир, йўқ нарсадир, йўқ бўлиб кетадиган нарсадир.



9. «Ҳидоят Аллоҳдандир», деган иборани ҳидоятга Аллоҳнинг йўл-йўриғи, дастури билан эришилади, деб тушунсак, тўғри бўлади.

10. Ёшлигини гуноҳда ўтказиб, тавбани орқага суриб, умрининг охириги лаҳзаларида имон йўлига кирмоқчи бўлган одам меҳнат машаққатидан қочиб, юриб-юриб ҳосил йиғилиб тақсимланаётганда пайдо бўлган кишига ўхшайди. Ўзи боқмаган, парваришламаган отни минмоқчи бўлган кимсага ўхшайди.

## ФОТИР СУРАСИ

1. Мўминнинг вазифаси – буйруқнинг аниқ ва шубҳасиз ҳолда Аллоҳдан келганини аниқлаб, сўнгра уни бажаришга киришиш.

2. «Фатҳ» деб икки нарса орасидаги тўсиқни олиб ташлашга айтилади.

3. Аллоҳнинг биз яшаб турган ҳаётни **«дунё ҳаёти»** деб аташи жуда кўп нарсани англатади.

4. Балиқни янгилигида ейиш керак.

5. Денгиздан олинадиган зеб-зийнатлардан (маржон, дур каби) фойдаланиш эркагу аёлга ҳалол.

6. Аллоҳнинг хурмо данагига кўрсатган иззат-икромига қаранг: Қуръонда унинг устки қобиқ пардаси **«қитмир»**, ўртасидаги чуқурча **«нақир»** ва данакнинг бўйлама чуқурчасига жойлашган ипсимон нарса **«фатил»**, дея зикр қилинди.

7. Умрининг ўтган қисмида Аллоҳ сўзининг тўғрилигига гувоҳ бўлдингми? Қолган қисмида ҳам унинг тўғрилигига гувоҳ бўласан!

8. Мўмин Аллоҳдан севги ва умид аралаш кўрқади.

9. Зангор рангга 1 грамм қизил ранг кўшилса, бошқа ранг пайдо бўлади. Бордию 2 грамм кўшилса,



яна бошқа ранг пайдо бўлади ва ҳ.к. Энди зангор ва қизил ранг аралашмасига 1 грамм кўк ранг қўшасак-чи? Кўрганимиздек, ранглар чексиз миқдорда ўзаро уйғунлик пайдо қилмоқдалар. Бу – биргина ранг масаласидаги Аллоҳнинг чексиз қудрати намойиши. Қолган ишлар ҳам шундай.

10. Дунёвий илмларнинг аҳамияти шундаки, улар орқали Аллоҳга бўлган имонимизни кучайтиришга имкон туғилади. Аллоҳнинг сирларидан воқиф бўлиш орқали Унинг қудрати қанчалар чексиз эканини англаймиз.

11. Бир ишни юзага келтирувчи сабаблар, омиллар Аллоҳ қудратини пана қилиб, тўсиб турувчи пардалардир.

12. Одамларга холис эҳсон-инфоқ қилаётган банда одамларга Аллоҳни суйдиришдек улкан вазифани бажараётган бўлади.

13. Мўмин ёлғончилик қилмайди. Чунки ёлғончилик мунофиқликнинг пойдеворидир.

14. Иброҳим алайҳиссалом тушларида ўз фарзандларини сўяётганлари ҳақидаги сўзларига жавобан ўғиллари Исмоил: **«Эй отажон! Сизга буюрилганини қилинг!»** деб жавоб берди. «Истаганингизни» демади, **«буюрилганини»**, деди.

## ЯСИН СУРАСИ

1. Билими бор-у, имони йўқ инсонлар Аллоҳнинг мўмин бандалар учун тайёрлаб қўйган хизматкорлардир.

2. Қуръон ўқиш – ҳамма яхшиликларнинг боши. Шунинг учун ҳам шайтон бизга Қуръон ўқитмасликка тиришади. Унга қараб: «Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир-рожим», деймиз.

3. Қуръоннинг ҳарфлари, сўзлари, гап тузилиши, ўқилиши, услуби шу даражада ҳимояланганки, уларни бошқа ҳеч бир китобга кўчиришнинг иложи йўқ.

4. Пулсиротдан ўтаётган банда мувозанатни юқоридан – Аллоҳ нозил қилган Қуръондан олади. Қуръонга бўлган боғлиқлигидан олади.

5. Олам икки қисм: кўринадиган ва кўринмайдиган. Қизиғи шундаки, кўринадиган нарсалар кўринмайдиганларга ишора қилиб туради.

6. Эркакнинг қанчалар эркак эканини унинг ҳиммати – ниманинг ғами билан яшаётгани белгилайди. Кимдир ўзини ўйлаб яшайди, кимдир оиласи билан чегараланади. Яна кимдир халқини ўйласса, бошқа биров Пайғамбар алайҳиссаломдек бутун дунёни ўйлаб яшайди, бутун оламини ўзига ватан деб билади.

7. Олимлар «Ясин сурасининг “Қуръоннинг қалби” деб аталишига сабаб унда Аллоҳ таолога чақириқ – даъват мавзусининг бошқа суралардан фарқли ҳолда баён қилинишидир», дейдилар.

8. Даъват аввало пайғамбарларнинг, сўнг уларга имон келтирган барчанинг масъулиятидир. Зеро, Аллоҳнинг бизга берган яхшиликларини бошқаларга



ҳам илинишимиз энг камида, оддий одамгарчилик ҳисобланади. Буни эса қалби тирик инсонгина қила олади.

9. Аллоҳга Унинг буюклиги олдида лол қолгани учун ибодат қиладиганлар бор. У Зотдан келадиган неъматлар учун ибодат қиладиганлар бор. Ва У Зотдан қўрққани учун ибодат қиладиганлар бор. Қайси бирига мансуб бўлиш ўз қўлимизда.

10. Динсиз кимсаларнинг «махоратлари»дан бири уларнинг оқни қора ёки қорани оқ қилиб кўрсата олишларидир. Улар бу нарсани жуда усталик билан уддалайдилар.

### СОФФАТ СУРАСИ

1. Саф тортиш – тўлиқ бўйсунуш, тўла тайёргарлик, интизом, буйруқни қабул қилиб олишга шайлик белгиси.

2. Аллоҳ ҳукмларини баён қилиш олимлар, у ҳукмларни ҳимоя қилиш амирлар ва куч эгаларининг бурчидир. Шунинг учун олимлар ва жангчиларнинг бир саф бўлиб ҳаракат қилишлари ўта муҳим ҳисобланади.

3. Мусулмонлар бошқаларни ўз динларига киришга мажбурламайдилар. Шу билан бирга, бошқалардан ўз динларини ҳимоя қила оладилар ҳам. Акс ҳолда, қўлларидаги неъматни бой бериб қўйишлари мумкин.

4. Лут алайҳиссалом Қуръонда 27 марта зикр қилинадилар. Бунинг сабаби у зотга оғир вазифа, инсондаги энг катта эҳтиёжлардан бўлмиш жинсий эҳтиёждаги қинғирликни муолажа этиш юкланган эди.

## СОД СУРАСИ

1. Сабр – инсоннинг қийинчиликлардан устун келиши. Ақлли одам бир мусибатни иккитага айлантормайди. Куч-қувватга муҳтож бўлиб турганда кучини камайтирувчи ишларга қўл урмайди.

2. Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга иккита фариштани юбориш орқали қозилик илмини ўргатди. Ҳар бир қози Довуд алайҳиссалом ва фаришталар ўртасидаги сўзлашувни яхшилаб ўрганиб чиқиши керак.

3. Қуръон ҳукмларини севиб, ҳаётингга татбиқ этганинг сари Аллоҳ сенга коинот сирларини оча бошлайди.

4. Сулаймон алайҳиссалом мисолларида инсоннинг ўз Раббисига хизмат қилиш йўлида катта мол-мулк сўраши, исташи мумкинлигини кўрамыз. Мўмин қанчалик бой бўлса, тўқ бўлса, дунё алдовларига учмаслиги эҳтимоли шунчалик катталашади.

## ЗУМАР СУРАСИ

1. Ибодатнинг шарти – ихлос. Ихлос – айтилган ишни фақат Аллоҳ айтгани учунгина бажаришимиз.

2. Қалби қаттиқ инсоннинг кўнгли ҳам қаттиқ, тор бўлади.

3. Эҳсон мақомидаги одамнинг катта гуноҳлари ҳам кечиради. Нафақат кечиради, балки гуноҳлари савобга алмаштиради. Амалларига савоб берилаётганида эса, қилган энг яхши амали ўлчов қилиб олинади.

4. Инсон тўрт ҳолатдан ўтади: уйғоқлик, уйқу, ўлим, тирилиш. Буларнинг ҳар бирининг ўзига хос қонунияти бор. Уларни бир-бири билан аралаштириб юбормаслик керак.



5. Исроф – ўзингга зарар келадиган даражада белгиланган чегарадан ўтиб кетиш. Шунинг учун ҳам солиҳ амалларда исроф йўқ.

6. Жаннат аҳли жаннатга гуруҳ-гуруҳ, ҳамма ўзига ўхшаганлар билан, яъни олимлар бир гуруҳ, сахийлар бир гуруҳ, даъватчилар бир гуруҳ ва ҳоказо бўлиб кирадилар. Дўзах аҳли ҳам шундай.

## ФОФИР СУРАСИ

1. Мўмин улуғ банда, чунки уни ҳатто Аршни кўтариб турувчи фаришталар ҳам эсга оладилар. Уни ўз диққат-эътиборларида тутадилар. Нафақат унинг, балки бутун оиласи ҳақиға дуода бўладилар.

2. Дуо – Аллоҳга ўз ожизлигимизни изҳор қилишимиз.

184

## ФУССИЛАТ СУРАСИ

1. Кенг ва тўғри йўлнинг ўртасида юрган одам мақсадга тезроқ етишади.

2. Гуноҳга тавба қилиш, Аллоҳдан мағфират сўраш У Зот билан бўлган алоқамизда янги саҳифа очишимиздир.

3. Олим камбағал бўлса, фатвода тойилади. Хунарманд бой бўлса, дангасалиги тутати.

4. Коинотга боқиш, улар ҳақида гапириш инсон қалбини юмшатади.

5. Қиёмат куни инсонун ҳайвон бир жойга тўпланади. Бири иккинчисига тажовуз қилолмай қолади. Чунки ўша кунда куч-қувват ўзининг асл эгаси – Аллоҳга топширилган бўлади.

6. Оддий либос авратни – баданни ёпади. Тақво либоси эса бутун айбларимизни ёпиб, бизни икки дунёда асрайди.



7. Умрнинг бўйи (узунлиги) Аллоҳнинг измида. Эни, яъни уни қандай ўтказиш эса банданинг қўлида.

8. Аллоҳга чақирриш ўз имкониятига қараб, ҳар бир мусулмоннинг вазифасидир.

9. Бирор яхши ишни қилган пайтим: «Ўзим шундай бўлганим учун эмас, балки диним шунга буюргани учун бажаряпман», дейман.

10. Қилган яхшилигингни билмаганлардан хурсанд бўл! Чунки уларнинг ўрнига сенга Оламлар Рабби жавоб қайтаради. Одамларнинг бергани қаерда-ю, Аллоҳники қаерда?

11. Кимдир жаннатга кириш учун, кимдир дўзахдан қўрққани учун ва яна кимдир Аллоҳни севгани учун ибодат қилади.

## ШҶРО СУРАСИ

1. Икки хил фикрдаги одамлар баъзан ўзлари билмаган ҳолда бир ёки ундан кўп нуқтада ҳамфикр бўладилар. Ҳакам мана шу нуқталарни эътиборга олсин.

2. Нима қилишингни билмаяпсанми? Маслаҳатлаш!

3. Инсоннинг фарзандли ёки бефарзанд-туғмас бўлиши унинг Аллоҳ ҳузурида қадрли ё беқадр эканини билдирмайди. Аллоҳнинг бандадан рози ёхуд норози эканини англатмайди. Фарзандли ёки бефарзанд бўлиш Аллоҳ кўзлаган ҳикматга қараб бўлади.

4. Ҳамма иш Аллоҳ иродаси билан бошланади ва тугайди.



## ЗУҲРУФ СУРАСИ

1. Куръон арабларга араб тилида нозил қилинган бўлса-да, унинг таълимотлари оламга саҳобаларнинг гўзал амаллари орқали тарқалди. Гўё улар ўз тилларидаги Китобни бутун дунёга амаллари билан таржима қилиб бергандек эдилар.

2. «**Ақл ишлатмайдиларми?**» Яъни, «**Ўз мияларини ишлатмайдиларми?**» деганидир. «**Билмайдиларми?**» дегани эса, «**Ўз каллаларини ишлатмаганларига яраша, бошқалардан ҳам ўрганмайдиларми?**» деган маънони беради.

## ЖОСИЯ СУРАСИ

1. Табиий фанларни яхши эгаллаган мусулмон одам Аллоҳнинг мўъжизаларини ўз кўзи билан кўриш имконига эга бўлади. Уни кўриб ҳайратланади. Шундан келиб чиқиб, унинг Аллоҳга бўлган имони, кўркуви бошқаларникидан фарқли бўлади. Чунки у Аллоҳни яхшироқ танийди.

2. Улкан жонзотларнинг яратилиши қанчалик мўъжиза бўлса, энг майда зарранинг яратилиши ҳам шунчалик мўъжиза.

## ДУХОН СУРАСИ

1. Мусо алайҳиссаломга жуда оғир вазифа юкланган эди. У киши одамлар хулқ-атворидаги ёки жамиятда учрайдиган иллатларни тузатиш учун эмас, балки одамлар онгидаги иллатларни – ақидавий муаммоларни бартараф этиш учун юборилган эдилар.

2. Бани Исроилга Аллоҳ томонидан кўрсатилган меҳрибончиликлар уларнинг ўз замоналарининг мусулмонлари бўлганларидан келиб чиқади.

3. Мўмин Аллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлган бандадир. Аввало Аллоҳ уни куфрдан қутқариш билан марҳамат кўрсатган. Кейин уни Ўз йўлида юришга мушарраф қилган. Қолаверса, қиёмат куни жаннатга киритиш билан яна марҳамат кўрсатади.

### АҲҚОФ СУРАСИ

1. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламда бир бутун ва жам ҳолда мавжуд бўлган хислатлар у зотнинг умматлари ичида тарқоқ ҳолда учрайди. Яъни, кимдир Пайғамбар алайҳиссаломнинг бир фазилатларини олган бўлса, яна кимдир у зотнинг бошқа фазилатларини тутган бўлади.

2. Исломга даъват Ер шарининг заиф жойида, чек-касида эмас, балки Ернинг қоқ ўртасида, кучли, ҳаммага қўрқув солиб турувчи қурайшликлар орасида бошланди. Бироқ Аллоҳ Ўз динини қурайшликларнинг кучи билан тарқалган, деган маломатдан сақлаш учун уни Маккада эмас, балки Мадинада ғолиб қилди.

3. **«Раббимиз Аллоҳдир» деган, сўнгра тўғри йўлда устувор бўлган зотлар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмаслар»** ояти Исломнинг асосидир.

4. Ота-онага яхшилик «эҳсон» мақомида, яъни ортиғи билан ошириб қилинади.

5. Амалларимиздаги камчиликлар кечирилиши мумкин, лекин ақидамиздаги хатолар кечирилмайди.



## МУҲАММАД СУРАСИ

1. Мўминнинг ўй-фикри Аллоҳнинг марҳамати билан тартибли, бир-бирига боғланган бўлади. Кимнингки мулоҳазалари, фикрлари тартибланган бўлса, ҳаёти ҳам шундай бўлади.

2. Қўлга киритганингни маҳкам тут!

3. Пайғамбар алайҳиссаломга қандай масъулият юкланган бўлса, у зотнинг умматлари ҳам ўша масъулиятга муносиб бўлишлари керак.

4. Кофирнинг қорни тўла, қалби бўм-бўш бўлади.

5. Энг катта бало – банданинг ўз ногўғри ишини тўғри деб кўришидир.

## ФАТҲ СУРАСИ

Кофир мусулмоннинг доимо ўзига муҳтож бўлиб туришини истайди. Ақлли мусулмон эса, ҳеч қачон кофирга муҳтож бўлмасликка ҳаракат қилади.

## ҲУЖУРОТ СУРАСИ

1. Олимлар олдида овозингизни пастлатинг! Ўзингиз билмаган ҳолда амалларингиз ҳабата бўлиб қолмасин.

2. Аллоҳ бошқа пайғамбарларга номларини айтиб хитоб қилган бўлса, Муҳаммад алайҳиссаломга васфларини – сифатларини айтиб хитоб қилади.

3. Агар мўминлар иккита гуруҳга ажралиб, бир-бирлари билан талашиб қолсалар, биз уларни яраштириш учун учинчи гуруҳ бўлиб ишга аралашмоғимиз лозим. Яраштирганда ҳам қайта жанжал чиқмайдиган, ўртада гина-кудурат қолмайдиган қилиб яраштириш керак. Имкон қадар

муаммоларни илдиз отмасидан бартараф этган маъқул.

4. Мўминлар ҳам насабда (барчалари Одам алайҳиссаломнинг фарзандлари), ҳам имонда бир-бирлари билан биродардирлар.

5. Яхши гумон воқеа-ҳодисаларнинг қалбга қадалиб, қаттиқ ботишидан асрайдиган ҳимоячидир.

6. Аллоҳнинг динини севаман. Чунки шу дин туфайли мен Аллоҳнинг дўстига, Пайғамбар алайҳиссаломнинг издошига айландим. Жаннатга даъво қилувчи обрўли банда бўлдим.

### ҚОФ СУРАСИ

1. Қулоғи билан астойдил тинглаб, кўзи билан яхшилаб боқиб, қалби билан берилиб турган одамгина тез англайди.

2. Душманинг гуноҳини кўпайтиргани сари сен савобингни кўпайтир!

3. Эслатсанг, Қуръон билан эслат!

### ЗОРИЁТ СУРАСИ

1. Аввал мавжуд бўлиб, кейин йўқ бўлиб кетган нарсалар нега яна қайта мавжуд бўла олмасин?

2. Ризқ ғайбдан келади. Уни сен яратмайсан, излаб топасан, холос. Ҳожар онамиз сув топиш учун икки тоғ орасида югургач, хотиржам ҳолда Каъба ёнида ётган ўғиллари Исмоилнинг олдига қайтдилар. Сув эса боланинг оёғи остидан чиқди. Шунинг учун ризқнинг сабабини қилгин-да, натижасини Аллоҳга хавола эт.



## ТУР СУРАСИ

1. Ушбу сурадан аввалги Зориёт сурасида Аллоҳ таоло Ерни обод қилувчи моддий нарсалар (шамол, булут каби) билан қасам ичган бўлса, бу сурани Ер юзини саодатга буркайдиган маънавий-руҳий нарсаларга қасам ичиш билан бошлайди.

2. Эслатиш ҳаёт муаммолари сабабли қалбга ўтириб қолган чангларни кетказди.

## НАЖМ СУРАСИ

1. Шогирднинг камоли устознинг улуғлигидан ва шарофатидан.

2. Муҳим зотлар ҳузурида турилганда кўзни аланг-жаланг қилмасдан фақат мақсадга қаратиш зарур. Қараш рухсат берилган доира чегарасида бўлиши одобдандир.

3. Биз Аллоҳдан истаб олган ўғилдан кўра, Аллоҳ ўзи истаб берган қиз яхши.

4. Дунё ажойиботлари тугаган жойдан охира т ажойиботлари бошланади.

5. Дард бошқа, ажал бошқа. Беморни касаллик ўлдирмайди, балки ажали – яшаш муддати туггани учун Аллоҳ ўлдиради. Машина уриб юбориб ўлган одам, фаразан, уни машина уриб юбормаганида ҳам барибир ўлар эди.

6. Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбар этиб юборилишлари инсониятга берилган охирги имкониятдир.

## ҚАМАР СУРАСИ

1. Ўқилгани сари ўқувчининг муҳаббатини орттирувчи, излаганингиз сайин ўзининг битмас-туганмас хазиналарини очувчи, ҳар бир ҳарфи мўъжиза бўлган, фикр юритганингиз сари фаҳмингизни чархловчи, тиловати ёшу қарига, оқу қорага баб-баравар ёқимли бўлган китоб – бу Қуръондир.

2. Аллоҳнинг фармони фақат биргина «**Бўл!**» деган сўздир. Ўша нарса кўз юмиб-очгунча йўқдан бор бўлади.

3. Асосий мақсадимиз – жаннатларда ва дарёлар устида, Қодир Подшоҳ – Аллоҳ ҳузурида рози бўлинган ўринда бўлмоқ.

## РАҲМОН СУРАСИ

1. «Ар-Раҳмон» – бандаларига, гарчи улар ҳақли ва муносиб бўлмасалар-да, Ўз неъматларини ёғдирувчи Зот. Ақли бор одам ҳар бир ҳаракатида, лаҳзасида буни сезиб туради.

2. Сурада «**таълим берди**» жумласи «**яратди**» сўздан олдин келади. Бу илмнинг, мақсаднинг, режанинг ҳамма нарсадан олдин туришини англатади. Инсон яратилишдан олдин унинг қилиши лозим бўлган ишлари белгилаб қўйилганини билдиради.

3. Жинлар ҳам, инсонлар ҳам яшашлари учун ўзларига ажратилган жойдан ташқарига чиқа олмайдилар.



## ВОҚЕА СУРАСИ

1. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам тарқалиш кучига эга.

2. Одамларнинг энг яхшиси – ёшлигидан то ўлгунча гўзал амаллар қилгани.

3. Одамларнинг яхшиси эса – ёшлигини ёмон амаллар билан бошлаган бўлса-да, кейинчалик тавба қилиб, умрини гўзал амаллар билан яқунлагани.

4. Одамларнинг ёмони – ёшлигини ёмон амаллар билан бошлаб, ёмон амаллар билан умрини яқунлагани.

5. Жаннат шундай маконки, унда одамнинг ҳар бир аъзоси, сезгилари лаззатланади. Кўриш, ейиш-ичиш, ушлаш, ҳидлаш...

192

## ҲАДИД СУРАСИ

1. Бирор нарсага ишонч қалбга ўрнашиши билан ақидага айланади. Қалбга ўрнашишидан олдин эса, ақлнинг чиғириғидан, элагидан ўтади.

2. Асосий эҳтиёжлари тўғри қондирилган инсонгина солиҳ амаллар қила олади.

3. Соф исломий фитрат, табиат отамиз Одам алайҳиссаломдан бизга вужудимиздаги ўлмай келаётган заррача орқали ўтиб келмоқда. Ал-мийсоқ (Аллоҳнинг биздан олган ваъдаси) мана шу заррада яширинган.

4. Аллоҳ йўлида қилинадиган инфоқ-эҳсонлар:

1) закот;

2) ихтиёрий эҳсонлар;

3) қарз бериш;

4) кечиб юбориш;



5. Бойнинг ҳам, камбағалнинг ҳам риюя этиши зарур бўлган одоблари бор.

6. Дунё ҳаётининг қисқача таърифи:

- 1) ўйин-кулги;
- 2) зеб-зийнат;
- 3) ўзаро мақтаниш;
- 4) мол-дунё ва фарзандларни кўпайтириш.

### МУЖОДАЛА СУРАСИ

1. Баъзан биргина аёлнинг берган саволи кўпчилик аёлларнинг муаммолари ҳал бўлишига сабаб бўлади.

2. Дунёда иккита гуруҳ бор:

- 1) Аллоҳнинг гуруҳи.
- 2) Шайтоннинг гуруҳи.

### ҲАШР СУРАСИ

1. Ушбу сурада ўзидан олдинги суранинг охириги оятларида айтилган гапларга амалий мисоллар келтирилади. Аллоҳнинг гуруҳи нима ишлар билан банд бўладию шайтоннинг гуруҳи нималар қилишини сўзлаб беради.

2. Аллоҳни унутган ўзининг қувват олиш манбасини унутади. Натижада ўзини ҳам унутади.

### МУМТАҲАНА СУРАСИ

1. Ушбу суранинг бошида қандай мавзу кўтарилган бўлса, охирида ҳам худди шу мавзулар тилга олинади. Гўёки суранинг боши ва охири икки қавс бўлиб, бири-бирига боғлиқ, битта мавзудаги оятларни жамлаб тургандек тасаввур уйғотади.

2. Мўминнинг имони кимни ўзига дўст тутиши ва кимни ёмон кўриши билан синалади.



## СОФ СУРАСИ

1. Мўминлар бир бутун бинони ташкил этувчи гиштларга ўхшайдилар. Яъни, ҳар бири бошқаси билан боғлиқ ва ҳар бирининг ўз ўрни, вазифаси бор.

2. Ислом ҳақида кўп ва ҳўб гапирадиган, лекин сафга келиб қўшилмайдиган: на даъват ишида, на яхши амалларда, на мусулмонларни ҳимоя қилишда ва на бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилмайдиган одамлар бор.

3. Аллоҳга ёрдамчи бўлаётганимизни қандай аниқлай оламиз? Қилаётган ишимизнинг яхши натижа бериши билан.

## ЖУМЪА СУРАСИ

1. Туғилиш билан қавс очилса, ўлим билан қавс ёпилади. Бутун умримиз шу икки қавс орасида.

2. Аллоҳ таоло мўминларнинг ҳафтада бир марта тўпланишларини истади. Жума куни бутун коинотнинг вужуди жамланиб, ишга тушган кундир.

## МУНОФИҚУН СУРАСИ

1. Мунофиқлар энг кўп қасам ичувчи кишилардир. Улар ҳақиқий башаралари очилиб қолмаслиги учун қасамларининг орқасига яшириниб оладилар.

2. Яхши ишларни жадаллик билан қилган яхши. Чунки ўлимнинг қачон келиши аниқ эмас.

## ТАҒОБУН СУРАСИ

Аллоҳнинг исмларидан бири «ал-Ҳалим»дир, яъни У Зот ҳеч ҳам шошилмайди.



## ТАЛОҚ СУРАСИ

1. Йўл-йўриқларни Олий Зотдан олиш бандани ҳам олий мақомларга кўтаради.

2. Аллоҳ таолонинг сифатлари кучайиб ва заифлашиб турмайди, балки бу сифатлар таъсири остидаги нарсалар – махлуқотлар кўпайиб-камайиб туришлари мумкин.

3. Гуноҳ ишга қўл уриб қўйганимизда Аллоҳнинг адолатидан Унинг раҳмлилигига қочишимиз, Унинг меҳрибонлигидан умид қилишимиз керак. Зеро, Унинг адолати ҳеч бир майда гуноҳни ҳам эътиборсиз қолдирмайди.

## ТАҲРИМ СУРАСИ

Менинг мавжудлигимнинг ўзи Аллоҳнинг борлигига далилдир. Зеро, ҳеч ким ўзини ўзи яратганини ёки бошқа бировни яратганини ҳалигача даъво қилмаган.

## МУЛК СУРАСИ

1. Бутун мулк Унинг қўлида. Истаганини азиз қилади, истаганини хор. Истаса – тирилтиради, истаса – ўлдиради. У барча нарсага – инъом беришга ҳам, интиқом олишга ҳам қодир Зот.

2. Ҳамиша ўлимнинг пойлаб турганини билган одам солиҳ амалларга шошилувчанроқ бўлади.

3. Ўлим – руҳнинг бадандан узилиши, ҳаёт эса бунинг акси. Шунинг учун ўлимга бутунлай йўқ бўлиб кетиш деб қаралмайди.

4. Аллоҳ бизга синаб кўрувчидек муомалада бўлади. Аслида У ҳамма нарсани билади.



5. Кофирларнинг: «**Ақлимизни ишлатганимизда эди...**» дейишлари уларнинг бу дунёда мутлақо ақлларини ишлатмай юрганларига далилдир.

### ҚАЛАМ СУРАСИ

1. Аллоҳнинг каломини тушунмаслигимиз билимимиз етарли эмаслигини англатади.

2. Билишнинг ўзи етарли эмас. Керакли вақтда ва керакли жойда билиш муҳим.

3. Ҳақиқат ўз табиатига кўра, кўринувчидир. Уни яшириш анча куч талаб қилади. Лекин охир-оқибат у барибир кўринаверади.

### АЛ-ҲОҚҚА СУРАСИ

1. Қуръон ўқиладиганда ўқувчини унутиб, Қуръонни нозил қилган Зотни тинглай бошлаш керак.

2. Вазифамиз – қўлимиздан келган барча ишни қилиб, қолганини энг қудратли Зотга ҳавола қилиш. Бандаларга ожизликни изҳор этиш – мусулмонга ярашмайдиган сифат.

4. Қуръон қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) ақида;
- 2) ҳукмлар;
- 3) қиссалар.

### МАОРИЖ СУРАСИ

1. Дунё ҳар лаҳзада ўзгариб турувчи бандалар фикри билан бошқариладиган бўлса, беқарор, изтиробли, ваҳимали ҳолатга келади.

2. Бирор нарсалар борлиги бир масала бўлса, уни сезиш бошқа бир масала.



## НУҲ СУРАСИ

1. Ибодатнинг энг гўзаллари:
  - 1) ғайбга ишониш;
  - 2) намоз;
  - 3) инфоқ-эҳсон.
2. Бандага ризқ келтирувчи энг зўр восита – истиғфор айтиш.
3. Аллоҳнинг дастурини маҳкам тутган бандани енгиб бўлмайди.

## ЖИН СУРАСИ

1. Англаш уч хил:
  - 1) сезиш (сезги аъзолари билан);
  - 2) билиш (бошқадан ўрганиш);
  - 3) ўйлаш (бир нарсадан иккинчисини пайдо қила олиш).
2. Ҳар бир нарсанинг ўзига хос ҳаёти бор.
3. Ҳаракатсиз – жонсиз нарса ўсиб-улғайиб, ўсимликка айланмайди. Ўсимлик ривожланиб, ҳайвонга айланмайди. Ҳайвон эса инсонга айланмайди. Буларнинг бари ўз чегарасида тўхтади.

## МУЗЗАММИЛ СУРАСИ

1. Инсон ўзининг оиладаги ва жамиятдаги ўрнини билмоғи керак. Ўз ўрнини билиб, шу ўринга муносиб иш қилган инсон азиздир. Ўзини ўзи лойиқ бўлган ўридан юқори қўювчи эса мутакаббирдир. Ўзини ўзи муносиб бўлган мақомдан пастроқ қўювчи тавозелидир.
2. Шайтоннинг гуноҳкорлиги «Сажда қил!» деган буйруққа бўйсунмаганида бўлса, Одамнинг гуноҳ-



корлиги «Яқинлашма!» деган қайтариққа қулоқ солмаганидадир.

### **МУДДАССИР СУРАСИ**

1. Намоз ўқисангиз, Аллоҳнинг даргоҳида қабул бўладиган қилиб ўқинг! Намоз сизга қувват берадиган қилиб ўқинг! Намоз сизни ёмонликлардан қайтарадиган қилиб ўқинг!

2. Муслмоннинг моддий кучидан кўра, бирор буйруқни маҳкам тутиб, ундан чекинмаслиги кофирни кўпроқ чўчитади.

### **ҚИЁМАТ СУРАСИ**

1. Тарқатаётган молимиз нафақат мулкимиздан, балки қалбимиздан ҳам чиқсин. Шунда икки баробар савобга эришилади.

2. Вафот этган одамнинг жасади билан одамлар шуғуллансалар, руҳи билан фаришталар шуғулланадилар.

### **ИНСОН СУРАСИ**

1. Одобнинг чўққиси – Аллоҳнинг айтганини қилиш.

2. Катта муаммо кучли режа талаб қилади.

3. «Тақво қилинг», дегани «Аллоҳнинг ғазабини қўзғаманг», демақдир.

4. Болалиги энг узоқ чўзиладиган махлуқ бу – инсон.

## МУРСАЛОТ СУРАСИ

Аллоҳ сени мағфират қилишини истасанг, яхши амалларни шу қадар кўп қилгинки, Аллоҳ ҳатто ёмонликларингни ҳам яхшиликларга алмаштириб қўйсин. Шу даражада кўп яхшиликлар қилки, гуноҳларингни ювиб кетсин.

## НАБАЪ СУРАСИ

1. Биринчи даражали масалалар қолиб, иккинчи, учинчи даражалилари ҳақида сўраш – йўлдан адашганларга азалдан теккан касаллик. Қиёмат ҳақида сўраётган одам, аввало, Аллоҳ таоло тўғрисида сўраши, У Зот ҳақида аниқ тушунчага эга бўлиб олиши керак эмасми? Ахир, асосий масалани ҳал қилмай туриб, унга боғлиқ бўлган бошқаларини қандай ҳал қилиш мумкин?

2. Инсон миясида чарх ураётган саволларга жавоб топиши учун атрофга эътибор билан боқиши кифоя қилади. Ҳамма гап хоҳишнинг бор-йўқлигида, холос.

3. Аллоҳнинг баъзи бандаларига шафоат қилиш ҳуқуқини бериши бандаларга кўрсатилган алоҳида эҳтиромдир. Зеро, Аллоҳ истаса, бусиз ҳам бандаларининг гуноҳидан кеча олади.



## НОЗИОТ СУРАСИ

1. «Назиат», «Нашитот», «Сабихат» ... олимлар турлича тафсир қилган, келажакда яна янги маънолар берадиган сўзлар... Аллоҳ бу калималарнинг асл маъноларини очиқ қолдирар экан, гўё биздан ақлимизни астойдил ишлатишимизни истаётган-дек.

2. Мақтанаётган нарсаларимнинг бари – Аллоҳнинг менга вақтинча берган, белгилаган муддатида қайтариб оладиган омонатлари. Ҳеч нарса ўзимники эмас экан, нимамагга гердаяман?!

3. **«Кимки ҳаддидан ошса ва дунё ҳаётини устун қўйса...»** оятини ўқиганда ўз-ўзидан мияга бунинг акси, яъни «Кимки ҳаддидан ошмаса ва дунё ҳаётини устун қўймаса...» деган фикр келади. Эндиги масала – ҳаддан ошмаслик ва дунёни устун қўймаслик учун нима қилишим керак? Жавоб кейинги оятда келмоқда: **«Кимки Парвардигорининг ҳузурда туришидан қўрққан ва нафсини ҳавойи хоҳишлардан қайтарган бўлса...»**

## АБАСА СУРАСИ

1. Қуръондаги гапларнинг ҳақиқат эканига дунёдаги энг катта далил – ҳаётнинг ўзи, унда юз бераётган воқеалар.

2. Пайғамбарларга йўл кўрсатувчи, керак бўлганда танбеҳ берувчи Аллоҳнинг Ўзи экани – у зотлар учун шараф. Қолаверса, оятдан койишдан кўра меҳр-шафқат маъноси кўпроқ уфуриб туради. Аллоҳнинг пайғамбар алайҳиссаломлардан ўзларини ортиқча қийнаб, талаб этилмаган масъулиятларга қўл уриб юрмасдан Қуръон ҳидоятини етказиш билан чекланиб, бу ҳидоятни истаганлар билан банд бўлиш кераклиги ҳақида кўрсатма бераётгани тушунилади.

3. Инсонни жарга қулашдан сақлайдиган ягона йўл – Аллоҳ кўрсатган йўлдан юриш.



## ТАКВИР СУРАСИ

1. Яхшиликни астойдил ният қил ва ҳаракатни бошла. У ёғини Аллоҳга қўйиб бер.
2. Аллоҳ менга бутунлай эрк ҳам бермаган, эркимни бутунлай олиб ҳам қўймаган.

## ИНФИТОР СУРАСИ

1. «Эй инсон, нима сени Улуғ Парвардигорингдан алдаб қўйди?» ояти орқали Аллоҳ бизга инсонлигимизни эслатяпти. Инсон номига лойиқ одам Раббидан адашмайди, ҳақиқатлардан чалғимайди, ёлғон-яшиқларга алданмайди, демоқчи.
2. Қуръондан эшитган хабаримизни худди кўриб тургандек қабул қилишимиз имоннинг чўққиси ҳисобланади.



201

## МУТОФФИФИН СУРАСИ

1. Бандалар ҳам ҳар хил. Кимнидир Аллоҳга рағбат, У Зотнинг мукофотларига интилиш ҳаракатлантирса, кимнидир Аллоҳнинг ғазабидан қўрқиш, жазосидан ҳайиқиш ҳаракатлантиради. Яна кимнидир ҳар иккиси ҳаракатлантиради...
2. Ақиданинг, яъни Қуръон бизга етказган борлиқ, ҳаёт, инсон ҳақидаги асосий тушунчаларнинг энг олий вазифаси – ҳаётдаги ҳар бир ҳаракатимизни Аллоҳ истаган ва айни пайтда инсониятга манфаатли бўлган ўзанга солиш. Демак, билишдан мақсад – ҳаракат. Тушунишдан мақсад – ҳаракат. Ишонишдан мақсад ҳам ҳаракат қилиш, интилиш, эришишдир.
3. Жамиятнинг бузилиши одамларнинг бошқалардаги ўз ҳақларини ортиғи билан олишга ва айни



вақтда бошқаларнинг ўзларидаги ҳақини бермасликка ёки имкон қадар камроқ қайтаришга ҳарислигидан келиб чиқади.

## ИНШИҚОҚ СУРАСИ

1. Осмон ёрилган ва Парвардигорининг ёрилиш ҳақидаги буйруғига қулоқ тутган кун инсонга вақтинча берилган танлаш ихтиёри тугайди. Ҳамма истаса-истамаса, ўз ихтиёрини ихтиёрни берган Зотга топширади. Ақлли одам ўша кун ёки ўлим келмасидан олдин танлов ихтиёрини У Зотга – Аллоҳга топширади. Ҳаётда У Зот истаган, хоҳлаган ишларни танлаб яшайди.

2. Одамлар икки гуруҳ: қийналиб топган молмулкани Аллоҳ истаган жойга сарфловчилар ва қийинчилик билан топганини Аллоҳнинг хоҳишига қарши ишлатувчилар.

## БУРУЖ СУРАСИ

1. Ҳақ ва ботил ўртасидаги кураш узоқ чўзилмайди. Чунки ботилнинг ҳақ қаршисида туришга кучи йўқ. Ҳақ ва ҳақ ўртасида ҳеч қачон тўқнашув юз бермайди. Чунки ҳақ битта, унинг бошқа ҳақ билан тўқнашиши имконсиз. Узоқ чўзиладиган ва ҳеч қачон тугамайдиган кураш – бу икки ботил орасидагисидир. Чунки Аллоҳ уларнинг ҳеч қайсисига ёрдам бермайди. Аллоҳнинг ёрдамисиз эса ҳеч ким ғолиб бўла олмайди.

2. Золимлар ҳаётда зулм, макр-ҳийла, алдов, бошқаларнинг қонини ичиш ва қўлидагини тортиб олиш орқали эгаллаб олган мавқеларига хавф туғдирган кимсани асло аямайдилар. У одамнинг билимли, маданиятли, хушхулқ, бошқаларга яхши-

лик тиловчи бўлишининг заррача аҳамияти йўқ. Худди шунингдек, золимлар ўзларига қуллик қилувчиларни доимо сийлайдилар. Уларнинг ҳаромхўр, қонхўр, ҳеч қандай ёмонликдан тап тортмайдиган эканининг заррача аҳамияти йўқ.

3. Қиёмат – Ер ва осмон аҳли учрашадиган кун.

## ТОРИҚ СУРАСИ

1. Биз кўриб турган юлдузлар, сайёралар, галактикалар дунё осмонининг қуйи қисми ҳисобланади.

2. Аллоҳнинг бандада ҳақи бор.

3. Аллоҳдан ёрдамнинг бир муддат келмай туриши мўминларнинг чиниқиб, тобланиб олишлари, дунё матоларидан тўлиқ узилиб олишлари учун керак. Мана шу вазифа муваффақиятли бажарилиши биланоқ илоҳий мадад ҳозир у нозир бўлади.



## АЪЛО СУРАСИ

1. «Дарҳақиқат, (куфру исёндан) пок бўлган ва Парвардигорининг номини ёд этиб намоз ўқиган киши нажот топгандир», оятидаги «пок бўлган» ибораси ақида масаласининг биринчи даражали эканига ишора қилади. Яъни, улуғ ишларга қўл урмоқчи бўлган одамнинг онги, мияси бузғунчи фикрлардан холи, пок бўлмоғи лозим. «Намоз ўқиган» ибораси амал қилиш масаласининг аҳамиятига ишора. Яъни, қандай ақида ҳаётда ўз ўрнини топмоқчи бўлса, албатта, амалга – амалий ҳаракатга айланиши даркор.

2. Аллоҳни ақлга келадиган ҳар қандай камчилик ва нуқсондан поклаш, У Зотнинг мутлақо айблардан холи эканини эътироф этиш, деб таржима қилинадиган «тасбех» сўзининг ўзаги «син», «ба» ва «ҳа»



харфларидир. Худди шу харфлар «сузмоқ» (сибааха) сўзи ўзакларида ҳам бор. Сузиш деганда кўз ўнгимизга Ернинг тортиш кучига қарамай, юқорига интилаётган одам келади. Мўминнинг ҳаётдаги ҳаракати ҳам худди шунга ўхшайди. У Раббидан олган куч билан ҳаёт оғирликларидан устун бўлишга интилади. Шу жиҳатдан олганда, ихлосни ақиданинг мағзи дейиш мумкин.

## ҒОШИЯ СУРАСИ

1. Озгина ақли бор одам қачондир келадиган роҳатни кўзлаб меҳнат қилади, машаққат чекади. Лекин чекилган машаққатнинг натижаси дўзахга кириш бўлса-чи? Вақт борида мана шу нарса ҳақида ўйлаш керак.

2. «Улар олий жаннатда бўлиб, у жойда бирон беҳуда сўз эшитмаслар». Мана, ҳаётини беҳуда фикрларга берилмай, беҳуда ишлар билан тўлдирмай, беҳуда сўзлар билан вақт ўтказмай яшаганларга берилган мукофот! Ҳаётингни қандай ўтказсанг, мукофоти ҳам ўшанга қараб бўлар экан-да!

## ҒАЖР СУРАСИ

1. Ҳар зулматнинг бир тонги бор. Ҳар машаққатнинг бир роҳати мавжуд. Ғошия сурасидан кейин Ғажрнинг келиши қалбда мана шундай ишонч уйғотади.

2. Имтиҳон бошқа-ю, унинг натижаси бошқа бўлганидек, банданинг бошига тушгани бошқа, унинг бу имтиҳондан қандай баҳо билан ўтгани бошқадир.



## БАЛАД СУРАСИ

1. Ҳеч ким отам йўк, деб ўқинмасин. Бизнинг Одам алайҳиссаломдек отамиз бор. Ҳамма гап у зотга лойиқ фарзанд бўлишимизда.

2. «**Ахир, Биз унга икки кўз, тил ва икки лаб ато қилмадикми?!**» ояти бизни одам анатомиясини синчиклаб ўрганишга ундамоқда.

## ШАМС СУРАСИ

1. «**Дарҳақиқат, ўзини поклаган киши нажот топди**», оятидаги «**поклаган**» сўзи Қуръонда «**заккаҳа**» бўлиб келган. Унинг «закот» сўзи билан ўзаги бир. Маълумки, «закот» ўсиш деган маънони англатади. Шундан келиб чиқиб, оятга «...ўзини Аллоҳ дастури асосида ўстирган, ривожлантирган, бир жойда туриб қолмаган киши нажот топди», деб ҳам маъно бериш ҳам мумкин.

2. Аллоҳ бандасига бир яхшиликни раво кўрса, уни ўша яхшиликка илҳомлантиради. Зийрак банда бу илҳомни сезиб, дарров уни бажаришга киришади ва савоб ишлаб олади.

## ЛАЙЛ СУРАСИ

1. Аллоҳ: «**Эркак ва аёлни яратган Зотга қасамки, шак-шубҳасиз, сизларнинг саъй-ҳаракатингиз хилма-хилдир**», демоқда. Демак, эркак ва аёл бир-бирини тўлдирувчи икки борлиқ. Ҳамда уларнинг асосий вазифалари бир-бириникидан бошқа-бошқа, бир хил эмас, хилма-хилдир. Бу гапни «**Эр-хотин – қўш ҳўкиз**» шиори остида эркак ва аёлни



бир сафга қўяётганлар учун огоҳлантириш деса ҳам бўлади.

2. Бошқаларга бергани туфайли Аллоҳнинг саво-бига, бандаларнинг мақтовига сазовор бўлган одам сахий дейилади. Бермагани сабабли Аллоҳнинг жазосига, банданинг маломатига қолган одам бахил дейилади.

## ЗУҲО СУРАСИ

1. Тун зулмати ортидан доимо куннинг ёруғлиги келади. Буни Лайл сурасидан кейин Зуҳо сурасининг келиши тасдиқлаб турибди.

2. Қуръонда етимнинг аҳволига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки одатда унинг масъулиятини зиммасига олувчилардан кўра, унинг ҳақ-ҳуқуқларини бошқаларнинг зиммасига юклашни хоҳловчилар кўпроқ бўлади ҳаётда.

206

## ШАРҲ СУРАСИ

1. Ҳар қандай қийинчилик – навбатдаги енгилликка етишдан олдин тўхтаб ўтиладиган бекат.

2. Мўминнинг ҳаёти бир ибодатдан иккинчисига ўтиш билан кечади. У ҳар ишининг ибодат мақомини олишига интилади. Унинг ҳаётида бекорчиликка жой йўқ.

## АЛАҚ СУРАСИ

1. Ортидан дўзах келадиган ишда яхшилик йўқ. Ортидан жаннат келадиган ишда ёмонлик йўқ.

2. Одамлар орасида шундай бадбахтлар ҳам борки, ўзи тўғри йўлда юрмагани етмагандек, бошқаларни ҳам тўғри йўлдан тўсади.

## ҚАДР СУРАСИ

1. Қуръоннинг ҳар сураси – бир гулзор. Гулзорлар кўшилиб, бир бутун боғни ташкил қилади. Қуръонни англамоқчи бўлган толиб унга бир бутун безавол боғдек қараши лозим.

2. Қуръон – Аллоҳнинг сўзи. Сўзлаш – Аллоҳнинг сифати. Аллоҳники бўлган сифатларни эса банда камраб ололмайди.

3. Вақтнинг қадри унда қилинган хайрли ишлар билан ўлчанади.

## БАЙЙИНА СУРАСИ

1. «**Унда (Қуръонда) энг тўғри китоблар – ҳукмлар бор**», дейиш билан биргина Қуръонда жамики керакли китоблар жамулжам бўлгани хабари берилмоқда.

2. Тўғри йўлда юриш машаққатини кўтариб бораётганлар хотиржам бўлсинлар. Ҳали бу қийинчиликларни кўтарганлари учун мингдан-минг рози бўладиган кун келади, албатта: **«Аллоҳ улардан рози бўлди, улар (Аллоҳ берган мукофотлардан) рози бўлдилар. Бу (мукофот) Парвардигоридан кўрққан киши учундир».**

## ЗАЛЗАЛА СУРАСИ

1. Бизга жонсиз кўринган нарсаларнинг ҳам жони бор. Улар ҳам сезади, ҳатто гапиради: **«Ана ўша Кунда (Ер), Парвардигорингиз унга ваҳий қилиб, сўзлашга буюргани сабабли ўз хабарларини сўзлар».**



2. Динсиз одам заррача яхшилик қилса, мукофотини шу дунёнинг ўзидаёқ олади. Охиратда эса унга азобдан бошқа нарса йўқ. Мўмин одам заррача ёмонлик қилса, жазосини шу дунёдаёқ олади. Охиратда эса унга роҳатдан бошқа нарса йўқ.

## ОДИЁТ СУРАСИ

1. Залзала сурасида инсоннинг қилган амаллари йиғиндисини қиёмат куни кўриши хабари берилган бўлса, бу сурада Аллоҳнинг инсон қилган ва қилади-ган амаллардан аллақачон хабардорлиги дарағи бериляпти.

2. Тонг одамларнинг ғафлатда бўлишлари, ҳамма ёқ сукунатда бўлиши эътиборидан душман кўнглига ваҳима солиш, унга кутилмаганда зарба бериш учун роса қулай фурсат.

208

## ҚОРИЪА СУРАСИ

1. Вақт тўсиғи биздан ўтмиш ва келажакни беркитса, макон тўсиғи биздан ҳозирни беркитади. Вақт ўтиб кетгани учун ўтмишни ёки ҳали вақти келмагани учун келажакни кўролмаймиз. Бир вақтда яшаб турсак ҳам, жойларимиз бошқа-бошқа бўлгани учун бир-биримизни кўра олмаймиз.

2. Кўзимизга такрорланиб келаётган бўлиб кўринган сўзларнинг ҳар бирининг ўз вазифаси бор: оятдаги «**ал-қориъа**» сўзи биринчи келишида ўйлантириб қўйиш, иккинчи келишида қўрқинч солиш, учинчи келишида ҳайратлантириш вазифаларини бажармоқда.



## ТАКАСУР СУРАСИ

1. Қабрларни зиёрат қилиш – қаттиқ қалбларни юмшатишнинг энг самарали йўли.

2. Модомики, тўплаган мол-давлатимиз орқасидан савол-жавобга тутиладиган бўлсак, мол-дунё тўплаш масаласида эҳтиёткорроқ бўлганимиз маъқул эмасми?

3. Бизга бир кун муаммо туғдирадиган эмас, балки дунёдан кетганимиздан кейин ҳам яхшилик келтирадиган нарсаларни тўплашга астойдилроқ бўлишимиз тўғри эмасми?

## АСР СУРАСИ

1. Ушбу сура бизга муваффақият формуласини тақдим этади. Энг олдин ақида туради (ҳаёт учун керак бўлган энг асосий тушунча ва фикрлар: «Мен ким?» «Мақсадим нима?» «Қаерга кетяпман?» «Атрофимдагилар кимлар?» каби). Кейин амал (ақида йўлидаги ҳаракат) келади. Сўнгра билган ва қилганларимни атрофга ёйиш (агар шундай қилмасам, ҳаётдаги воқеаларни томошабин каби кузатишдан нарига ўтолмайман) келади. Ва сўнггиси – йўлимда учраган қийинчиликларга қарамасдан, ҳаракатдан тўхтамайман. Бу сабр дейилади.

2. Узоқ умр кўрганлар қаригани сари заифлашиб, нуқсонга учраб, амаллари камайиб боради. Мўмин банда қариса ҳам, Аллоҳ унга ёшлик даврида қилган амалларининг савобидек савоб ёзаверади.



## ҲУМАЗА СУРАСИ

1. Туну кун тинмай катта мол-давлат йиғдингиз. Шу мол-дунёни еб-ҳазм қилиш учун етадиган умр ҳам йиғдингизми?

2. Суранинг бошида инсонларнинг обрў-эътиборлари (маънавий бойлик), ҳурмати ҳақида гап боради.

Кейин эса моддий бойлик ва унинг ҳаётдаги ўрни тўғрисида хабар берилади.

## ФИЛ СУРАСИ

1. Сурада Аллоҳнинг мукаррам қилганини оёқости қилмоқчи бўлганларнинг оқибати нима билан тугаши баён қилинган.

2. Фил Каъбани бузиш учун олдинга бир қадам ҳам қўймади. Мўмин ҳам Аллоҳнинг динига зарар етказадиган ҳар қандай ишга на обрўси, на моли, на кучи, на қалами ва на тили билан хисса қўшмаслиги керак. Фил нима учун яратилганини биларди. Мана шуни ҳеч қачон унутмади. Ҳайвонлар Аллоҳнинг динини танишда биздан илғорроқ бўлиб қолма-синлар!

## ҚУРАЙШ СУРАСИ

1. Қуръон гарчи воқеа-ҳодисаларга қараб, бўлиниб-бўлиниб нозил бўлган эса-да, унинг ҳозирги ҳолати Лавҳул Маҳфуздаги асл ҳолати билан айнан бир хил.

2. Одамдаги энг асосий эҳтиёж – овқат ва хотиржамлик. Бу иккисини очлик ва безовталиқ йўқ қилади. Овқат ва хотиржамлиги бор киши ўзидаги неъматнинг қадрига етсин.



## МАЪУН СУРАСИ

Меҳнатнинг эвазига оладиган мукофотингни тасаввур қилсанг, ҳар қандай иш енгиллашиб кетади. Эсингда тут: сен Аллоҳнинг қулисан, қандай ҳаракат қилишинг ҳақидаги кўрсатмани Ундан оласан. Мақсадинг – Ерни Аллоҳ истаганидек обод қилиш. Шу йўлда сенга ёрдамчи бўладиганлар – мақсадинг учун восита.

## КАВСАР СУРАСИ

1. Намоз ўқиётган инсон Рабби билан боғланиб, Ундан илоҳий қувват олади. Олинган қувват сарфланиши зарур. Қаерга? Албатта, қувватни берган Зотнинг бандаларига, уларнинг оғирларини енгил қилишга, уларнинг Парвардигорлари билан боғланишларини осонлаштиришга! Демак, ўқиётган намозимизнинг фойдаси инсонларга ёрдам беришимизда кўринар экан.

2. Бировга моддий ёрдам кўрсатиш – нафсга оғир келадиган иш. Чунки нафс беришни эмас, олишни ёқтиради. Берилганларнинг ўрнини тўлдирувчи Зот борлигини, Унинг имкониятлари чексиз эканини чин дилдан билганларгина бундай қила оладилар.

## КАФИРУН СУРАСИ

1. Ушбу сура ҳақ билан ботилнинг, имон билан куфрнинг ўртасида ҳеч қачон келишув бўла олмаслигини эълон қилади. Дикқатга сазовор жойи шундаки, ўртада ҳеч қандай ўзаро тушуниш бўла олмаслиги эълон қилинганида мусулмонлар Маккада заиф ҳолатда эдилар.



**2. «Сизлар ҳам мен ибодат қиладиган Аллоҳга ибодат қилмайсизлар»**, ояти Қуръоннинг илоҳий китоб эканини яна бир қарра тасдиқлайди. Чунки бу оят нозил бўлгач, Пайғамбар алайҳиссаломни ёлғончига чиқариш учун доимо имкон излаб юрадиганлар: «Мана, биз ҳам сен ибодат қиладиган Зотга ибодат қила бошладик. Бу билан сенга нозил бўлган нарсаларнинг ёлғон эканини исботладик», дейишлари мумкин эди. Лекин ўша пайтда бу фикр ҳеч бир кофирнинг калласига келмади.

## НАСР СУРАСИ

1. Ўтмиш, ҳозир ва келажак. Буларнинг бари бизга дунёни англашимиз учун керак. Аллоҳ учун эса ўтмиш, ҳозир, келажак деган нарса йўқ. Коинотдаги ҳамма ҳодиса, воқеа ёки жараён У Зотга азалдан маълум. Борлиқда бирор нарса йўқки, Унинг билганига хилоф юз берса.

2. Аллоҳнинг нусрати келган пайт бошқа вақтлардан ҳам кўра кўпроқ Уни поклаш, Унга ҳамд айтиш, йўл қўйилган хатолар учун кечирим сўраш вақтидир. Чунки айни шу пайтда одамдаги нафс бош кўтаради. Келган ғалабага ўзини сабабчи қилиб кўрсатади.

«Буни мен қилдим!» дейди. Зийрак, фаросатли мўмин эса: «Бу ишга мени сабабчи қилиш билан савоб қозонишимга имкон берган Раббимга ҳамдлар бўлсин! Агар Унинг истаги бўлмаганида, менинг шунча қилганларим иш бермас эди», дейди.



## МАСАД СУРАСИ

1. Пайғамбар алайҳиссаломга амаки бўлса ҳам, динга душманлиги сабабли Абу Лаҳабга тоабад тавқи лаънат ёпишди. Унинг бадбахтлиги ҳақида ҳамма ўқиб-ўрганадиган оят нозил қилинди. Бу имоний қариндошлик қон-қариндошлиқдан мутлақо бошқа нарса эканини, имонлиларгина бир-бирлари билан чинакам қариндош бўла олишларини кўрсатади.

2. Абу Лаҳаб ёнида хотинининг ҳам зикр қилиниши ҳаммамизни хотиннинг эр ҳаётидаги ва эрнинг хотин ҳаётидаги ўрнига теранроқ назар солишга ундаши керак.

## ИХЛОС СУРАСИ

1. Ихлос – тозалаш, ажратиб олиш дегани. Бу сўзни эшитганда тасаввуримизга бир-бири билан қоришиб ётган, бири иккинчисининг ичига кириб кетган нарсалар келади. Улардан фойдаланиш учун уларнинг фойдалисини зарарлисидан, кераклисини ноқерагидан ажратиб олишимиз керак.

2. Етти қават осмонлар ва етти қават Ерни ҳақиқий ягона Илоҳ тутиб туради. Бордию илоҳлар кўп бўлганида эди, уларнинг тўқнашувларидан осмону Ер аллақачон бузилиб кетган бўларди.



## ФАЛАҚ СУРАСИ

1. «Тонг Парвардигоридан паноҳ сўрайман», дейишнинг ўзиёқ ғам қоплаган кўнгилни тонгнинг илк ёғдулари билан ёритади.

2. Бу сура бизга ташқи хавфлардан (махлуқотларнинг ёмонлиги, зулматли кечаларда юз берадиган жиноятлар, тугунларга дам солувчи ва ҳасад-гўйларнинг ёмонликлари кабилардан) сақланиш йўллари кўрсатиб беради.

## НОС СУРАСИ

1. Ушбу сура бизни ички хавфлардан (васвасачи жин ва инсонлар ёмонлигидан) сақланиш йўллари билан таништиради. Бошқа сураларда мўминларга хавф соладиган ва кўз билан кўрса бўладиган омиллар ҳақида гап кетса, Фалақ ва Нас сураларида кўз билан кўриб бўлмайдиган омиллар тўғрисида сўз боради.

2. Барчани йўқдан бор этиб парваришлаган, борлиқдаги ҳамма нарсанинг ҳақиқий Подшоҳи бўлган Зотгина инсонларга бундай буйруқ бериш – Илоҳлик қилиш ҳақиқа эга. Бошқа ҳеч кимда бундай ҳуқуқ йўқ!

## МУНДАРИЖА

### Қуръонда нима дейилган?

<i>Муқаддима</i> .....	5
<i>Аллоҳ</i> .....	7
<i>Қонуниятлар</i> .....	10
<i>Коинот</i> .....	13
<i>Фаришталар</i> .....	15
<i>Аллоҳ ва инсон</i> .....	16
<i>Дунё</i> .....	17
<i>Қуръони карим</i> .....	19
<i>Пайғамбарлар</i> .....	21
<i>Ислом</i> .....	23
<i>Имон</i> .....	23
<i>Кун ва тун</i> .....	24
<i>Инсон</i> .....	25
<i>Жинлар</i> .....	28
<i>Шайтон</i> .....	29
<i>Мўминлар</i> .....	30
<i>Кофирлар</i> .....	32
<i>Мунофиқлар</i> .....	38
<i>Мушриклар</i> .....	39
<i>Ибодатлар</i> .....	40
<i>Зикр</i> .....	43
<i>Тавба</i> .....	44
<i>Дуо</i> .....	45
<i>Гуноҳлар</i> .....	47
<i>Мусибатлар</i> .....	49
<i>Ўлим</i> .....	51
<i>Қиёмат</i> .....	52
<i>Жаннат</i> .....	56

<i>Дўзах</i> .....	58
<i>Тасаввур</i> .....	59
<i>Руҳият</i> .....	60
<i>Ўзлик</i> .....	63
<i>Қарор</i> .....	65
<i>Таълим</i> .....	66
<i>Тарбия</i> .....	71
<i>Ахлоқ</i> .....	73
<i>Бошқарув</i> .....	76
<i>Адлия</i> .....	80
<i>Мукофотлаш</i> .....	82
<i>Жазолаш</i> .....	83
<i>Иқтисод</i> .....	87
<i>Молиявий ишлар</i> .....	87
<i>Ризқ</i> .....	89
<i>Соғлиқни сақлаш</i> .....	90
<i>Таом</i> .....	91
<i>Ичимлик</i> .....	92
<i>Либос</i> .....	93
<i>Уй-жой</i> .....	93
<i>Уйқу</i> .....	95
<i>Оила</i> .....	95
<i>Ота-она</i> .....	96
<i>Фарзанд</i> .....	97
<i>Аёллар</i> .....	98
<i>Сўзлаш</i> .....	100
<i>Меҳмондорчилик</i> .....	102
<i>Ижтимоий алоқалар</i> .....	103
<i>Ташқи ишлар</i> .....	105
<i>Мудофаа</i> .....	106
<i>Хавфсизлик</i> .....	108
<i>Ҳайвонот</i> .....	110



## Ўйларим парвози

Муқаддима .....	113
Фотиҳа сураси .....	117
Бақара сураси .....	118
Оли Имрон сураси .....	122
Нисо сураси .....	125
Моида сураси .....	128
Анъом сураси .....	129
Аъроф сураси .....	131
Анфол сураси .....	133
Тавба сураси .....	134
Юнус сураси .....	137
Худ сураси .....	139
Юсуф сураси .....	140
Раъд сураси .....	142
Иброҳим сураси .....	143
Ҳижр сураси .....	143
Наҳл сураси .....	145
Исро сураси .....	146
Каҳф сураси .....	149
Марям сураси .....	150
Тоҳо сураси .....	151
Анбиё сураси .....	152
Мўминун сураси .....	154
Ҳаж сураси .....	155
Нур сураси .....	158
Фурқон сураси .....	161
Шуаро сураси .....	162
Намл сураси .....	165
Қасос сураси .....	168
Анкабут сураси .....	170
Рум сураси .....	172

Луқмон сураси.....	173
Сажда сураси .....	175
Аҳзоб сураси .....	176
Сабаъ сураси .....	178
Фотир сураси .....	179
Ясин сураси .....	181
Соффат сураси.....	182
Сод сураси.....	183
Зумар сураси.....	183
Ғофир сураси.....	184
Фуссилат сураси.....	184
Шўро сураси .....	185
Зухруф сураси .....	186
Жосия сураси .....	186
Духон сураси .....	186
Аҳқоф сураси.....	187
Муҳаммад сураси.....	188
Фатҳ сураси.....	188
Ҳужурот сураси.....	188
Қоф сураси .....	189
Зориёт сураси.....	189
Тур сураси .....	190
Нажм сураси .....	190
Қамар сураси .....	191
Раҳмон сураси.....	191
Воқеа сураси .....	192
Ҳадид сураси .....	192
Мужодала сураси .....	193
Ҳашр сураси.....	193
Мумтаҳана сураси .....	193
Соф сураси .....	194
Жумъа сураси.....	194
Мунофиқун сураси .....	194

Тағобун сураси.....	194
Талоқ сураси .....	195
Таҳрим сураси.....	195
Мулк сураси .....	195
Қалам сураси .....	196
Ал-Ҳоққа сураси .....	196
Маориж сураси .....	196
Нуҳ сураси.....	197
Жин сураси.....	197
Муззаммил сураси .....	197
Муддассир сураси.....	198
Қиёмат сураси.....	198
Инсон сураси.....	198
Мурсалот сураси .....	199
Набаъ сураси.....	199
Нозиот сураси .....	199
Абаса сураси .....	200
Таквир сураси .....	201
Инфитор сураси .....	201
Мутоффифин сураси .....	201
Иншиқоқ сураси.....	202
Буруж сураси.....	202
Ториқ сураси .....	203
Аъло сураси .....	203
Ғошия сураси.....	204
Ғажр сураси .....	204
Балад сураси .....	205
Шамс сураси.....	205
Лайл сураси.....	205
Зуҳо сураси.....	206
Шарҳ сураси .....	206
Алақ сураси.....	206
Қадр сураси.....	207

<i>Баййина сураси</i> .....	207
<i>Залзала сураси</i> .....	207
<i>Одиёт сураси</i> .....	208
<i>Қориға сураси</i> .....	208
<i>Такасур сураси</i> .....	209
<i>Аср сураси</i> .....	209
<i>Хумаза сураси</i> .....	210
<i>Фил сураси</i> .....	210
<i>Қурайш сураси</i> .....	210
<i>Маъун сураси</i> .....	211
<i>Кавсар сураси</i> .....	211
<i>Кафирун сураси</i> .....	211
<i>Наср сураси</i> .....	212
<i>Масад сураси</i> .....	213
<i>Ихлос сураси</i> .....	213
<i>Фалақ сураси</i> .....	214
<i>Нос сураси</i> .....	214

## Қайдлар учун

---

## *Қайдлар учун*

---

*Диний-маърифий нашр*

**Акмал Мираваз ўғли**

# **МЕН ҲАМ ТАФАККУР ҚИЛАМАН**

*Муҳаррирлар:* Абдул Жалил ХЎЖАМ,  
Зухра ҲАМДАМОВА

*Бадиий муҳаррир:* Нодирбек ХАЖИЕВ

*Саҳифаловчи:* Наргиза МИРЗАЛИЕВА

*Мусаҳҳиҳалар:* Зебо ОМОНОВА,  
Нилуфар АБЛАЕВА

Нашриёт лицензия рақами: 4455-535f-1ecd-eb6a-8a83-0410-7703.

Босмахонага 2021 йил 12 январда берилди.

Босишга 2021 йил 15 январда рухсат этилди.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84 x 108  $\frac{1}{32}$ .

Ҳарф гарнитураси: PT Serif. Офсет босма усули.

Нашриёт т.: 5,9. Босма т.: 14,0. Шартли б. т.: 1,68.

Адади: 5000 нусха. №71-сон буюртма.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“Шамсуддинхон Бобохонов” НМИУда тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар, 18-берккўча, 47<sup>а</sup>-уй.

Электрон почта: m-nashr@mail.ru.

Тел: (0-371) 227-34-30

Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қарашли  
“Шамсуддинхон Бобохонов” МЧЖда чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Зарқайнар, 18-берккўча, 47<sup>а</sup>-уй.